

R 166

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4 / 2016






АЛВИДО,

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ

МЕЪМОРИ



Ислом Каримов

(1938 – 2016)

J

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Самарқанд

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти
Ислом Каримов хотирасига атаб

Кучоғингга қайтдим, онажон –
Эй сен, менинг севимли Байтим.
Сенда илк бор кўз очган эдим,
Сўнги дам ҳам бағрингга қайтдим.

Сен – бахт каби азиз ва дилбар,
Сен – тахтдан ҳам юксак ва баланд,
Кўзларимга кўришиб турар
Гумбазлари мовий Самарқанд.

Кўкдан сочар қалдирғочларинг
Валфажрнинг титроқларини
Ва минг йиллик тут оғочлари
Тўқар умрим япроқларини.

Райҳон иси келиб боғингдан
Юлдузларга эртақ тўқийди
Ва қадимий Кўҳак тоғингда
Авлиёлар дуо ўқийди.

Сен ўхшайсан қадим навога,
Яралгансан илоҳий куйдан.
Агар яна қайтсам дунёга,
Кучоғингда тугилай дейман.

Хуршид ДАВРОН



МА'НАВИЯТИМИЗНИНГ БОШ НОМИЙСИ

Тарихимизнинг энг мураккаб, долғали бир даврида миллат бошига келиб, унинг номи, шону қудратини дунёга ёйишда жонбозлик қилган буюк сиёсий арбоб, мустақил Ўзбекистонимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан биз “тафаккур”чилар ҳам теган қайғуда видолашдик. Хурматли муштарий, қўлингиздаги мажалланинг асосий ташаббускори ҳам, унинг фаолият йўналишини белгилаб берган ҳам айна шу унутилмас зот экани қалбимизни ғурур ҳиссига тўлдиради. У кишининг журналимиз ўқувчиларига йўллаган эсдалик мактубидаги мана бу тилаклар эса ҳозир ҳам кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаётир: “Фикрда, илму ижодда, дунёни идрок қилишда, Ватанни имон билан севишда мумтоз боболаримиз анъаналарини мардона давом эттиришимиз, улар етолмаган тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз даркор... Янги журналимизнинг ижодий жамоаси ва унинг барча муаллифлари нурли қаламлари билан ҳар бир ўқувчи-муштарий кўнглига, ҳар бир хонадонга тафаккур ёғдуси олиб кирадилар деб умид қиламан. Ўйлайманки, улуғ мақсадлар сари сафарбар этилаётган “Тафаккур” журнали доимий маънавий йўлдошимиз бўлиб қолгусидир”.

Бугун биз кўп минг сонли журналхонларимиз, барча маънавият аҳли номидан улуғ давлат арбоби, фидойи инсон, маънавиятимизнинг бош ҳомийси бўлган Ислом Каримов хотирасини яна бир қарра миннатдорлик ила ёдга оламиз. Оллоҳ у кишининг охиратини обод этсин!



Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади...

Маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

“Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобидан



Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон четдан жим қараб туrolмайди. Ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло қабул қилолмайди... Агар одамзод бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, имони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидан



Афсуски, жойларда маданият ва маънавият масалаларига енгил-елпи қараш ҳоллари мавжуд. Бу борадаги ишларни охирига етказиш масъулиятини кимдир зиммасига олиши керак. Шу маънода, маданият ва маърифат намояндалари билсинларки, маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси республика Президенти бўлади.

1996 йил 4 сентябрь кунги Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази раҳбарияти билан бўлган учрашувдаги суҳбатдан



Янги мафқуранинг асл мазмуни – янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир. Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини ҳис этадиган шахс бўлиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқдан




Бугунги кунда ғояни, фикрни тақик билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин...

“Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблардан



Инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш – бош вазифамиз. Бу жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа ҳизмат қилиши – асосий қоида. Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислохотларимизнинг пировард мақсади битта – адолатли жамият барпо этиш.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг саволларига жавоблардан





Бозор муносабатларига ўтиш – кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, энг аввал, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўзёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг

уйи куйсин... Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолса – бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

1992 йил июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзланган нутқдан



Замон талабларига мос бўлиш учун ҳаммамиз қайтадан ўқишимиз даркор. Бунинг айби йўқ. Ўқиш ва ўрганиш ҳеч кимга зарар етказмаган. Агар қайсарликка бориб масаланинг моҳиятини яхши тушунмасак, унда хато қиламиз. Бировдан сўраб ўрганишнинг айби йўқ... Мени кечирасизлар-у, лекин ҳаммамиз ҳам раҳбар сифатида бир оз кеккайиб, гўдайиб қоламиз. Бошқаларни назарга илмай қўямиз. Худди атрофдагиларнинг биздан ақли, савияси пастдек туюлади. Энг катта хатомиз ҳам ана шунда.

1993 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессиясида сўзланган нутқдан



Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

“Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблардан



Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди...

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини

уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

“Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” китобидан



Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу олижаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тадбиркорлар топиш-тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларидан ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз бўлмайди... Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз... Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса – жамиятнинг келажagini тасаввур этиб бўлмайди.

1995 йил 2 ноябрь куни бир гуруҳ олимлар – Республика Фанлар академияси вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқдан



Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш – бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустақкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси раисининг саволларига жавоблардан



Адабиёт масаласи бу – маънавият масаласидир... Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдкори бу – ёзувчи ва шоирлардир... Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса – миллат яшайди.

“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” китобидан



Келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар қилиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим.

“Юксак маънавият – ёнгилмас куч” китобидан



ТАФАККУР

Тафаккур



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Муҳиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁКУБОВ

(масъул котиб)

ШОҲСАНАМ

(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА

(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ

(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА

(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Дилором АЛИМОВА

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБой

Қахрамон ҚУРОНБОЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Журналда поляк расмини Игорь Морски асарларидан фойдаланилди.

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино

233-10-68

233-79-40

239-46-16

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.


“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2016 йил 27 октябрь куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма тоб. 4122-бўжуртма. Нашр адади 2278 нусха.

tafakkurtafriiyati@mail.ru

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Тоғни силжитмоқ азми. Ўзбекистон халқ артисти
Эркин КОМИЛОВ билан суҳбат.....8



“Мирзо Улуғбек” спектаклидан лавҳа

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Абдурахим ЭРКАЕВ. “Рўёни рост деса...”.....16

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Раҳмон ҚЎЧҚОР. Дунё – кураш майдонидир.....24

МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Қозоқбой ЙЎЛДОШ. Навоий мулкига йўл.....30

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Жамол КАМОЛ. Ёниқ сўз кетса оламдин...38

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Ҳайнрих МАНН. Интиқом. Ҳикоя.....42

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Улуғбек МАМАТОВ. Уч портрет тарихи.....56

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Мас^кҳарабознинг паймонаси...58



МОҲИАТ ЖИЛОЛАРИ

Акутагава РЮНОСКЭ. Ҳузурбахш азоб,
қувончбахш ғусса.....72

Игорь МОРСКИ. "Техноген сюрреализм"
туркумидан



ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Қосимжон СОДИҚОВ. Сарғаймас саҳи-
фалар.....76

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Бекзод ЖУМА-
НИЁЗОВ. Фуқаролик жамияти ва сиёсий
партиялар.....84

Баҳодир ЖОВЛИЕВ. Рамзга сингган
маъно.....86

Азизбек ТУРДИЕВ. Кул остидаги чўғ.....88

Фаррух ТЕМИРОВ. Беҳбудийнинг сўнги
истаги.....89

Феруза ОТАХОНОВА. Янгиланаётган
анъаналар.....91

Эътибор МИРЗАНАЗАРОВА. Миниатюра
санъатида либослар.....92

Неъмат ЎРОЗБОЕВ. "Тилсиз ёв" билан
басма-бас.....93

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....95



TOG'NI SILJITMOQ AZMI

*Ўзбекистон халқ артисти
Эркин КОМИЛОВ билан суҳбат*

– Ҳурматли Эркин ака, мана, яқинда етмиш ёшни қаршиладингиз. “Фавоид ул-кибар” фасли баракотли бўлсин! Кўп сонли мухлисларингиз қатори “Тафаккур” аҳли ҳам сизга тансиҳатлик ва узоқ умр тилайди.

– Қуллуқ, укажон! Шўх, олов чоқларингизда вақтнинг ўтиши сезилмас экан. Кейин-кейин ҳар дақиқа ғанимат кўрина бошлайди. Ана унда, Ғафур Ғулом ёзганидек, бир лаҳза қимматини олтин тарозию олмос тош билан ҳам баҳолаб бўлмайди.

Алишер Навоийнинг девонини ёдга олдингиз. Ҳиротлик бир қаламкаш Ҳазратга “Шеър ўғрилари дастидан дод! Инсофсиз шоирлар шеърларим маъносини ўзиники қилиб оляпти” деб шикоят қилиб қолибди. “Тап бу ёқда экан-да, тақсир! Шеърларингиздан кундузи чироқ ёқиб ҳам маъно тополмаётган эдим-а”, дея қочирим қилибди Навоий ҳозиржавоблик билан. Ҳазил-ку ўз йўлига, лекин шоир шеърдан

маъно талаб этгани каби ҳар бир оқил киши ҳам ортда қолган умридан мазмун қидириши табиий...

– Ярим асрдан буён саҳнадасиз. Умрингизни бахш этган ана шу соҳа хусусида суҳбатлашсак. Юртимизда театрлар фаолияти изчил қўллаб-қувватланаётгани ижод аҳлига зўр далда бўлмоқда. Икки йил аввал Ўзбек миллий академик драма театрининг бир асрлик тўйи зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. Кейинги ўн йилда вилоят театрларининг аҳволи ҳам анча яхшиланди. Янгидан бунёд этилаётган театр биноларини кўриб ҳавасингиз келади. Лекин санъат қошоналарига файз киритадиган томошабинларнинг сафи сийраклигидан ўйга толасиз. Оилавий қўйди-чиқди ва қайнона-келин можароларига бағишланган томошалардан кўнгиш тўқ – уларга одам ёғилиб келаётир. Жиддийроқ спектакль қўйилганида эса ҳайҳотдек залларнинг бир неча қатори аранг тўлади. Мушкулотдан чиқиш учун бўлса керак, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлари ўқувчи-талабалари, корхона-ташкилотлар меҳнаткашларига (ихтиёрий-мажбурий равишда!) чипта сотилаётир...



– Театрни бу аҳволдан қутқариб қолиш масаласи неча йиллардан бери долзарблигича турипти. Ўшандан бери баъзилар жонини жабборга бериб уни сақлаб қолишга уриняпти, айримлар эса, афсуски, баттар ўсал қилиш пайида. Биласизми, театр тузиш қийин, уни бузиш... ҳеч гап эмас.

Агар театр сиз айтган ҳолатда бўлса, бунинг учун айбни бировдан эмас, энг аввал ўзимиздан қидиришимиз керак. Ўн беш-йигирма йил илгари томошабинни театрга қайтариш илинжида маиший мавзудаги пьесаларга зўр берилди. Одамлар тушунмайди деган ваз билан салмоқли драмалардан воз кечилди. Оқибатда саҳнани пичоққа соп бўлишга ҳам ярамайдиган, “чангланмаган гулдек” заифу ночор спектакллар эгаллаб олди. Бундай томошаларни саҳналаштириш иш бўптими – режиссёр драматик ечим излаб тунларни бедор ўтказиши, актёр ойлаб машаққат чекиши шарт эмас. Мухлис ҳам кўп бош қотирмайди. Хуллас, бу ҳол ҳар икки томонга маъқул келди. Аммо театрнинг бозор “ҳамла”ларидан саросимада қолиб, осонгина “оқ байроқ кўтаргани” қимматга тушди. Томошабиннинг диду савияси ўтмаслашди, жўнлик, ўртамиёналикнинг куни туғди. Онгимизда “театр – кўнгиш очиш, ҳордиқ чиқариш маскани” деган янглиш тушунча илдиз отди. Ваҳоланки, театр шунчаки дам олиб кетиладиган жой эмас. Чинакам саҳна асари ҳаётнинг бири биридан

мураккаб азалий саволларига тайёр жавоб бермайди, аксинча, бадиият қонуниятлари асосида воқеликни янада чигаллаштириб тадқиқ этади, ундан маъно излайди.

Ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб, ана шу улуғвор мақсадлар ёдимиздан кўтарилаёзди. Томошабин-ку театрға қайтди, лекин, таассуфки, у фикран ялқов бўлиб қолди. Бугун юртимиз саҳналарида интиқиб қутилган тарихий драмалар кўйила бошлади: Бухорода – “Амир Темур”, Самарқанду Тошкентда – “Мирзо Улуғбек”, “Алишер Навоий”, “Лайли ва Мажнун”, Фарғонада – “Аҳмад Фарғоний”. Шўро замонида қатағонга учраган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби сиймолар ҳақида ҳам спектакллар намоиш этиляпти. Аммо, яшириб нима қилдик, минг бир риёзат чекиб яратилган асарларға гуррос-гуррос томошабин келмаяпти. Тафаккурни ўзгартиришдан тоғни силжитиш осонроқ, деган гап бор. Замондошларимиз онгига ўрнашган янглиш қарашларни илдизи билан суғуриб ташлаш учун ҳали талай фурсат, кўп меҳнат талаб этилади чоғи. Унгача эса, начора, ўзимиз пиширган ошни еб турамиз-да.

– Саҳнанинг томошабиндан юқорида жойлашгани ҳам рамзий маънога эга. Яъни бу – санъаткор томошабиндан бир бош баланд туриши лозимлигига ишора. Ана шу азалий тартиб эсдан чиқдимикан, ҳозир айрим театрларимиз саҳнаси томошабин ўриндиғи билан баравар бўлиб қолгандек. Томошабин дидининг ўтмаслашиб бораётгани хусусидаги такрор-такрор айтилаётган фикрлар қумга сингган сув мисоли изсиз кетаётир. Зиёлиларнинг бу борадаги уринишлари гоҳида Сизиф меҳнатидек бесамар... Эрмакталаб издиҳомни закий томошабинга айлантириш йўли борми ўзи, нима дейсиз?

– Тошкентнинг Чорсусига бозор-ўчар қилгани тушганимда одамлар арзон тухумға навбатда турганини кўриб қоламан. Умидли дунё экан-да, қани эди, юртдошларим театр остонасида ҳам ана шундай турнақатор навбатда турса деб орзу қиламан. Биз урушдан кейинги машаққатларни ўз кўзи билан кўрган авлодмиз. Мактаб даврида битта сиёҳдону пероли ручкани синглим Фаридахон билан галма-гал ишлатардик. Бу гаплар ҳозирги авлодга, эҳтимол, чўпчакдек туюлар. Лекин ҳатто ўша қаҳат замонда ҳам одамлар театрға боришни канда қилмаган эди. Демак, “ибратхона”дан томошабин қадами узилганини фақат моддий жиҳат билан изоҳлаб бўлмайди. Масаланинг ечимини замондошларимизнинг зоҳирдан эмас, ботинидан қидирган тўғрироқ.

Менга қолса, мактаб дастурига саҳна санъатига оид бирор предмет киритган бўлардим, токи фарзандларимиз ўқувчилик чоғиданоқ театрға бориш, спектакль томоша қилиш маданиятини ўзлаштир-

син. Аммо уларни ниҳоллигидан санъатга муҳаббат руҳида парвариш этиш билан ҳам иш битмайди. Ҳаммасидан муҳими ва мушуқли – ота-оналарни маърифатли этмоқ!

“Театр гардеробдан бошланади” деган нақлни биласиз. Аслида, театр ундан ҳам олдин – чиптахонадан бошланади. Чипта сотувчининг муомаласиданоқ спектаклга “ташхис” қўйса бўлади. Эътибор берганмисиз, театр фаррошларининг челагига кигиз ўралган бўлади. Расми шундай: тиқ этган товуш чиқмаслиги керак. Қай бирини айтай, театрнинг ўз арконлари, тартиб-қоидалари бор. Шулардан бирортасини буздингизми, тамом, кейин “Нега спектаклга одам келмаяпти?” деб калаванинг учини тополмай юраверасиз.

Албаттаки, ҳангоматалаб оммани ёппасига дидли, зукко қилиб бўлмайди. Барча театрларни юксак савияда ушлаб туриш ҳам имконсиз. Дейлик, рус театрлари учун МХАТ (Московский Художественный академический театр) намуна ҳисобланади. Бошқа театрлар нима номаъқулчилик қилса қилсин, аммо МХАТ маълум анъаналардан салгина четга чиқса, зиёлилар оёққа қалқади. Биз ҳам Миллий театрни кўз қорачиғидек асрашимиз, уни “бозорга ем” қилиб қўймаслигимиз керак.

Кези келганда айтай, катта-кичик раҳбарларимиз ҳам раиятга ибрат кўрсатса ёмон бўлмасди. Бир неча йил бурун Наманган вилоятига маърифатли бир арбоб етакчилик қилган эди. Ҳоким бува гоҳ-гоҳ рафиқаси билан театрга борар, қўл остидагиларни ҳам фалон спектаклни кўрдингми, деб тергаб турарди. Катта арава қаёққа юрса, кичиклари ҳам унга эргашади-да. Ҳокимдан ибрат олиб, музофотдаги бошқа раҳбарлар ҳам театрга қатнай бошлади. Алҳосил, вилоят театрларида жонланиш рўй берди. Ҳозир у арбоб бошқа ишга ўтган деб эшитаман. Вилояту шаҳар ҳокимларининг муҳимдан-муҳим юмушлари кўплигини яхши биламиз. Лекин ақалли ойда бир мартагина театрга вақт ажратишса, “бошини зўр ишга бериб қўйган” санъаткорларга руҳий далда бўлармиди дейман-да.

– Саҳна санъати миллат тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ўзига хос мезонларидан бири саналади. Шоир Усмон Азим “Театр” сарлавҳали шеърида “Бунда ўз бўйини ўлчайди замон – / Орқага қайтдимми, кетдимми олға?” деб ёзганида айни шу жиҳатни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, саҳна санъати вакиллари зиммасида миллатнинг қувончу ташвишлари, давр ҳақиқатларини айтишдек масъулият ҳам бор...

– Балли, ука, кўнгилдаги гапни айтдингиз. Чиндан ҳам, саҳна миллатнинг ҳақиқатлари айтиладиган минбар, санъаткорлар эса халқ истақлари ифодачиси бўлмоғи лозим. Маърифатпарвар бобомиз Мунавварқори театрни тўрт томони ойнаванд хонага ўхшатган – у хо-

нага кирган мардум кўзгуга боқиб фазилату камчиликларини билиб олади. Бу кўзгунинг хира тортишига йўл қўймаслик наинки сахна санъати вакиллари, жамики фикр аҳлининг бурчи!

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳаёти-ни хурриятга бахш этди, бутун фаолияти давомида мутеликка қар-ши курашди. Мархум Юртбошимизнинг бу борадаги хайрли ишла-рини давом эттириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Собиқ мустабид тузум даврида қўлларимиз кишанбанд этилган эди. Афсуски, куллик психологияси айрим юртдошларимизнинг онгу тафаккурини ҳа-мон чирмаб тургандек. Йўқса, истиқлолимизга чорак аср тўлса-да, ҳалигача тобелик кайфиятидан қутула олмаётганимизни қандай изоҳлаш мумкин?! Назаримда, халқимизда эрку хуррият туйғусини мустаҳкамлайдиган, мустақил шахсларни тарбиялашга қўмак бера-диган сахна асарларини янада кўпайтиришимиз керак.

Хўш, ўзбекнинг заковатини дунёга кўрсатадиган спектакль бор-ми? Очиғи, бу саволга дафъатан жавоб беришга қийналаман.

Замон қаҳрамони образини яратиш хусусида ҳам неча йилдан бери гапирилади. Аммо сахнада ҳалигача ана шундай қаҳрамонни гавдалантира олмадик. Мана, яқинда ўзбек темирийўлчилари олам-шумул ишни уддалади: Қамчиқ доवони оша Фарғона водийсига по-езд қатнови йўлга қўйилди. Наҳот, энди ҳам темирийўлчиларимиз-нинг заҳматли меҳнати хусусида сахна асари яратишга ярамасак?!

Сирасини айтганда, бугунги ўзбек жамиятига оҳорли мавзудаги сахна асарлари, янги талқиндаги образлар сув билан ҳаводек зарур.



– *Мулоҳазаларингизни тинглай туриб, Абдул-ла Қодирий қуйинчаклик билан ёзган фикрлар ёдга тушди. Қаранг, улуғ адибимиз 1919 йилда бундай деган экан: “Томошачилар театрни бекорчилик-ка эрмак ва ўзларининг эскидан қолма масхарабо-зликлари дея қарай бошлаганлар... Бир неча асрлар-дан бери сафсата ва сихрбозликлар ила заҳарланиб келмакда бўлган халқимизга адабий мактаб бўлур умидинда бўлдиғимиз театрнинг бу ҳоли ғоятда аянчлидир”. Қодирийдан роппа-роса етмиш йил кей-ин эса руснинг улуғ режиссёри Георгий Товстоногов бундай дейди: “Театрларимизнинг аҳволи абгор. Ай-ниқса, музофотлардаги театрлардан одам қадами узилган... Яхши режиссёр “отлиққа топилмаётир”, касбу коримизда танглик ҳукм сурмоқда”.*

– Театрнинг тақдири кўп жиҳатдан Қодирий бобомиз “томошачи” деб атаган, Товстоногов “от-лиққа топилмаётир” дея хавотир билдирган режис-

сёр шахсига боғлиқ экани рост. Юртимиз театрларида юзлаб томоша қўйилади, аммо шулардан қанчаси расмона спектакль дейсиз? Режиссёрлик даъвосидаги ўнлаб мардум ўзини ўтга-чўққа уриб юрибди, лекин улардан нечтаси чинакам режиссёр дегулик экан? Режиссёр дунёқарашию юриш-туриши, феъл-хўйи билан актёрлар меҳрини қозониши, уларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиши керак. Шундайлар кўпми бизда? Ҳафсала билан санаб кўринг, бармоқларингиз ортиб қолади.

Замондошларимизнинг ҳар балога ақли етади, уларни алмисоқдан қолган спектакллар билан алдаб бўлмайди. Қолаверса, томошабиннинг ковуши кўчада қолган эмас – ҳар қандай спектаклга ҳам чопиб келавермайди. Аксар спектаклларни кўриб ҳайрат бармоғини тишлайсиз, баайни қоғоз гул! Сурат бор-у, сийрат йўқ. Нима ҳам дердингиз, палағда тухумни ҳар турли рангга бўяб кўз-кўз қилганингиз билан бадбўйи йўқолиб қолмас экан-да.

Санъаткор гоҳида ажиб руҳий ҳолатга тушади – юрагида биқиниб ётган вулқон бирдан ҳаракатга келадию ҳаловати йўқолади, кўнглини ёрмаса бўлмай қолади. Ана шундай руҳий ҳолат маҳсули бўлган асаргина одамлар қалбига етиб боради. Режиссёрнинг кўнглида дард бўлмаса, одамларни оворай сарсон қилиб спектакль қўйишга на ҳожат?! Аттангики, саҳнанинг тили йўқ. Забони бўлса эди, ноинсоф “томошачи” дастидан дод дерди.

Устоз Шукур Бурҳон саҳнада ёлғон йиғлаб, ёлғон куладиган, умуман санъатга алдов аралаштирганларни “артистнинг ўғриси” деб атарди. Бировнинг ангишвонасини ўмарган одам қонун олдида жавоб беради. Таассуфки, вақт ўғрисининг мушугини ҳеч ким пишт демайди. Афсуски, олди-қочди спектакль қўйиб одамларнинг икки-уч соатлик умрини ўғирлаётганлар вақтнинг уволидан кўрқмайди. Агар вақтнинг уволидан кўрққанзимиздами... икки-уч кўйлакни кўпроқ йиртган акангизга ишонаверинг, унда пайдар-пай спектакль қўйишга манаман деган режиссёрларнинг ҳам юраги дов бермас эди.

Нафсиламри, режиссёр билан актёр ялакатмағиздек бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишида гап кўп. Актёрнинг юрагини қулф деб ҳисобласак, режиссёр ўша қулфга мос калит топа билиши керак. Мактаб кўрмаган “томошачи” эса ҳали у-ҳали бу калитни солиб, қулфни ишдан чиқариши ҳеч гап эмас.

– Саҳна асарининг “савобу гуноҳи” кўпроқ режиссёр гарданида экани маълум. Аммо кироий режиссёрни шакллантиришда актёрларнинг ҳам ҳиссаси катта эканини унутмаслик керак. Шундай эмасми?

– Менга бугунги аксар актёрларимиз касбининг моҳиятини англамаётгандек туюлади. Кўпчилик санъаткорликни пўрим кийинишу мухлисларга дастхат улашишдангина иборат деб ўйлайди. Яна баъзилари ўз қобилияти, маҳоратига эмас, бўй-бастию қош-кўзига ишо-

нади. Куруқ сохт-сумбат билан иш битса экан! Актёр саҳнага қадам кўйиши биланоқ нигоҳлари барини – касбига енгил-елпи қарашию маънавий қашшоқлигини фош этиб кўяди-ку! Яқинда Андижондан бир йигит шогирдликка олинг деб, илтимос қилиб келди. “Қандай китоблар ўқигансиз?” деб сўрасам, “Устоз, мен ёзувчи эмас, актёр бўлмоқчиман”, дейди пинагини бузмай. Қаранг, китоб ўқимасдан ҳам санъаткор бўлиш мумкин деб ўйларкан боёқиш. Таассуфки, бундай кайфиятдаги йигит-қизлар кўпайиб боряпти.

Биз театрга устозлардан кейин келишга номус қилардик. Ҳозир эса “томоша тандир бошида” – ёш актёрларнинг репетицияга кечикиши одатий ҳолга айланган. Айрим ҳамкасбларимиз учун санъат ҳобби – анчайин эрмак бўлиб қолгани янада ачинарли. Ролини апил-тапил ўйнаб, сўнг оёғи олти, кўли етти бўлиб тўйга чопадиган абжирлар ҳақида-ку гапирмай кўяқолай. “Данғиллама иморат қураман, кўша-кўша маркаб минаман, давраларнинг тўри меники бўлади” қабелидаги ҳою ҳаваслар билан яшаётганларни асл санъаткорлар сафига кўшиб бўладими? Актёрлик – чин ошиқлар хунари. Кўксида лағча чўғи бор ошиққина чинакам санъаткор даражасига ета олади. Халқ топиб айтган: ишқ бошқа, ҳавас бошқа. Актёр зўр маҳорат, шу билан бирга, букилмас ирода ва-тоза эътиқод эгаси бўлиши керак. Мен кўрган чин актёрлар санъатни “воситаи жоҳ” деб билмаган – фийсабилло хизмат қилган унга. Демак, санъат даргоҳига кирган одам маҳрумиятларга сабр, муяссариятларга шукр қилиши керак. Бошқа йўли йўқ – бу хунарни чидаганга чиқарган.

Биласиз, қирчанғи от билан кўпкарининг яқинига йўлаб бўлмайди. Синчи чавандоз аввало уюрдан зотдор арғумоқни танлаб олади, сўнг уни кунт, ҳафсала билан улоққа ҳозирлайди. Менимча, театрларга ҳам актёрларни аввал-бошдаёқ сайлаб, саралаб ишга олиш керак.

Яна бир мулоҳаза. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўжар” ҳикоясида Заргаров деган персонаж бўларди. Ҳавойи, лақма бир кимса. “Мен ёшлигимда шундай тарбия кўрган бўлсам, ҳозир ерда туриб ойда чорвачилик қилардим” деб нукул фарзандидан ёзғиради. Заргаровга ўхшаб яккаш ўз фикримизни маъқуллаб, ёшлардан домангир бўлмайлик. Ёшлар муқаллид келади – катталарга таассуб қилади. Улар устозларимиздан қолган мўътабар тузукларга беписандми, аксарияти санъатни саноат билан чалкаштириб юбормоқдами? Бунинг учун ёшларнигина айбламайлик. Биз – катталар ҳам “оппоқ” эмасдирмиз.

– Эркин ака, турли ампуладаги юзлаб роль ўйнагансиз. Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясида бош қаҳрамонни гавдалантирганингиз эса, шубҳасиз, ижодингизда катта воқеа бўлди. “Театрнинг генерали” дея эътироф этилган Шукур Бурҳоннинг панжасига панжа уриш осон кечмагандир?..

– Секин айтасизми! Раҳматли Шукур ака бир вақтлар “Сен ҳали Улуғбекни ўйнайсан, болам” деган эди. Устознинг ана шу гапи азму шижоат берди менга. Йўқса, бу образни яратишга журъат қайда дейсиз!

Ролга киришим хийла мушкул кечди. Дастлаб, Самарқанд театрида ўзимни бегонадек ҳис қилдим. Юрагимни ваҳм босиб, туни билан мижжа қоқмай чиқаман денг. Ўша кезлар кўнгил чигилини ёзай деган илинж билан субҳи содиқда Гўри Мирга бордим. Фаррош аёл авжи совуқни ҳам писанд қилмай кенг саҳни супириб-сидиряпти. Мени кўриб таниди. “Каллаи саҳарлаб нима қилиб юрибсиз?” деб сўради таажжубда. “Улуғбек бобонинг зиёратига келдим”, дедим. Барака топсин, фаррош мени даҳмага бошлаб кириб, фонус ёқиб берди. Мирзо Улуғбекнинг қабрига мук тушиб йиғладим. Қайта-қайта тиловат қилдим. “Оқ фотиҳа беринг, бобо!” деб илтижо этдим. Зиёрат бир неча кун давом этди. Ниҳоят, йўлим очилиб кетди. Салкам 60 саҳифали шеърый матн ҳофизамга жо бўлди. Ҳар бир сўзни тегирмонга дон ташлагандек юрагимга солиб тинимсиз айлантираман, чийратма иборалар мағзини чақишга уринаман... Шу тариқа асар аввал Самарқанд театри, кейин Миллий театр саҳнасида қўйилди.

Машҳур рус шоири Евгений Евтушенко илгари битган шеърларини ўқиб, “Наҳотки шулар меники бўлса, бундан дурустроқ ёзсам бўларди-ку!” дер экан. Аксар ижодкорлар каби ўзидан қониқмаслик ҳисси менга ҳам бегона эмас. Билмадим, кўнгил учунми ё сидқидилданми, бир талай санъатшунослар “Мирзо Улуғбек” ҳақида илиқ фикрлар билдирди. Ўзим эса ижромдан кўнглим тўлди дея олмайман. Эркин Комилов талқинидаги Мирзо Улуғбекдан театр ютдими ё ютқиздими – буни ҳал этиш санъатшунослар, қолаверса, томошабинларга тан. Лекин камина бу ролни ўйнаб фақат ва фақат ютдим. Тайёр ошга баковул бўлиш осон. Янгиликка қўл уриш, қобиқни ёриш эса ҳеч қачон енгил кечмаган. Мен ҳам янги йўл қидириш асносида қалбимни тафтиш этишга, ўзимни теранроқ англашга уриндим. Сираси, “Мирзо Улуғбек” ҳаётнинг кўп жумбоқларига жавоб топишимда ёрдам берди.

Инсон умри – имтиҳон. Ҳар қадамда синов. Ҳасад, иғво, майда гап, нафс нағмалари... Иблисга кулоқ тутсангиз, сизни осмону фалақдан ерга чалпак қилиб уради. Нафси амморани енгган одамгина фаришта шарафига ноил бўлади. Тўғри, бу – мушкул, ўта мушкул юмуш. Ана шундай маҳалда ён-атрофингизда сизга хайрихоҳ яқинларингиз, самимий дўстларингиз бўлса нур устига нур! Буёғини сўрасангиз, камина ҳам мудом хешу ақрабо, дўст-қадрдон ва эл-юрт корига яраш умиди ила яшаётирман.

Собиржон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.

Абдураҳим ЭРКАЕВ

“RO‘YONI ROST DESA...”

*Учинчи бу одам тирикдир токи
Дунёнинг чайқалиб турмоғи аён.*

Абдулла ОРИПОВ

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) инсон онига таъсир кўрсатиш, уни бошқариш (манипуляция қилиш) имкониятини бир неча баробар орттирди. Сир эмаски, мавжуд имкониятдан ўз манфаати, геосиёсий мақсадларида фойдаланадиган кучлар, мамлакатлар доимо топилади. Манипуляцияга эса асл мақсадни ниқоблаш, воқеа-ҳодиса ҳақида “холис хабар” ёйиш билан эришилади.

АКТ, хусусан, интернет ва ОАВ орқали тарқатилаётган ахборот ва маълумотлар, бир томондан, башарият қўлга киритган турли соҳаларга оид илғор билим, ютуқлар

бўлса, иккинчи томондан – инсоннинг нафсу ҳирсини кўзғайдиган, тубан қизиқиш ва ғаразли мақсадларини юзага чиқарадиган уйдирмалардир. “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларига, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол”, деб ёзади Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов (*Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. 113-бет*).

Бугун дунёда, айниқса, Ғарб мамлакатларида анъанавий қадриятлар чуқур деформацияга учраётганини кузатиш мумкин. Бегоналашув, худбинлик, оммавий маданият таъсири кучаймоқдаки, бу қисман Ғарб кишисининг икки хил стандартларга асосланган сиёсий мафкурадан безгани билан изоҳланади. Одамларнинг бир гуруҳи ўз виртуал дунёсини яратиб олиб, жонли мулоқот ва ижтимоий фаолликдан чекингани шундан. Ижтимоий тараққиёт ниҳоятда тезлашиб, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари устуворлик касб этиб, антропоцентризм жамият ҳаётининг асосий тамойилига айланиши жараёнида анча баҳсли, баъзан бузғунчи ғоялар олға сурилди. Оқибатда қадриятлар, қарашлар, урф-одатлар ўзгара бошлади, айримлари ижтимоий онгдан сиқиб чиқарилди.

Афсуски, анъанавий қадрият ва ғоялар ўрнини улардан илғорроқ ва тараққийпарварроқлари эгаллагани йўқ. Балки шу боисдир ривожланган мамлакатлар аҳолисининг Ғарб либерализми, ахлоқи, маънавий меъёрлар тизимидан ҳафсаласи пир бўлди. Кўпчилик оммавий маданиятнинг сохта қадриятларини қабул қила бошлади. Ривожланётган мамлакатлар маънавий ҳаётида ҳам кучли зиддиятлар рўй берди. Бир томондан, жамиятни тубдан модернизация қилиш, демократия ва эркинлик, инсон ҳуқуқлари меъёрларига асосланган дунёвий тараққиёт идеаллари тарқалди. Исломни Ғарб модернизми билан уйғунлаштириш, ислоҳ қилиш фикрлари олға сурилди. Иккинчи томондан, Ғарб демократик ғоялари, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий меъёрлари, идеалларини инкор этиш кучайди, аждодларнинг солиҳ йўлига қайтиш (ас-салаф ас-солиҳ), яъни "соф ислом"га қайтиш баҳонасида турли гуруҳлар, улар қаторида динни сохталаштирувчи экстремистик оқим ва ҳаракатлар пайдо бўлди.

Ахборотни тарқатишнинг ўзи жамоатчилик онгида сезиларли из қолдирса-да, аммо бу ҳали уни бошқариш учун етарли эмас. Шу боис Ғарб мутахассислари махсус тизимлаштирилган ва тизгинсиз ахборот ёр-

дамида омма онгини бошқариш, ижтимоий-сиёсий муҳитни беқарорлаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиққан. Ахборот хуружи ва маънавий таҳдидларга нисбатан кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун эса уларни билиш талаб этилади.

Аҳолини ёши, ҳаётга муносабати ва тажрибасига қараб, шартли равишда уч авлодга – ёшлар, ўрта ва катта ёшдагиларга бўлиш мумкин. Одатда, уч авлод қарашлари ўртасида ўзига хос динамик (ҳаракатчан) мувозанат юзага келади. Улар миллий тил ва психология, маданият, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзи асосида муштараклашиб, халқнинг менталитетини ташкил этади. Аммо уч авлод тафаккуридаги фарқдан фойдаланиб, мувозанатни қисман ёки буткул бузиб юбориш ҳам ҳеч гап эмас.

Қадриятлар, айтайлик, эркинлик, инсон ҳуқуқлари гоҳида бирёклама талқин қилиниб, ахлоқий меъёрлар ва мумтоз маънавий қадриятларга атайин қарши қўйилади. Инсон онгини бошқаришга интилаётган доиралар бунга уч авлод турлича муносабатда бўлишини яхши билади. Шу боис ота-оналар ва болалар, умуман, авлодларни бир-бирдан ажратиш, иложи топилса, уларни муҳолифга айлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Омма онгини бошқаришда эса турли усуллар: сиёсий-мафкуравий мазмундаги ахборот хуружи, реклама, ташвиқот, ток-шоулар, эстрада ва спорт юлдузларининг хулқ-атвори ҳамда улар ҳақидаги мишмишларни зўр бериб тарқатиш, тарғиб қилиш, зўравонлик, уруш, қонхўрлик, жангарилик, фахш ва бошқа ахлоқсизликларни кўрсатувчи фильмлар, электрон ўйинлар, ноанъанавий танловлар ва оммавий маданиятнинг турли маҳсулотлари қўл келмоқда. Улар инсонда худбин-



Харвард университети профессори Жозеф Най "юмшоқ куч" иборасини истеъмолга киритганига чорак аср бўлди. Аммо унинг воситасида қанча "рангли инқилоблар" амалга оширилди. Най фикрича, "юмшоқ куч" кўзланган мақсадга иттифоқдошларни мажбурлаш ёки хайр-садақа орқали эмас, балки уларнинг ихтиёрий иштироки ёрдамида эришиш воситасидир.

лик, нафс майллари, истеъмолчилик ва бошқа биологик инстинктларни кўзгайди, носоглом рақобат ва кучга сажда қилишни авж олдиради. Масалан, илк бор учрашаётган йигит билан қизнинг бир-бирига қанчалик психологик ва бошқа жиҳатлардан мос келишини аниқлайдиган шоулар ўтказилади. Ёки экстремал ҳолатда жамиятдан бегоналашган бир гуруҳ йигит-қизнинг қийинчиликларни енгиб ўтиши, жуфтликларга бўлиниб, яшаб қолиш учун кураши каби инсоннинг табиий инстинктларини юзага чиқаришга қаратилган конкурслар уюштирилади. Улар телевидение орқали ҳафтада 3-4 мартадан намойиш этилади. Интернетда онлайн режимида кечаю кундуз кўрсатилади. Масалан, Россия телеканалларидан бирида "Дом-2" деган шундай конкурс бир неча йилдан буён намойиш этилаётир.

Оммавий маданият ёрдамида авлодларни ўзаро бегоналаштиришга эришилмоқда. Авлодларни, умуман, халқларни бўлиб ташлашга мўлжалланган усуллар – "юмшоқ куч" назариялари, сиёсий технологиялар

ишлаб чиқилган. "Юмшоқ куч"дан "қаттиқ куч"га ўтиш – бир қадам. Аввал одамларни бир-биридан ажратиб олиш керак. Бу усулдан диний-экстремистик оқимлар ҳам усталик билан фойдаланмоқда: "Сизни Оллоҳ яратган, ота-онангиз эмас. Ота-онангиз фақат восита бўлган, холос". Шу тариқа тузоққа тушган ёшларнинг мияси "ювилиб", манқуртга айлантирилмоқда.

Харвард университети профессори Жозеф Най "юмшоқ куч" иборасини истеъмолга киритганига чорак аср бўлди. Аммо унинг воситасида қанча "рангли инқилоблар" амалга оширилди. Най фикрича, "юмшоқ куч" кўзланган мақсадга иттифоқдошларни мажбурлаш ёки хайр-садақа орқали эмас, балки уларнинг ихтиёрий иштироки ёрдамида эришиш воситасидир. У "Юмшоқ куч" ва америка-европа муносабатлари мақоласида бундай ёзади: "Америка тарихида бунга мисоллар ("юмшоқ куч" ёрдамида мақсадга эришиш – **А.Э.**) талайгина: Иккинчи жаҳон уруши охирида Франклин Рузвельтнинг "Европага тўрт эркинлик" доктринасини илгари сургани; "совуқ уруш" йиллари "темир парда" ортидаги ёшларнинг "Озод Европа" ва "Америка овози" радиолари орқали американча мусиқа ва янгиликларни тинглагани; хитойлик талабаларнинг Тяньанмэнь майдонидаги оммавий норозилик пайти Озодлик ҳайкали моделини тиклашга урингани; 2001 йилда озод бўлган афгонларнинг (толибон зулмидан – **А.Э.**) Ҳуқуқлар ҳақида Билл (АҚШ Конституциясига киритилган қўшимча – Инсон ҳуқуқлари тўғрисида меъёрлар тўплами – **А.Э.**) нусхасини зудлик билан тақдим этишни сўрагани; теократик ҳукумат тақиқларига зид равишда эронлик ёшларнинг сунъий йўлдош орқали америка фильмлари ва телевидениесини кўргани" (Най Джозеф. "Мягкая сила" и американско-европейские отношения // Журнал "Свободная мысль – XXI". 2004. № 10. Иқтибослар таржимаси бизники – **А.Э.**).

Жозеф Най – "юмшоқ куч" ёрдамида АҚШ ва Ғарб таъсирини дунёга ёйиш тарафдори. "Юмшоқ куч" деганда у эркинлик,

демократия, инсон ҳуқуқлари, индивидуал имкониятлар, оммавий маданиятни тарғиб этишни назарда тутуди, унинг "қаттиқ куч"га нисбатан самарали ва камхарж эканини таъкидлайди. "Қаттиқ куч"ни қўллаш иттифоқдошлар ва хайрихоҳларни ҳам чўчилади, мамлакат обрўсига соя солади. Айни чоқда, у "қаттиқ куч"ни буткул инкор этмайди. Зарур ҳолларда, масалан, терроризмга қарши курашда "қаттиқ куч" ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигини тан олади. Дарҳақиқат, Ғарб "совуқ уруш"да "қаттиқ куч" эмас, балки "юмшоқ куч" (тарғибот-ташвиқот, оммавий маданият маҳсулотлари, сифатли маиший буюмлар, жумладан, кўк жинсилар ва ҳоказо) ёрдамида социалистик мамлакатлар аҳолисини коммунистик ғоялардан юз ўгиртирди ва охир-оқибат енгиб чиқди. Ўтган аср 70-йиллари Пентагон генералларидан бири Американинг кўк жинсилари шўроларга Б-52 бомбардимончи самолётларидан кўра кучлироқ зарба бераётир деганида ҳақ эди.

"Юмшоқ куч" "рангли инқилоблар"ни амалга оширишда ҳам асосий воситалардан биридир. АҚШдаги Альберт Эйнштейн номидаги институт ходими профессор Жин Шарп асарлари "рангли инқилоблар" технологияларини ишлаб чиқишда илмий-назарий асос бўлган. Жин Шарп – дунёга машҳур олим. У, ўзи тан олишича, амалий сиёсат билан шуғулланмайди, давлат идоралари билан мулоқот қилмайди. Уни диктатуралардан демократияга зўравонлик усулларини қўллагандан тинч йўл билан ўтиш усуллари қизиқтиради.

Ҳинд халқининг доҳийси Маҳатма Ганди миллий-озодлик курашида айнан шу йўлни ҳамоя қилиб, фуқаровий бўйсунмасликни тарғиб этган эди. Шарп ўз концепциясига Гандининг ҳокимият билан ҳамкорлик қилмаслик ва фуқаровий бўйсунмаслик тамойиллари, уларни амалга оширишнинг баъзи усуллари, воситаларини киритган ва ривожлантирган. "Биз диктатурани кам машаққат ва қурбонлар эвазига муваффақиятли тормор этишнинг энг самарали усулларини ўйлаб топишга астойдил ҳаракат қилдик.

Бунда диктатуралар, қаршилик ҳаракатлари, революциялар, сиёсий фикр, ҳукуматлар тизими ва айниқса зўравонликсиз курашларни узоқ йиллар давомида ўрганиш натижаларига суяндик", деб ёзади Жин Шарп "Диктатурадан демократияга. Халос бўлишнинг концептуал асослари" асарида. У "Зўравон кураш усуллари" (1973) асарида бундай усуллардан 198 тасини келтиради. Балки Жин Шарп ҳақиқатан амалий сиёсатдан четдадир, ammo сиёсий технологиялар муаллифлари унинг асарларида олға сурилган фикр ва тавсияларни "бойитиб", улардан геосиёсий, неоимпериалистик, неоколониалистик мақсадларга хизмат қилувчи мафкурaviй технологиялар яратишда фойдалангани шубҳасиз.

Ғарб олимлари салкам бир асрдан буён одамлар миясини "ювиш", ижтимоий хулқ-атвори шакллантириш, одамлар онгини манипуляция қилиш бўйича тадқиқот олиб бормоқда. Биринчи жаҳон урушидан кейинги революциялардан чўчиган Ғарб ҳукмрон доиралари, йирик капитал эгалари олимларни омма онгини бошқариш технологияларини ишлаб чиқишга сафарбар этди. Шу мақсадда юзлаб лаборатория, марказ ва институтлар ташкил қилинди. Тадқиқот марказларининг янги-янги турлари, хусусан, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда шакллантиришга ихтисослашган муассасалар кўпайди.

Жамият бир маромда ривожланаётган даврда омма онги тарғибот-ташвиқот, реклама, ток-шоу, конкурс, оммавий маданият маҳсулотлари, яъни "юмшоқ куч" орқали бошқарилади. Вазият мураккаблашиб, демократик интилишлар, норозилик ва озодлик ҳаракати кучайса, психологик жиҳатдан радикал усулларга ўтилади. Радикал усул норозилик ва қаршилик кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида аҳоли онгини стресс ҳолатига тушириш, қарахт ҳолга келтиришдир. Бу, Ғарб постиндустриал жамиятида универсал ва радикал усулга айланган. У маданий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда кенг қўлланилади. Иқтисодиётда "фалажлаш терапияси"ни

қўллаб, уни давлат таъсиридан тўлиқ озод қилиш гоёси муаллифи, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти соҳиби Милтон Фридман бундай ёзади: "Фақат ҳақиқий ёки хаёлдаги инқирозгина реал ўзгаришларга олиб келади... Айнан шу асосда бош вазифамизни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир: мавжуд стратегияларнинг муқобилини яратиш, уларнинг ҳаётлиги ва оммага тушунарли бўлишини то сиёсий жиҳатдан мумкин бўлмаган воқели муқаррар бўлгунга қадар қўллаб-қувватлаш" (*Наоми Кляйн. Доктрина шока. Расцвет капитализма катастроф. www.litres.ru/naomi-klyayn/doktrina-shokarascvet-kapitalizma-katastrof/*).

Фридман талқинидаги эркин бозорнинг уч талаби бор: давлат мулкни тўлиқ хусусийлаштириш, иқтисодиёт устидан давлат назоратини бекор қилиш ва ижтимоий соҳаларга сарфланадиган харажатларни кескин қисқартириш. Бундай сиёсат кенг жамоатчиликка маъқул келмаслиги табиий. Шу боис одамлар онгини карахт қилиб қўядиган инқироз, уруш, тўнтариш, теракт ёки табиий офатлардан фойдаланилади. Ушбу усулни тадқиқ этган канадалик Наоми Кляйн хоним фикрича, Чили ва Аргентинада ўтган аср 70-йилларидаги ҳарбий хунталарнинг қатағони, 1982 йил Фолкленд ороллари учун Буюк Британия ва Аргентина ўртасидаги уруш, 1993 йил Россияда Борис Ельцин буйруғи билан парламент биносининг танклардан ўққа тутилиши, 1999 йил НАТО кучлари томонидан Белграднинг бомбардимон қилиниши, 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШда содир этилган террор актлари ва кейинчалик Янги Орлеандаги сув тошқини каби фавқуллодда ҳолатлар аҳоли онгини карахт қилиб қўйган ва бундан фойдаланиб, давлат мулки арзон-гаровга хусусийлаштирилган, иқтисодиёт устидан давлат назорати бекор қилинган ва ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар кескин камайтирилган.

Фридман фикрича, кўрқув омма онгини карахт қилиб қўяди, қаршилик кўрсатиш туйғусини заифлаштиради ва уни истаган йўриққа солиш имкони туғилади. Шу сабаб-

дан омма фақатгина инқироз, у жамиятда содир бўладими ёки одамлар хаёлида юз берадими қатъи назар, реал ўзгаришларга олиб келади, деб ҳисоблайди. Бу билан инқирозни сунъий келтириб чиқариш мумкинлигини оқлайди. Кляйннинг таъкидлашича, Фридман мансуб бўлган Чикаго мактаби иқтисодчилари тавсияларига амал қилган бирор мамлакат рўшнолик кўрган эмас. Халқи қашшоқлашиб кетган-у, маълум доираларгина давлат орттирган, янги миллионер, олигархлар гуруҳи пайдо бўлган. Шу сабабдан Кляйн Чикаго мактаби назариясини ҳақиқий капитализмга зид, корпоративизм мафқурасидир, дея баҳолайди.

Айтиш жоизки, мазкур тавсиялар жаҳоннинг турли минтақаларида амалда синаб кўрилаётир, таъсирчанлиги, самарадорлиги оширилиб, муттасил такомиллаштирилмоқда. Публицист (ўз эътирофича, Британия махсус хизмати собиқ ходими) Жон Коулман бу борада талай китоб чоп эттирган. Муаллиф "Уч юзлар қўмитаси. Жаҳон ҳукумати сирлари" асарида дунёни аслида 300 кишидан иборат махфий ҳукумат бошқармоқда, унинг пировард мақсади барча давлатлардаги мустақил миллий ҳукуматни, демократияни бекор қилиб, ягона тоталитар давлат қуриш ва диктатура ўрнатишдир, деб ёзади (*Коулман Д. Комитет 300. Тайны мирового правительства. Москва, ИД "Витязь", 2005*). Чиндан ҳам шундай қўмита борми – буни исботлаш амримаҳол. Муаллиф келтирган маълумот ва иқтибосларнинг тўғрилигини аниқлаш ҳам имконсиз, негаки, улар гўёки махфий манбалардан олинган.

Коулман даъвосича, жаҳонда содир бўлаётган инқирозлар, сиёсий ва иқтисодий фитналар, тангликлар, инқилоблар, урушлар, терроризм, фаҳш, зўравонлик, гиёҳвандлик, оммавий маданиятнинг тарқалиши – ҳаммаси "Уч юзлар қўмитаси"нинг иши. Кўзланган мақсад эса беқарорлик, бошбошдоқликни келтириб чиқаришдир. Зеро, хаос ҳукм сурган муҳитда бирор "номақбул" ҳукуматни "маъқули" билан алмаштириш, муайян минтақаларга таъсири

кучайтириш мумкин. Китобда қўмитанинг 21 банддан иборат мақсадлари баён қилинган. Асар ёзилгандан буён ўтган салкам чорак асрда муаллиф башорат қилган баъзи фикрлар жаҳон миқёсида тасдиғини топгандай бўлди, айримлари тасдиқланмади.

Китобда махфий ҳукумат қўллаётган баъзи усуллар ва механизмлар устида сўз боради. Бизни қизиқтирадигани айнан шудир, негаки, улар бевосита омма онгини бошқариш технологиясига тааллуқли. 21 бандлик мақсадлардан айримлари билан танишсак:

(2) Миллий ўзлик, миллий қадр-қиммат ва ғурурни емириш.

(4) Онгни бошқариш воситаларидан фойдаланиб истисносиз ҳар бир кишини назорат қилиш (таъкид бизники – **А.Э.**).

(6) Наркотиклар ва наркоманияни легаллаштириш.

(10) Миллатнинг руҳини заифлаштириш, оммавий ишсизликни келтириб чиқариш орқали ишчилар синфини таҳлика ва тушкунликка мубтало этиш.

(11) Халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига йўл қўймаслик. Шу мақсадда турли инқирозий вазиятларни юзага келтириб, халқларни идора этиш.

(12) Топинмоқ учун янги санамлар яратиш ва мавжудларини, жумладан, "Ролинг Стоунз", "Битлз" каби рок мусиқа гангстерларини қўллаб-қувватлаш.

(16) Жаҳон иқтисодиётининг умумий инқирозини уюштириш ва ялпи сиёсий бошбошдоқликни келтириб чиқариш.

"Уч юзлар қўмитаси" эҳтимол уйдирмадир, лекин муаллиф баён қилган мақсадларни кўзловчи сиёсий-иқтисодий доиралар, ҳарбий ва ёқилғи-энергетика трансмиллий компаниялари мавжуд. "Ақл марказлари", тадқиқот институтлари, масалан, Тависток институти, Стэнфорд тадқиқот институти кабилар омма, хусусан, ёшлар онгини бошқариш борасида турли-туман тавсиялар ишлаб чиққан.

Манфаатдор кучлар одамларни бир-бирдан бегоналаштириш орқали миллий менталитет, маънавий бирлик ва сиёсий гипс-



Игорь Морски. "Техноген сюрреализм" туркумидан

ликка путур етказишга уринади. Бунинг учун жамиятда ғоявий инқироз, одамлар онгида беқарорлик келтириб чиқарилади ва омма маънавий стресс ҳолатига туширилади. Йиррик ижтимоий гуруҳларнинг стрессга муносабати уч босқичда намоён бўлади.

Биринчи босқичда аҳоли "Бу бизнинг анъаналаримиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга тўғри келмайди"; "Бу ғоялар халқимиз руҳиятига ёт" қабилидаги фикрлар ёрдамида ҳимояланади. Аммо ахборот манбалари, мақсадларини билмасдан қолаверади. Хуруж эса давом этади. Иккинчи босқичда ёт ғояларни инкор қилишдаги яқдиллик бузилади. Турли ижтимоий гуруҳлар, масалан, ёшлар ва катта авлод, эраклар ва аёллар ёхуд ўрта синф ва аҳолининг кам таъминланган қатлами муносабатида фарқ кўзга ташлана бошлайди. Учинчи босқичда аҳолининг бир гуруҳи янги қарашларни қатъиян қабул этмай, "билганингни қил" қабилида бошқа гуруҳлардан маҳдудлашади. Аҳоли ўз сиёсий қарашлари, бадиий диди, ижтимоий идеаллари ва мўлжаллари, менталитетига кўра бўлиниб қолади.

Лекин ижтимоий онгда беқарорлик, инқирозни келтириб чиқариш осон эмас. Одамлар ёт, шубҳали ғояларни дабдурустан

қабул қилмайди-да. Бундай ҳолларда ўша ғоя реклама қилинади: масаланинг барча жиҳатлари ёритиладиган мақолалар уюштирилади. Ёки телевидение жонли эфирида тоқшоу ташкил этилиб, унда экспертлар гуруҳи маҳсулот ёки ғояни муҳокама (аслида эса тарғиб) қилади. Шоу қатнашчилари ҳар хил нуқтаи назарни ифодалайди, тарафдорлар ва мухолифлар ўз фикрини айтади. Натижада муҳокама қилинган масала одамлар онгида мустаҳкам ўрнашади. Кейинги сафар киши ўша маҳсулот ёки ғояга оид ахборотга дуч келса, "қани, буниси нима дер экан" дея унга диққат қаратади. Аста-секин ўша ғоя унинг онгини эгаллайди. Шу тариқа, донишманд шоиримиз ёзганидек, рўё ростга, митти эса кабирга айлантрилади.

Коулман даъвосича, жаҳонда содир бўлаётган инқирозлар, сиёсий ва иқтисодий фитналар, тангликлар, инқилоблар, урушлар, терроризм, фаҳш, зўравонлик, гиёҳвандлик, оммавий маданиятнинг тарқалиши – ҳаммаси "Уч юзлар қўмитаси"нинг иши. Кўзланган мақсад эса беқарорлик, бошбошдоқликни келтириб чиқаришдир. Зеро, хаос ҳукм сурган муҳитда бирор номақбул ҳукуматни маъқули билан алмаштириш, муайян минтақаларга таъсирни кучайтириш мумкин.

Қуйидаги фикрда жон бор: "Одамлар мустақил фикрга эгамиз, деб ўйлайдилар. Аммо хаёлларига келтирмайдиларки, ўзимники дея ҳисоблайдиган фикрлари аслида Американинг тадқиқот институтлари ва ақлий марказларида ўйлаб топилган. ОАВ ва "поллстерлар" (жамоатчилик фикрини ўрганувчи компа-

ниялар – **А.Э.**) ҳосил қилган ахборот тўфони шахсий фикрга эга бўлишга йўл бермаётир".

Муттасил давом этадиган ахборот хуружи, кетма-кет уюштириладиган фитналар, инқирозлар, "рангли инқилоблар", низолар ва уларнинг ОАВда сиёсий жазавалар ила талқин этилиши одамлар онгини қарахт қилиб қўяди. Мазкур усул "келажак фалажлари" деб аталади. Зикр этилган китобда Суссекс университети қошидаги сиёсий марказнинг ушбу тушунчага берган таърифи келтирилади: "Келажак фалажлари" инсон онгининг оқилона қарор қабул қилишга масъул қисмини жисмоний ва руҳий синдиришга қаратилган".

"Келажак фалажлари" шунчалик тез содир бўладикки, инсон мияси ахборотни англашга ожизлик қилади. Чунки у тушуниш ва англаб етишнинг қўламини ва мазмуни бўйича чегараланган – ортигини ҳазм қилолмайди. Фалажлаш "муолажа"сидан кейин турли гуруҳларга мансуб аҳоли воқеаларга бефарқ бўлиб қолади. Бундай гуруҳларни энди бошқариш осон, улар қаршиликсиз ҳар қандай буйруққа итоат этади.

Коулман – Фарбдаги айрим касбдошлари каби ваҳима уйғотиш, одамларни қўрқитиш ва сенсацияга ўч. У жаҳонда юз бераётган барча ҳодисаларни субъектив омиллар, тотал ҳукмронликка интилаётган ёвуз кучлар нияти ва махфий сиёсатига тақайди. Аммо субъектив омиллар қанчалик катта аҳамият касб этмасин, жамият ўз объектив қонунлари асосида ривожланади. Буни эсда тутган ҳолда, муаллиф қарашларига танқидий муносабатда бўлиш, баъзи ваҳ ва далилларга эса жиддий ёндашиш лозим.

Оммавий маданиятнинг баъзи маҳсулотлари гиёҳвандлик моддалари каби одамлар димоғини чоғ қилиб, ширин хаёлга асир этиб, турмушнинг реал муаммоларидан чалғитмоқда, кишиларни бир-биридан бегоналашган, ижтимоий алоқалари чекланган индивидлар оmmasига айлантримоқда. Рок мусиқа, электрон ўйинлар, интернет, компьютер ёрдамида яратиб олинган виртуал дунё, виртуал мулоқот, ижтимоий тармоқлар

орқали ўз "шахс"ини юзага чиқариш ва шу кабилар инсонни компьютер, планшет ва смартфонлар бандиси қилиб қўймоқда. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Ғарб олимларининг айримлари Карл Маркснинг "Дин халқнинг афюнидир" фикрини эслаб, эндиликда дин эмас, рок муסיқа халқ учун афюнга айланди, деган эди. Албатта, ўша йиллари рок мусиқанинг Ғарб ёшлари онгини махв этиши, катта авлоддан бегоналаштириши ўз-ўзидан юз бермаган. Бунда ҳам ОАВ ва тажовузкор рекламанинг ҳиссаси катта бўлган.

XXI асрда мафкуравий ва сиёсий технологиялар жадал такомиллашиб бораётир. "Рангли инқилоблар", уларни ташкил қилиш учун уюштирилладиган "фуқароларнинг бўйсунмаслик актлари", "бошқариладиган хаос" назариялари анча илгарилаб кетди. Мазкур усулларнинг мазмун-моҳиятини танқидий ўрганиб, ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантириш таълим-тарбиянинг долзарб вазифасига айланмоқда. Бундан ташқари, С. Ҳантингтон, Ф. Фуқуяма каби олимларнинг илмийлик даъвосидаги "башоратлари"га ҳам жавоб қайтириш лозим, чунки улар кўпчиликни чалғитмоқда. Маълумки, С. Ҳантингтон тамаддунлар тўқнашуви муқаррарлигини "илмий" асослашга уришиб, шу номда китоб ёзган эди. Китоб кўплаб тилларга таржима қилинди, кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ф.Фуқуяманинг "Тарих интиҳоси" мақоласи ҳам катта шов-шув кўтарган эди. Фуқуяма замонавий космополитик ғояларни тадқиқ этиб, Ғарб манфаатларини зимдан ҳимоя қилади. Бу жиҳатдан, мақола улкан яширин кўпоровчилик салоҳиятига эга, "юмшоқ куч"нинг илмонанд бир кўринишидир.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан умумий ахборот маконида ҳам интеграциялашиб бораётир. Ахборот хуружи, маънавий таҳдидлар, оммавий маданиятнинг баъзи салбий жиҳатлари аҳоли онгига нохуш таъсир ўтказмоқда. Ёшлар ва катта авлоднинг диди, қадриятлар мўлжалида фарқни кўр-

маслик мумкин эмас. Дейлик, ўрта ва катта авлод ёшлик йилларида бадиий асарларни кўпроқ ўқир эди. Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг шеърӣ тўпламлари 30-60 минг ададда чоп этилиб, бир ҳафта ичида сотилиб кетарди. Бугун китоб дўконларида уларнинг ва бошқа машҳур ўзбек ёзувчиларининг асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналарини бемалол харид қилиш мумкин – илгаригидек "дефицит" йўқ. Гап фақат китобларнинг нархи баландлигида эмас, ёш авлоднинг қадриятлар мўлжали ўзгариб, бадиий-адабий эҳтиёжлари пасайганида ҳамдир.

Ахборот хуружи, оммавий маданият нафақат авлодларни бадиий дид ва қадриятлар жабҳасида бир-биридан узоқлаштирамоқда, балки эътиқод масаласида ҳам қарашларда сезиларли фарқ вужудга келаётир. Аҳолининг аксар қисми – дунёвийликка асосланган жамият тарафдори. Конституция ва қонунларимизда эътиқод ва виждон эркинлиги кафолатланган. Аммо аҳолининг бир қисми – динийликка асосланган жамият тарафдори. Ҳатто ўқимишли зиёлилар, олимларга диний қарашлар ҳар хил таъсир кўрсатмоқда. Фарқ ўзаро бўлиниш, бегоналашишга айланмаслиги, муҳолифларимиз бундан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмаслиги учун нима қилиш керак? Ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Биз ҳалигача маънавий таҳдидлардан кўпроқ шиору қақириқлар ёрдамида ҳимояланяпмиз. Мафкуравий иммунитет мавзуидаги назарий ва амалий тадқиқотлар давр талабларидан ортда қолмоқда.

Бугунги маънавий таҳдидлар, АКТ имкониятларини ҳисобга олиб, таълим-тарбиянинг янги концепциясини ишлаб чиқиш вақти келди. Ижтимоий-гуманитар фанлар, аввало, маънавият, миллий ғоя ва мафкурага оид ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш лозим. Таълимнинг турли босқичларида ўқитиладиган дарсликлар узвий муштараклик ва давомийликни таъминлаб қолмай, мафкуравий иммунитетни кучайтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Раҳмон ҚҶҶҚОР



Цивилизация шоми

Инсониятнинг бугунги ҳаёти ўз шиддати, таъсир кўлами, муносабатлар мураккаблиги билан нафақат кечмиш асрлар, балки бир неча ўн йил илгариги ҳаётдан ҳам жиддий фарқ қилаётир. Ҳар соҳада кузатилаётган глобаллашув жараёни инсон аталмиш мавжудотнинг жисму жонини мисоли вайронкор куюндек ўраб-чирмаб олмоқдаки, бу шиддат ва куч қаршида унча-мунча одамнинг дош бериши – ўзини, ўзлигини, шахси ҳамда ақл-хушини сақлаши тобора қийинлашиб боряпти. Ўспиринлик ёхуд ёшликнинг ногаҳоний шабадага сезгир жисму жони не, ҳатто ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб улгурган, ўзини ҳар нарсага бардошли ҳисоблайдиган катта ёшдаги кишилар юриш-туриши, дунёқарashi, ахлоқи ва умумруҳиятида кузатилаётган эврилишлар ҳам инсон зоти табиатида орта қайтмас туб ўзгаришлар бошланганидан дарак бераётгандек. Инсонлараро муносабат-

ларда шафқатсизлик, риёкорлик, сотқинлик, бебурдлик, хиёнат сингари иллатлар мисли кўрилмаган кўламда юзага чиқаётгандек. Нафсий интилишлар қутқуси-ла авж олаётган “ўлат пайтидаги шоҳона зиёфат”ларнинг бадбўй оқаваси қомига одамий руҳ тобора чуқурроқ ғарқ бўлаётгандек. Шунга кўра, Ғарб инсоншунослик фанлари тилида “инсон деградацияси”, “шахсининг емирилиши”, “одамнинг қиёфасизлашуви”, “цивилизация шоми” сингари тушкун иборалар тобора кўпаяётганини тушуниш мумкин.

Бу ҳалокатли эврилишда дунё оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳал қилувчи омиллардан бири бўлаётгани сир эмас. Дарвоқе, айни соҳада парадокс бир ҳолат тобора аниқроқ кузатиляпти. Ўзига “ахборот дунёси”, “ахборотлашган жамият” деб ном қўйиб олган бугунги жумла жаҳонда у ёхуд бу воқеа-ҳодиса ҳақида (у тарихда юз берганми ёки куни кеча содир бўлдими – фарқи

йўқ!) оммавий ахборот воситалари “топиб” тарқатаётган маълумот, “тезкор хабар” қанча кўпайса, ўша воқеа-ҳодисага доир асл ҳақиқат шунчалар мавҳумлашиб бормоқда. Янги хабар ва “топилмалар” кўпайгани сари ўқувчи, томошабин, тингловчи бўлмиш инсон дунёқарашини, онгу шуурини бошбошдоқлик – хаос шунчалар кенг ишғол қилаётир. Нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий соҳалардаги жорий янгиликлар, узоқ муддатли кузатув ва ҳисоб-китобни талаб қилувчи соҳаларга оид хабарларнинг ҳам бир-бирига мутлақо зид мазмунда экани кишини лол қолдиради. Бир гуруҳ олимлар инсониятни, дейлик, Ер сайёрасида ҳаво ҳарорати тобора кўтарилиб бораётгани ва бу жараён мудҳиш оқибатларга олиб келиши ҳақидаги баҳоратлари билан кўрқитса, бошқа бир гуруҳ “мутахассислар” унга тескари гапни маъқуллаб кароматгўйлик қилади. Ёки 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда содир бўлган аянчли ҳодисаларни, масалан, италян кинорежиссёрлари “9/11 жумбоғи” номли ҳужжатли фильмда бир хил талқин этса, америкалик киночилар унинг тескарисини “исботлаб” беряпти.

“Учинчи дунё”нинг кўплаб минтақаларидаги ит эгасини танимайдиган бошбошдоқликларни кўйинг. 1963 йилни, ҳар жиҳатдан тартибли, қонунлар амалда бўлган, демократия ва ошқоралик гўё тўлиқ таъминланган Американинг Далласида юз берган қотиллик – Президент Жон Кеннедининг ўлдирилишини эслайлик. Ўтган ярим асрдан кўп вақт ичида бу ҳодиса тўғрисида минглаб мақола, юзлаб ҳужжатли ва ўнлаб бадиий фильм, сон-саноксиз адабий ва публицистик асарлар пайдо бўлди. Уларни яратган ҳар бир муаллиф бу мудҳиш воқеанинг асл сабаби, қотиллик буюртмачилари ва ижрочилари тўғрисидаги энг тўғри гапни мен айтдим, дейиши аниқ. Бироқ... Бироқ бу “энг тўғри гап”лар кўпайгани сайин, воқеанинг асл илдизлари устига тортилган тупроқ шунчалик қалинлашиб бормоқда. Ҳозиргача илгари сурилган юзлаб версиялар ичида ҳақиқатга энг яқини, ҳатто асл ҳақиқатни ўзида мужжасам этган талқин ҳам бўлгандир. Бироқ энди бизни –

шунча “аниқ ахборот”, “ишончли маълумот”, “асл манба”дан воқиф ўқувчи, томошабин, тингловчини унга ишонтиришнинг, афсуски, иложи йўқ.

Энг ачинарлиси – инсон диққати асл масала моҳиятидан узилиб, у мазкур муаммо ҳақида “эркин, индивидуал, шахсий фикр-қарашини” изҳор этаётган томонлар ўйинига маҳлиё бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, муҳокамага мавзу бўлган ўша масала, муаммолар вақтида ечимини топмаса (улар орасида одам зотиға иснод келтирувчи бир жинсли никоҳлардан тортиб, араб мамлакатларида худонинг берган куни нобуд бўлаётган беғуноҳ одамлар қисматигача бор!), эрта ўтиб индин бутун инсоният тақдирига жиддий таҳдид солиши мумкин.

Шуниси таассуфлики, аксарият “дунё маним деганлар” – йирик ва таъсирдор давлатлар бошқарувчилари (тўғрироғи – уларни шу мансабга лойиқ кўрган кучлар!) сувнинг янада лойқаланишидан манфаатдордек таассурот қолдиради...

Оёққа тураётган Шахс

Энди ана шу ахборий талотумлар ичида кун кечиришга, оёққа туришга мажбур ёш инсоннинг ҳолатини кўз олдимиғизга келтирайлик. Унинг дунёқарашини, диди, ахлоқи, руҳияти ва кайфияти, бир сўз билан айтганда, шахси шаклланишига таъсир ўтказадиган омилларнинг ранг-баранглиги, зиддиятлилигига диққат қилайлик.

Бизнингча, аҳвол одам боласи тақдирига битилган бир ўзгармас қонун билан янада чигаллашади. Дунёга келган гўдакнинг бобо-бувиси, ота-онаси ҳар қанча олам сирининг тубига етган аҳли дониш бўлмасин, ўз зурриёдига табиий тарзда нари борса рангу рўйи, ташқи қиёфа ва айрим жисмо-



ний-руҳий имконият ва қусурларини мерос қилиб ўтказати, холос. Уларнинг йиллар давомида йиғиб-терган билими, ҳаётнинг аччиқ суви бурнидан кириб кўздан ёш бўлиб чиқиши эвазига тўплаган бебаҳо тажрибаларини бояги болажонга тез ва соз кўчириб ўтказишнинг имкони йўқ. Замонавий тил билан айтганда, ёш одамча вужуди компьютер процессори эмаски, бошқа манбада ишланган ва тўпланган фалон гегабайт маълумотни биргина сим воситасида кўз юмиб очгунча унга ўтказиб бўлса... Яна ҳам бошқача қилиб айтсак, рус ёзувчиси А.Беляевнинг “Профессор Доуэлнинг боши” романидаги сингари воқеалар ҳозирча фақат фантастик асарлар имкониятидаги иш бўлиб қолмоқда.

Демак, дунёга келган гўдак худди аждодлари сингари нима иссиғу нима совуқлиги, нима ширину нима аччиқлиги, нима яхшию нима ёмонлиги, нима мумкину нима уят экани... – ҳамма-ҳаммасини ўзи ўрганиб-ўзлаштириб бормоғи керак. Таълим-тарбиянинг не-не ақллар ўйлаб топган жамки усул-воситалари, педагогика технологиялари, миллионлаб тарбия ўчоқлари ва мураббийлар – барча-барча омиллар ана шу ишга – одамдан инсон яратиш, шахс тарбиялашга сафарбар қилинади. Бағоят аниқ ишловчи янги техник анжомлару компьютер бошқарув тизимига эга бўлган цех новидан тап-тайёр, икки томчи сувдек ўхшаш ҳолда чиқадиган саноксиз буюмлардан фарқ қилароқ, ҳаёт мактаби аталмиш “цех”да тайёрланадиган “маҳсулотлар”нинг бирортаси бир-бирига ўхшамаслиги баробарида, уларнинг ҳеч қайсисига “сўнгги ишловдан чиққан, фойдаланишга тўлиқ яроқли” мазмундаги муҳрни босиб бўлмайди.

Бугун инсон зотида кузатилаётган нохуш ўзгаришлар, ақлга ёт жиноий ҳаракатлар тўғрисида мақоламиз аввалида айтган эдик. Бироқ, шуни ҳам эслатиш ўринлики, мазкур ҳолатлар муайян муҳитнинг – одам жавҳарини емирадиган тарбиянинг (ёхуд тарбиясизликнинг) оқибатидир. Аслида эса, Ер юзининг қаерида кўз очмасин, одам боласи табиатан шундай ҳолда, ўшандай қабих амаллар содир этиш учун туғилмайди. Марҳум

Озод Шарафиддинов домла бир мақоласида эслатган манзара эса, то одамзод бор экан, шаклан ўзгариб қайтарилаверади: тош давридаги дипломсиз педагог кўлидаги чўқмори, қалбидаги пушаймони билан қояга ҳафта-лаб дарж этган аламли эътирофни бугунги соқолсиз оқсоқол айфон телефони экранига қадоқ нелигин билмаган, баргизубнинг танасидай нозик бармоқлари билан ёзмоқда: “Ёшлар айниб кетди...”

“Хато менинг назаримдандур...”

Агар юқоридида бир қисми эслатилган муаммоларга юртимиз ёшлари тақдирига кўрсатадиган таъсири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уларни чинакам халқтўзар, юртсевар, инсонпарвар қилиб вояга етказишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва аҳамияти яққол намоён бўлади.

Баъзан айрим одамлардан “Ҳуқуқшунос дегани юридик фанларни, бўлғуси дўхтир анатомия, химияни яхши билса бўлди-да, амалиётда уларга шулар керак бўлади, ижтимоий фанларни ўқитиб вақт ўтказиш, талабаларни чалғитишдан нима фойда?” қабиллидаги гапларни ҳам эшитиб қоламиз. Юзаки қараганда, улар ҳақдек туюлади. Бироқ бу қараш нечоғли тўғри, шундай қараш билан узоққа бориб бўладими?

Инсон ўз қадр-қимматини англаши, имони бутун, иродаси бақувват бўлиши, олдида қўйган мақсади эзгу ва аниқ шаклланиши учун у, аввало, тўғри, мантиқли фикрлаш кўникмасини эгаллаши лозим. Унинг оқни қорадан, аслни сохтадан ажрата олиш қобилияти ҳам тарих, адабиёт, фалсафа ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ёрдамида ўзлаштириладиган билим ва тажриба кучи билан тезроқ ва самаралироқ очилади, чархланади.

Ишора қилганимиздек, одамзод яратилишида унинг табиатига ўрнашган фазилат ва қусурлар замонлар ўтиши билан ўз тусини ҳар қанча товлантириб борган бўлмасин, мазмунан ҳамда моҳиятан катта ўзгаришга, эврилишга учраган эмас. Яъни ибтидода инсон боласига ёққан нарса ҳозир ҳам ёқди, ўшанда унинг юрагига ботган нарса уни

ҳозир ҳам азоблайди. Янада жўнроқ ифода этсак, ҳозир ҳам ўғрилиқ қаровсиз қолган тухумни ўмаришдан, хиёнат эса “қўшнининг хотини қиз кўриниши”дан бошланади.

Милоддан аввалги замонларда ҳукмфармонинг муайян мамлакатни босиб олиб, бойлиги ва халқига эғалиқ қилиш истагида қонли уруш бошлагани билан XXI аср иккинчи ўн йиллигида жаҳоннинг бирон бир минтақасига “демократия экспорти” ўртасида катта фарқ йўқ. Биргина фарқ: минглаб йил илгари яшаган “жоҳил подшоҳ” асл ниятини яшириб ўтирмай, ҳукми ҳам ўз номидан чиқарган бўлса, ҳозир тараққий этиб улгурган давлатлар ўша мазмундаги ҳукмининг “коллегиал тарзда” қабул қилиниши, “демократияга ташна халқлар талаби” шаклини олишига диққат қаратяпти, холос...

Масаланинг бу жиҳатларини инсоният тарихини остин-устун қилиб юборган катта муҳорабалар мавзуга бағишланган машғулотларда талабаларга таъсирчан тушунтириб бориш ўта муҳимдир. Айниқса, жаҳон урушларининг асл сабаблари, шу урушлар оқибатида дунё харитасида юз берган туб ўзгаришлар, мазкур муҳорабалар кимнинг тегирмонига кўпроқ сув қуйганини бизнинг фарзандларимиз – ўзбек ёшлари албатта чуқур билиб олмоғи лозим. Шундагина уларнинг тарихни тўғри идрок этиш, уни миллий манфаатлар негизида тушуниш, турли талқинлар ўртасидаги фарқни англаш ва бу фарқнинг сабабларини илғаш қобилияти юксалади. Бу қобилият, билим ва тажриба эса эртанги кун эгаларининг юрт тақдирига дахлдор масалаларга тийрак қараш, яқин-яқинга қадар бизни етовга муҳтож халқ деб билган устмонлар олдида яна содда ва гўл ҳолда қолмаслиги, бир сўз билан айтганда, ўз келажагини бутунлай ўз қўлига олишига кафолат бўлади.

Шу ўринда яқинда дунёдаги йирик давлатлардан бирининг раҳбари билан бўлган телесўхбатни ёдга солмоқчиман. Керак бўлса, ундан сабоқ олиш зарар қилмайди, деб ўйлайман. Кейинги йилларда ўша раҳбарга ёқиш учун ҳар нарсага тайёрлигини ошқоранамойиш этаётган тележурналистнинг

саволларидан бири бундай янгради: “Нима деб ўйлайсиз: уруш бўладими?” Раҳбарнинг жавоби эса бундай бўлди: “Менимча, дунёда жаҳон урушини бошлашга жазм этадиган тентак топилмаса керак...”

Сўхбатдошлар ишонч билан, хотиржамгина айтаётган бу гапларни эшитиб ўтириб кўнглимдан шундай ўйлар кечди: Араб дунёси, Афғонистон ва яна бошқа ўнлаб ҳудудларда бўлаётган худкушлиқлар нима? Уруш эмасми? Ўша жойларда ҳар кун ҳеч бир айбсиз қурбон бўлаётган одамларнинг жони сабилми? Бу одамлар жаҳон урушида қурбон бўлди нима-ю, бугунги талотумларда ўлди нима – уларнинг қариндош-уруғлари, фарзандлари учун қандай фарқи бор? Қолаверса, бу сўхбатдошлар уруш деганда фақат юртида кечадиган хунрезликнигина тушунадими? Фақат юртида кечсагина урушни, унинг бутун даҳшатини ҳис қиладими?..

Ўтган йили пойтахтимиздаги олий ўқув юр்தларининг бирида таҳсил олаётган, тенгдошлари орасида ўзининг билими, онгу тафаккури илғорлиги билан ажралиб турадиган бир талабамиз Германияда ўтказилган нуфузли конференцияда илмий маъруза билан қатнашиб, фавқулудда таассурот ва хулосалар билан қайтди. Унинг эътирофи куйидаги мазмунда бўлди: “Биз ҳам ўқияпмиз, аълочимиз, деб юрган эканмиз. Тўғри, баъзи мамлакатлардан келган талабалардан кам жойимиз бўлмагандир, лекин олмон талабалари билимининг чуқурлиги, дунёқарашининг кенглиги, кўп тилни билиши, энг муҳими – миллий ва глобал даражада фикрлаши билан барчани қойил қолдирди. Уларнинг дунё сиёсатидан қанчалар бохабарлиги, тарих ҳамда бугунги кун ўртасидаги боғлиқликни идрок этиши, деярли ҳаммасининг боболари қилган мудҳиш жиноят – Иккинчи жаҳон урушидаги қилмишлар учун чин дилдан хижолат тортиб гапириши, ўз халқ тарихига тик ва объектив қарай олиши – бу миллатнинг келажагидан сўзсиз дарак бериб турибди...”

Дарҳақиқат, юртимиздаги бугунги ўқувчи, талаба ҳам эрта ўтиб индин мамлакат бошқаруви, унинг ички ва ташқи сиёсати,

иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига дахлдор ва-зифаларни эгаллайди. Улар ҳар бир ҳаётий долзарб муаммога миллат ва мамлакатнинг нафақат ҳозирги манфаатлари ҳимояси, балки узоқ келажакдаги тақдири нуқтаи назаридан ҳам қарай оладиган, шуларга таяниб иш кўрадиган мутахассислар бўлмоғи лозим.

Фақат бир қисмини эслатганимиз ана шу муҳим жиҳатлардан келиб чиқсак, миллий ва умуминсоний тарихни, унинг ўзгармас мантигию ўзгарувчан талқинини чуқур билмайдиган дипломат, иқтисодчи, сенатор ва вазирни – умуман, мутахассисман, раҳбарман дейдиган одамни тушуниш, уни... оқлаш мумкинми? Ахир унинг бу аҳволи ўз оиласи, бир сиқим хешу ақрабоси ҳаётигагина эмас, бутун миллат ва мамлакат тақдирига дахл этиши мумкин-ку!

Ёхуд мактаб ва олий ўқув юртида адабиётга шунчаки вақт ўтказиш, бўлар-бўлмас афсоналар, китобий гапларни ўргатувчи дарс деб қараб келган, уни бор-йўғи кириш имтиҳонининг бир “блоки” деб билган бўлғуси мутахассис – шифокор, ҳуқуқшунос, боғча мудирасини тасаввур қилинг. Инсоний меҳр-шафқат, орият, одамий хулқ-атвор ифода топган адабиётга юрагини очмаган, бировларнинг – ўзи ҳеч қачон кўрмаган одамларнинг етим боласи бошини силаб, ювиб-тараб, борини бериб едириб-ичиргани етмагандай, “Кўзим усти миннатинг бошимга дурра!” (Ғафур Ғулом) дея оладиган халқи қалбини ҳис қилмаган, демакки, бу халққа бегона назар билан қарайдиган бундай “мутахассис” қўлига тушган одамни не кўйга солиши маълум-ку!

Ёки минг турли баҳонаю сабабни рўқач қилиб, ўзга юртлардан жаннат қидирган, ўзидек инсон боласини – Оллоҳнинг бандасини суд-сўроқсиз отиб-ёқиб, сўйиб-кўмиб, шу тубан амал устида суратларга тушиб юрган, айна йўл билан гўё муқаддас динни ҳимоя қилиб, унинг олам узра ёйилишига “ҳисса” кўшаётган кимсаларга ўз вақтида адабиёт муаллими ҳазрат Навоийнинг лоақал қуйидаги байти мазмун-моҳиятини англатиб улгурганида эди:

*Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдандур, хато кўрсам...*

Ёхуд ўша муаллим, бир томондан, му-тафаккир бобомизнинг, аввало, комил му-сулмон, бу дин мақсад-муддаоси, буюк ва-зифасини теран уққан олим бўлгани, ҳатто исмига кўшилган эътироф ва эъзоз сифати – Низомиддин ҳам айнан “динни низомга келтирувчи” деган маънони англатишини; иккинчи томондан эса, ҳар турли калла-кесар гуруҳларга кўшилиб, қора байроқни кўр-кўрона боши узра ҳилпиратганча қўли-ни қонга ботириб юрган кимсаларнинг оқлаб бўлмас кирдикорларини шогирдларига эс-латиб, улар қалбига қуруқ насихат эмас, ҳазрат бобомизнинг мана бу ўғитларини сингдирса, сизу биз кутган самарага эриши-лар балки:

*Ким мусулмонлиг айласа даъво,
Чин эрмас, гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурурки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар...*

Ахир ўша адабиёт муаллими қўлида бир-биридан ўқишли ва таъсирли манба-лар – сўз санъатининг мумтоз намуналари бўлатуриб, унинг ўқувчиси олтита “диний ки-тоб”ни ўқиб қолган чаламулла даъват этган ҳужрага бош эгиб кириб кетаётгани одамга алам қилмайдими?!

Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун баъзи асарларни эслатишимиз мумкин. Бу асар-ларга эса, юқорида гина қилганимиз ай-рим адабиёт муаллиmlарининггина эмас, юртимизнинг исталган ҳудудидаги таълим муассасаси педагоглари, профессор-ўқи-тувчиларининг қўли бемалол етади. Ма-салан, XIX аср рус адабиётининг улкан ҳо-дисаси – Фёдор Достоевскийнинг “Бесы” (“Жинлар”, устоз таржимон И.Ғафуров талқинида – “Иблислар”. “Жаҳон адабиё-ти” журнали, 2014 йил 1–12-сонлар) рома-ни одамзод тарихидаги энг қонли инқилоб “ижодқори” – Владимир Ленин чақалоқлигида – 1870-72 йиллардаёқ ёзилиб, инсониятга огоҳ кўнғироғи бўлиб янграган эди. Шуниси ҳайратланарлики, Россияни ичдан емириш, одамзоднинг минг йиллик ҳаёт устунлари-

ни ағдар-тўнтар қилиб ташлаш мақсадида, ғирт худосиз С.Верховенскийнинг “оташин тили” билан айтганда, “бор-йўғи юз миллион одамнинг бошини узиш керак бўлади, холос!” дея иш бошлаган, инқилобчи нико-бидаги “жинлар”нинг ёшларни йўлдан уриш учун қўллаган усулларидан бугунги диний экстремистик гуруҳлар ҳам деярли ўзгариш-сиз фойдаланмоқда...

“Келин”ни кўриб... кураш майдонигами?

Энди, бир-биримизга тик қараб, баъзи аволларга жавоб берайлик: юртимизнинг қай бир мактаби, академик лицейи, касб-хунар коллежи ёки олий ўқув юртида “Жинлар” ёхуд шу сингари жиддий асарлар муҳокама-си ўтказилди? Неча нафар педагогимиз шо-гирдларига ана шундай асарларни ҳам ўқиш ва ўқиш лозимлигини, ҳечкурса, эслатди? Умуман, бу асарларни ўқиган, муҳим жиҳат-ларини илғай олган, уларнинг мақсад-моҳия-тини бугунги кун ҳаёти билан боғлаб фар-зандларимизга тушунтириб бера оладиган мураббийлар кўпми?

Ахир шу ва шу сингари асарлар (Ф.Дос-тоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романи, Ж.Оруэлнинг “1984”, “Молхона” асарлари, С.Мозмнинг “Париждаги нотаниш одам” ро-мани, Э.Севеланинг “Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан” қиссаси ва яна бошқа ўнлаб адабий полотнолар, Н.Бердяев, Э.Фромм, Ортега-и-Гассет, И.Бунич каби кўплаб фай-ласуф, адиб, муаррихларнинг жиллакурса ўзбек тилига ўгирилган китоблари, “Тафак-кур”, “Жаҳон адабиёти”, “Маънавий ҳаёт” журналларида пайдар-пай эълон қилинаёт-ган трактатлари) мисолида, уларнинг таъ-

сирли ва тушунарли тилдаги талқинлари ёр-дамида ёшларимиз қалби ҳамда онгига маъ-рифат нурини олиб кириш, уларни жаҳолат хуружидан огоҳ этиш мумкин эмасми?

Демоқчимизки, чинакам эркин ҳамда мус-тақил инсонни, ўз ҳаётий аъмоли ва мус-тақкам эътиқодига эга шахсни тарбиялаш – куруқдан-куруқ насиҳатбозликлар; юқоридан келадиған комиссия кўзи ва ҳисоботлар учун қилинадиган хашаки тадбирлар; боғча бо-лаларига ўргатиладиган “келин салом”лар; бир дақиқалик интервьюни ҳам ТВ ходим-лари “кашфиёти” – камера ёнбошида ушлаб турилган ноутбук экрани ёхуд қоғозга қараб ўқиб беришлар; дунё кино санъатининг ноёб дурдоналари кўлимизда бўлгани ҳолда, ўзи-ни билган ҳинд томошабини ҳам кўришга ор қиладиган “Келин” отлиғ, аччиқ ичақдек узун видеофильмни қанча маблағ ва вақт-нинг исрофи эвазига таржима қилиб, ўттиз икки миллионли халққа “илиниш”лар... билан бўладиган иш эмас.

Агар биз шахс тарбияси, миллат камоли, мамлакат қудрати масалаларини жиддий иш деб қабул қилсак, бу ишга ёндашишимиз ҳам шу даражада жиддий ҳамда профессионал бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан бир аср илгари истиқлол йўлида кўлидан келганки юмушга уннаган, бутун билими, кучи ва ҳаё-тини шу йўлда фидо қилган маърифатпар-вар Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг ку-роли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир... Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, ша-раф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, бо-лаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим”.



Қозоқбой ЙЎЛДОШ

NAVOIY MULKIGA YO'L

Илм тараққий этиб, башариятнинг умуминтеллектуал салоҳияти юксалганда, индивидуал тафаккурнинг қамрови торайиб, қомусий бўлолмай қолади. Фаннинг ривожланиш миқёси ва шиддати бир одамнинг кўплаб илмларни эгаллашига имкон бермайди. Қомусий алломаларнинг эса даври ўтади. Бундай шароитда соҳалар бўйича қомуслар яратилишига табиий эҳтиёж туғилади. Эслаб қолинадиган ахборот ҳажми билан эслаб қолиш имконияти ўртасидаги тафовут шуни тақозо қилади. Аҳли фан қомусларни миллий тафаккур кўзгуси деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам қомусда миллий тафаккур

тараққиёти даражаси акс этади. Илму фаннинг муайян соҳаси бўйича қомус яратилиши, бир томондан, шу тармоқнинг энциклопедияга материал бергулик мақомга кўтарилганини билдирса, иккинчи томондан, миллий тафаккурнинг ўшандай салоҳият касб этганини кўрсатади.

Ўзбек сўз санъати тарихи, унга доир тушунчалар тизими, улкан бадиий обидалар ҳамда буюк адабий сиймолар қачонлардан буён ўз қомусий тадқиқини кутиб ётибди. Кейинги йилларда бу йўналишда баъзи бир ишлар қилина бошлади ҳам. Бобуршуносларнинг салкам 80 босма табақ ҳажмдаги монументал “Бобур энциклопедияси”, профессор Ҳамидулла Болтабоев муаллифлигида тўрт жилдли кўламдор “Адабиёт энциклопедияси”нинг 50 босма табақли биринчи жилди чоп этилиши, икки жилддан иборат “Алишер Навоий қомуси”, бир жилдли “Абдулла Қодирий қомуси” тайёрланаётгани ўзбек адабиёти илмининг ўсиш даражасини кўрсатади. Бу ишлар орасида Алишер Навоий асарлари ва ундаги сўзлар юзасидан тузилган



луғатлар алоҳида мақомга эга. Негаки, бирон бир шахсият ўзбек миллатининг маънавий шаклланиши ва фикрий тараққиётида Навоийчалик катта ўрин тутмайди. Ўзбек учун Навоийни англамоқ ўзини англамоқ бўлгани сабаб ҳам бу йўналишдаги изланишлар ҳаммиша диққат марказида туради.


Илм аҳлига маълум: очун луғатшунослигида баъзи адиблар ҳаёти ва ижоди юзасидан “Шекспир энциклопедияси”, “Гёте энциклопедияси”, “Пушкин энциклопедияси” типигади кўпжылдли фундаментал қомуслар аллақачон яратилган. Бундан ташқари, таниқли ижодкорларнинг энг машҳур асари бўйича “Атоқли отлар сўзлиги”, “Персонажлар сўзлиги”, “Жой номлари сўзлиги”, “Частотали сўзлик” сингари турли-туман луғатлар ҳам тузилган. Қозоқ олимлари 1968 йили “Абай тили сўзлиги”, 1995 йили 120 босма табақ “Абай энциклопедияси”ни, шу йили қирғиз манасшунослари 96 босма табақ ҳажмидаги икки жылдли “Манас энциклопедияси”ни нашр эттирди. Ўзбек луғатшунослиги ва адабиёттанувчилиги бу жиҳатдан миллий сўз санъати олдида бирмунча қарздор эди. Яқинда бир гуруҳ ўзбек олимлари жидду жаҳди билан икки жылддан иборат 106 босма табақ ҳажмидаги “Алишер Навоий: қомусий луғат”и яратилиб, ана шу қарз бир қадар узилгандай бўлди.

Айтилганидек, бир гуруҳ мутахассислар икки жылдли “Алишер Навоий қомуси”ни тайёрламоқда. Шу ўринда чоп этилган икки жылдли “Алишер Навоий: қомусий луғат”и энди ёзилаётган “Алишер Навоий қомуси”дан қандай фарқ қилади, деган ҳақли савол ўртага чиқади. Таъкидлаш керакки, агар “Навоий қомуси”да ҳазратнинг шахсияти, ҳаёти ва ижодига тегишли бўлган ҳар қандай маълумот қайд этилиб, изоҳланиши кўзда тутилса, қомусий луғат учун буюк мутафаккир ўз асарларида қўллаган сўз ва тушунчаларни шарҳлаш мақсад саналади. Дейлик, “Алишер Навоий қомуси”да бевосита улуг мутафаккир ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар билан бирга унга қўйилган ҳайкал, номи берилган шаҳар, туман, кўча, ташкилот, жамоа, ўқув юрти ка-

билар ҳам шарҳланса, “қомусий луғат”да фақат Алишер Навоий асарларида тилга олинган шахсият, тушунча, нарса-ҳодиса ва сўзлар изоҳланади. Демак, қомусда қамровнинг кенглигига, қомусий луғатда эса изоҳнинг теранлигига кўпроқ эътибор қилинади.

Умумий қомусда асосан тушунча ва сўзларнинг нейтрал маъноси текширилса, қомусий луғатда тушунча ва сўзларнинг ҳам ўз маъноси, ҳам муайян матнда муаллиф назарда тутган, ҳар қандай ўқирман ҳам илғайвермайдиган образли маъносини шарҳлаш устувор бўлади. Бошқача айтганда, умумий қомусда сўзнинг турғун луғавий маъносини, қомусий луғатда эса сўз ёки тушунчанинг адабий ёдгорликлар матнида қўланган контекстуал, яъни ҳаракатдаги маъносини изоҳлаш етакчилик қилади. Маълумки, сўзнинг алоҳида ҳолатдаги луғавий маъноси билан унинг матндаги функционал маъноси ўртасида ҳаммиша оздир-кўпдир фарқ бўлади ва қомусий луғатда тил ҳодисаси билан нутқий воқелик ўртасидаги ана шу айирмани англатиш кўзда тутилади. Умумий қомусда, имкон қадар, объектга тегишли барча нарсани қамраб олиш мақсад қилинса, қомусий луғатда объектнинг моҳиятига бевосита дахлдор ва уни тўлиқроқ англаш учун зарур бўлган тушунчаларнинг чуқурроқ изоҳланишига эътибор қаратилади.

Буюк Навоий асарларини тушунтиришга уриниб, ҳали шоир ҳаётлигида “Бадоеъ уллуғот”, “Луғати Навоий” сингари сўзликлар яратилган. Кейинчалик “Ал-луғоту ал-лисони Навоий”, “Санглох”, “Абушқа” сингари луғатлар дунёга келди. Янги замонда ҳам бу хайрли юмуш тўхтаб қолмади. Турли йилларда турли олимлар яратган “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат”, “Алишер Навоий асарлари учун қисқача луғат”,




“Навоий асарлари луғати”, “Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати”, “Навоий асарлари учун қисқача луғат”, “Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати”, “Мумтоз адабиёт манбалари луғати”, “Навоий асарларида сўз ва иборалар” сингари сўзликлар ана шу тўхтовсиз жараён маҳсуллари дидир.

Умидли навоийшунос О. Давлатов бошчилигидаги С. Ғаниева, Э. Очилов, А. Эркинов, К. Муллаҳўжаева, Д. Юсупова, З. Мамадалиева, И. Исмоилов, А. Маликов, Л. Жўраева сингари олимлардан иборат жамоа томонидан тайёрланиб, яқинда босилиб чиққан икки жилдли “Алишер Навоий: қомусий луғат” и шу вақтга қадар тузилган луғатлардан қамровдорлиги, тушунчаларни изоҳлашда адабиётшуносликнинг сўнги ютуқларидан фойдаланиб, илмий тафаккурнинг бугунги даражасида иш қўрилгани билан ажралиб туради. Қомусий луғатдаги ҳар бир мақола бевосита масаланинг туб илдизини англатишга қаратилгани, сўз ёки тушунчанинг асл моҳиятини изоҳлашга йўналтирилгани билан диққатга лойиқ. Унда бирор тушунча ёхуд сўз юзасидан мавжуд маълумотлар шунчаки қайд этиб қолинмай, Алишер Навоий асарлари ёхуд қўшимча илмий-тарихий манбаларга таянилган ҳолда атаманинг шундай изоҳланиш сабаби ҳам кўрсатиб берилган.

Таъкидлаш керакки, мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий асарлари бўйича бугунга қадар тузилган барча сўзликлар аслини олганда қийин сўзлар луғати бўлгани учун уларда атамаларнинг нейтрал маъносини шарҳлаш етакчилик қиларди. Ҳали миллий луғатшуносликда том маънодаги санъаткор лексикографияси илмий текширилган универсал “ижодкор тили луғати” ёки индивидуал “асар тили луғати” яратилган эмас. Ҳолбуки, илм-фан ривожланган кўп юртларда буюк санъаткорларнинг индивидуал нутқи акс этган луғатлар тузилган. Жумладан, русларда махсус энциклопедиялардан ташқари, тўрт жилдли “Пушкин тили луғати”га ўхшаш бир қанча сўзлик яратилган. Улкан санъаткорларнинг индивидуал сўз қўллаш маҳоратини намоён қиладиган бундай луғатлар Шчедрин, Крилов, Грибоедов, Лесков, Тютчев, Лермонтов, Толстой, Чехов, Бунин асарларида қўлланган сўзлар бўйича ҳам тузилган.

“Алишер Навоий: қомусий луғат” қўш-жилдлиги миллий луғатшуносликда бадиий сўзнинг матндаги маъно товланишларини ҳам кўрсатиб бериш йўлида қўйилган илк қадамдир. Сўз ёки тушунчаларнинг нафақат лексик ва истилоҳий маънолари, уларнинг бадиий-тасвирий жилвалари ҳам изоҳлангани қомусий луғат қимматини янада оширган. Жумладан, барча луғатларда “адаб” сўзи одобнинг бирлиги экани айтилиб, эзгу ахлоқий сифатларга эгалликни англатиши қайд қилинар ва адабиёт шу сўздан олингани учун ҳам у одоб доирасида бўлишга мажбурлиги писанда этилар эди. Қомусий луғатда илк бор ушбу сўзнинг айtilган *этик* маъносидан ташқари, *“фикрни гўзал ифода қилиш”*ни англатувчи *эстетик* маъноси ҳам борлиги кўрсатилган. Бундай ёндашув бадиий адабиётга фақат одоблар жами деб қарайдиган бирёқлама ва жўн ёндашув ўрнини унинг, биринчи галда, гўзал ифода санъати экани кўзда тутиладиган соғлом қараш эгаллашига имкон беради.

Олдинги сўзликларда “абдол” атамаси валийлар тоифасига мансуб кишиларни бил-



диришигина айтиларди. Ушбу луғатда эса тушунчага "Абдолликнинг асосий шартин ҳеч кимга, ҳаттоки зарарли жонзотларга ҳам зиён етказмаслик, беозорликдир... Абдолларнинг яна бир хислати фарзандсизлиги ёки ўғил фарзанд кўрмаслигидир" тарзида атрофлича изоҳ берилган. Бу ҳол абдолларнинг ўзга валий зотлардан фарқ қилувчи муҳим жиҳатларини аниқ билиб олишга имкон беради. Шунингдек, одатда, булут деб тушуниладиган "абр" сўзининг аниқловчи бирикмалар ёрдамида ўн тўртта маъно англатиши, бундан ташқари, уни ўн бешинчи – ирфоний маънода ҳам қўллаш мумкинлиги ҳақидаги маълумот ўқирманнинг ҳаётий-бадий тасаввурини тўқис бўлишига хизмат қилади.

"Алишер Навоий: қомусий луғат" сўзлигидаги диққатга лойиқ яна бир жиҳат шуки, буюк мутафаккирнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида алоҳида келтирилган юз феълнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларнинг маъно хусусиятлари мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Бу ҳол қомусда ҳазратнинг нафақат бадий, балки илмий меросига ҳам эҳтиром билан ёндашилганини билдиради.

Қомусий луғатда Навоий асарларидаги маълумотлар шунчаки шарҳланмай, далиллар билан бойитилган. Чунончи, ҳазрат Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида кубравия тариқати вакили авлиё Сайфиддин Бохарзийга алоҳида ўрин берилиб, унинг зоҳирий илмларни пухта эгаллагач, Нажмиддин Куброга шогирд тушгани, улуғ пир унинг ҳақиқа қилган дуолар ижобат бўлгани баён этилади. Қомусий луғатда бу маълумотларга Бохарзийнинг ҳассос воиз, фикҳ, ҳадис, тафсир илмларида пешқадам олим бўлгани қўшимча қилинади. Шунингдек, кубравиянинг фирдавсия деб аталмиш ҳинд тармоғига Бохарзий асос солгани, Олтин Ўрда хони Беркахон унга мурид тушиб, исломни қабул қилгач, Баракахонга айлангани, шу боис авлиёга "Шайх ул-олам" унвони берилгани қайд этилади. Бохарзийнинг "Шарҳ ул-асмо ул-хусна", "Воқеаи хилват", "Рўзнома", "Васиятнома" каби илмий ҳамда 650 рубоий

жамланган "Рубоийёт" номли бадий асарлар муаллифи экани ҳам келтирилади. Бу маълумотлар ўқирманда Бохарзий ҳақидаги тушунчани кенгайтирибгина қолмай, Навоий ўз асаридан унга бежиз ўрин ажратмаган эканида, деган қаноат ҳам пайдо қилади.

Қомусий луғатдаги "Боязид Бистомий", "Идрис", "Фаридуддин Аттор", "Шайх Фатҳа", "Ҳусайний" сингари машҳур шахсларга бағишланган мақолалар янги илмий далиллар билан қувватлантирилгани сабаб диққатни тортади. Шунингдек, Шаҳобиддин Сухравардийнинг "Эълум ул-тақий", ал-Арабийнинг "Фусус ул-ҳикам", "Футуҳот" асарлари ёхуд "Тарихи Банокатий" каби ўзбек ўқирманига яхши таниш бўлмаган битиклар ҳақида ҳам ишончли манбалар асосида янги маълумотлар тақдим этилган.

Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Насойим ул-муҳаббат", "Маҳбуб ул-қулуб", "Тарихи мулуки аҷам" сингари илмий ва қолаверса, барча бадий асарларида тилга олинган улуғ зотларнинг луғатда берилиши дастлаб кишида бир оз эътироз уйғотиши мумкин. Аммо синчиклаб қаралса, биринчидан, ҳазрат Навоий қаламига мансуб битикларда зикр этилган шахсларга доир маълумотлардан хабардорлик ўша асарларни тушунишга қалит бўлса, иккинчидан, шоир тилга олган зотлар ҳақидаги маълумотлар янги далиллар билан бойитиб тақдим этилгани кўринади. Дейлик, қомусий луғатдаги "Утба Фулом" мақоласида Навоий ушбу ориф зот ҳақида Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё"сига таяниб ёзгани таъкидланади. Йўл-йўлакай айтиб ўтилган шу кичик маълумот жуда катта илмий ҳақиқатни юзга чиқаришга хизмат қилган. Негаки, ҳозир ҳам улуғ Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида Жомий қаламига мансуб "Нафаҳот ул-унс" тазкирасининг сал бойитилган таржимаси деб қарайдиганлар бор. Шу тариқа, луғатда "Насойим" бир асарнинг бойитилган таржимаси эмас, балки сўфийликка доир қўллаб манбаларга таяниб яратилган оригинал асар экани аёнлашган.

Луғатда кўпинча ҳазрат Навоий ўз асарларида бирор шахс ҳақида маълумот берганида

қандай манбаларга таянгани қайд этилади. Бир жуфт мисол келтирамиз: *“Йигит Аҳмад – “Насойим ул-муҳаббат”да тилга олинган туркистонлик тасаввуф шайхи. Йигитлигидаёқ тавба мақомига эришиб, доимий риёзатда бўлгани учун туркий қавмлар орасида шўхрат топган. Ушбу шайх ҳақидаги фаслни “Насойим ул-муҳаббат”га Навоийнинг ўзи ёзиб, киритган”* ёхуд *“Зуннун Мисрий – ...Навоий “Насойим ул-муҳаббат”-га “Нафаҳот ул-унс”дан ушбу шайх ҳаётига боғлиқ бобни айнан киритган”*.

Маълумки, “Хамса” – Ажам халқлари адабиётидаги оламда ўхшаши йўқ бадиий эпик полотно. Қомусий луғатда бу ҳақда йирик илмий-тадқиқий мақола берилган бўлиб, унда “Хамса”нинг дунёга келиши, унга хос жанрий канонларнинг шаклланиши, ижодкордан белгилаб қўйилган бадиий тартиб, сюжет чизиғи, тимсоллар тизими доирасида эстетик кашфиёт яратиш талаб этилгани сабаб хамсачилиқда жаҳон миқёсида тан олинган санъаткорлар ғоят кам бўлгани, ҳазрат Навоийнинг бу жанр тараққиётига қўшган ҳиссаси сингари масалалар ишончли илмий далиллар асосида ёритиб берилган. Мақола Алишер Навоий дунё хамсачилигида тенгсиз ўрин тутиши сабаблари мисоллар асосида кўрсатиб берилгани билан катта илмий қиммат касб этади.

“Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар”, “Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир асарларнинг қисқача тавсифи” ҳамда “Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир диссертацияларнинг қисқача тавсифи” сингари пишиқ-пухта уч илова қомусий луғатнинг илмий қиммати оширган. Илмий асарлар ва диссертацияларнинг бундай тавсифи, шубҳасиз, бўлғуси навоийшунослар ҳамда навоийшунослик тарихи (историографияси) билан шугўлланадиган мутахассисларга қулайлик яратади.

Луғатда Навоийнинг йирик асар ёки девонлари тўғрисидаги ҳар бир мақоладан сўнг уларнинг қўлғамалари ҳақида берилган алоҳида мақола-маълумот ўзбек матншунослик ва манбашунослик илмларининг кейинги

ривожига асқатади. Улар навоийшуносликда юзага келадиган янги илмий тадқиқотларга ишончли манба бўлиши тайин. Жумладан, “Хамса” қўлғамалари” мақоласида ҳазрат Навоий қаламига мансуб шундай маҳобатли асарнинг икки юзга яқин қўлғамаси беш аср оша шу кунларгача етиб келгани ҳақидаги факт кишини ҳайрон қолдиради. Бу санокда фақат Тошкентдаги Шарқ қўлғамалари институтида сақланаётган “Хамса”ларгина ҳисобга олингани, дostonнинг Боку, Санкт-Петербург, Қозон, Истанбул, Анқара, Лондонда сақланаётган қўлғамалари бу санокқа кирмаслиги эса ҳайратни янада оширади. Тарқалиш жуғрофияси Шарқий ва Ғарбий Туркистон, Хуросон, Эрон ва Туркия сингари юртларни қамраб олгани Навоий “Хамса”сининг туркий халқлар интеллектуал-эстетик ҳаётида нечоғлик улкан ўрин тутганини кўрсатади.

Қомусий луғатда Навоий илмий ва бадиий оламининг назарий асосларини кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Аруз назариясига тегишли ҳар бир мақолада улғ мутафаккирнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги шеърлар ва “Хамса”га кирган дostonларга хос хусусиятлар назарий аспектда текширилган. Жумладан, қомусий луғатдаги “хафиф” мақоласида туркий ва форсий шеъриятда фаол қўлланган аруз баҳри тадқиқ этилади. Китобхон ушбу мақола орқали ҳазрат Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётида бу баҳрнинг икки вазнини қўллагани ҳолда “Мезон ул-авзон” асарида буни қайд этмагани, “Сабаъи сайёр” дostonида эса хафифга хос саккиз вазндан тўлиқ фойдалангани ҳақида маълумотга эга бўлади. Қомусий луғатдаги “ҳазаж”, “бахр”, “мухаммас”, “мусамман”, “мустанозод”, “ружуб” каби назарий жиҳатдан пухта, аммо ифода йўсини содда, адабиётшунос олимдан тортиб мактаб ўқувчисига ҳам тушунарли бўлган мақолалар эътиборни тортади.

Шу вақтгача яратилган Алишер Навоий асарлари луғатларида диний-ирфоний ва тасаввуфий атамалар юзакироқ изоҳланарди. Қомусий луғатда “бурқаж”, “жилва”, “муҳгон”, “шароб”, “шамъ”, “қоба қавсайн”, “наъли



Содиқ РАХМОНОВ. "Навоийга эҳтиром"

бозгуна" каби кўплаб истилоҳ ва ибораларнинг мажозий, тасаввуфий маънолари кенг шарҳланган. Бу эса китобхонга бутун ижоди Қуръони карим ва ҳадиси шариф ғоялари билан суғорилган Навоий қарашларини тараққий этган имконини беради. Илгарилари "Ҳазойин ул-маоний" куллиётида кўп учрайдиган "қоба қавсайн" иборасига дуч келган ўқирман унинг маъносини тўрт жилдлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"дан қидириб, "икки ёй оралиғи масофа" тарзида изоҳ ҳамда мисол сифатида келтирилган:

*Қошинга қоба қавсайн оятидин йўқ нима альяқ,
Сочинга йўқ саводи лайлат ул-меърождин
ашбах ("Б-вас.")*

байтини топиши мумкин эди. Лекин изоҳли луғатдаги шарҳ байтдаги биргина "қоба қавсайн" бирикмаси маъносига сал-пал ойдинлик киритгани ҳолда, ўқирманни келтирилган мисолдаги бир қанча мутлақо нотаниш сўзлар оғушида қолдирарди. Негаки, байтдаги

"альяқ", "саводи лайлат ул-меърож", "ашбах" каби тушуниш қийин сўз ва бирикмалар шеърхонни гангитиб қўярди. Қомусий луғатда ушбу адабий-ирфоний тушунча батафсил ва ишонарли изоҳланган: "қоба қавсайн – ...Пайгамбар Меърож кечасида осмонларга юксалиб, Аллоҳга шу қадар яқинлашадики, улар ўртасидаги масофа икки камон оралиғи ёки ундан ҳам камроқни ташкил қиларди. Бу масофа юзма-юз туриб, бевосита сўзлашиш имконини беришини англатади... Шунингдек, бу ибора мажозий маънода икки қош орасидек яқин деган мазмунда ҳам келиб, юқоридаги талқинга мос ҳолатда Пайгамбаримизнинг Меърож тунисида Аллоҳга икки қош орасидек яқин масофада бўлганликларини англатади". Бундай изоҳ ҳазрат Навоийнинг жаҳоний миқёсдаги хулосани бир байтда ифодалаш маҳоратига эга ижодкор ҳамда диний ва дунёвий билими беҳад аллома бўлганини намоён қилади.

"Дунё аҳли" атамасига одатда шарҳлашга эҳтиёж бўлмаган аён бир тушунча си-

фатида қаралиб, фоний дунёда яшаётган борлиқ кишилар тарзида англандар эди. “Қомус”да ушбу атаманинг келиб чиқишига ҳали одамзоднинг ўзи яралмай туриб, унинг руҳларига хос тутумлар сабаб бўлгани кўрсатилган. Унга кўра, бу дунёнинг гўзаллигига берилиб кетиб бунда қолишни хоҳлаган арвоҳларга “дунё аҳли”, охиратнинг жозибасига ошиқ бўлиб боқий дунёга боришни истаган руҳларга “охират аҳли”, ҳар иккисига-да кўнгил қўймай, Яратганнинг қошига қайтиб келган руҳларга “сиддиқлар” дейилгани тўғрисидаги маълумот ўқирманнинг нафақат тафаккури, балки ҳиссиёти-да бойитади. Қачонлардир дунё неъматларига маҳлиё бўлган руҳларга нисбатан қўлланган “дунё аҳли” атамаси одамзодга кўчирилгач, ўткинчи дунёга ҳирс қўйган кимсаларни англантиши луғатда ишонарли изоҳлаб берилган.

Маълумки, “зоҳид” тушунчаси барча луғатларда бир қадар салбий йўсинда изоҳлаб келинар эди. Қомусий луғатда бундай бирёқламаликка барҳам берилиб, зоҳидлик бир қатламли тушунча бўлмай, у *мубтадийлар*, *мутаҳаққиқлар*, *ҳақиқий зоҳидлар* сингари уч тоифага бўлиниши ва уларнинг ҳар бирига хос алоҳида белгилар мавжудлиги кўрсатиб берилган. Мумтоз адабиёт-

даги зоҳид ва зоҳидликка салбий муносабат умуммиллий ёндашув эмас, балки фақат тасаввуфий битикларга хос ҳолат экани айтилгани ёш ўқирманга бу борадаги ҳақиқатни чуқурроқ англаш имконини беради.

Қомусий луғат муаллифлари имкон қадар ҳар бир мақолада бирор илмий ёки тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришга интилган. Чунончи, “Равшанак” мақоласида Равшанакнинг сўғд амалдори Ваксувадарванинг қизи бўлгани, тарихчи Табарий эса уни Эрон шоҳининг қизи сифатида кўрсатиб хатога йўл қўйгани алоҳида қайд этилиши бу борадаги чалкашликларга барҳам берган. Бу жиҳатдан, луғатда Югнакийнинг туғилган жойи борасида темурий амалдор Арслонхожа Тархон орқали келаётган маълумотга таяниш мантиққа мувофиқроқ экани ҳақидаги таъкид ҳам ўринлидир.

Сўзликдаги аксар мақолаларда тушунчалар луғавий маънодан ташқари, қўшимча маъниларга эгаллиги айтилибгина қолмай, кўрсатиб ҳам берилган. Жумладан, “тавр” мақоласида бу сўзнинг лексик маъносидан кўра, поэтик санъат тури сифатидаги англами муҳим экани ўринли таъкидланган. Унда таврнинг татаббу ва назирдан фарқли жиҳатлари “Девони Фоний”дан келтирилган мисоллар ёрдамида ишонарли очиб берилган. Шунингдек, Хоразмда ҳозир ҳам ҳашар маъносига қўлланадиган “бегор” сўзининг этимологияси номаълум эди. Қомусий луғатда унинг нафақат тарихий илдизи кўрсатилган, балки Навоий шеърлятида талмеҳ, тамсил ва истиора сифатида поэтик функция бажаргани ҳам айтилган.

Қомусда шаклан бир хил бўлгани ҳолда ўзбек ва араб тиллари, айниқса, тасаввуфий матнларда тамомила ўзгача маънолар англлатувчи “яқин” сўзининг луғавий ҳамда ирфоний маънолари тушунарли ва очиқ изоҳлаб берилган. Зуннун Мисрийга таяниб, “*кўз билан кўрилганнинг илм, қалб билан кўрилганнинг яқин*” экани, Навоий ўз асарларида атаманинг ҳар икки маъносидан ҳам усталик билан фойдалангани борасидаги қарашлар мақоланинг қимматини оширган.

Ҳозир
ҳам улуғ Навоий-
нинг “Насойим ул-му-
ҳаббат” асарига Жомий қа-
ламига мансуб “Нафаҳот ул-унс”
тазкирасининг сал бойитилган
таржимаси деб қарайдиган кимсалар
бор. Шу тариқа, луғатда “Насойим”
бир асарнинг бойитилган таржима-
си эмас, балки сўфийликка доир
кўплаб манбаларга таяниб
яратилган оригинал асар
экани аёнлашган.

Айниқса, “ғариб” ва “ҳол” сингари тасаввуфий битикларда кўп учрайдиган истилоҳларга содда ва тушунарли изоҳ берилгани қувонарлидир. Чунончи, ғарибнинг мусофир, бегона, четдан келган маъноларини англатиши, лекин бу бегоналик, мусофирлик ва четдан келганлик жуғрофий-масофавий тушунча бўлмай, дунёга кўнгил қўймаганликни, Ҳақнинг ҳузуридан ўзга кўнимгоҳи йўқ солиқни англатиши сингари изоҳлар аниқ экани билан диққатни тортади. “Ҳол” тушунчасига берилган *“Ҳақ тарафидан солиқнинг пок дилига нузул бўладиган ва унинг руҳини такомилга етказадиган файзнинг даражаси”* тарзидаги таъриф китобхон эсида қолади. Ҳолда ортга қайтиш йўқлиги, ўзгариш фақат олдга қараб бўлиши, ҳолга интилиш ила эришиб бўлмаслиги, унинг ғайбдан келган тухфа, атоийи Худо экани ҳақидаги изоҳ тушунчани аниқ ифодалагани билан диққатга молик. Хуллас, “Алишер Навоий: қомусий луғат” сўзлигини ўзбек луғатшунослигида ахборот беришдан моҳиятни англатиш босқичига ўтилаётганининг намунаси дейиш мумкин.

Луғат тузиш – ўта сермеҳнат, машаққатли ва, афсуски, қадр топмайдиган юмуш. Қадимда ҳукмдорлар жини суймайдиган олимларни бирор хатога йўл қўйса, луғат тузишга мажбур қилиб жазолаган. Зикр этилган “Алишер Навоий: қомусий луғат”дек сифатли ишда ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилган. Чунончи, буюк мутафаккир асарларини тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган “мажоз”, “рамз” сингари фундаментал тушунчалар бирмунча юзаки изоҳланган. “Май” истилоҳига негадир тўхталинмаган. Ҳолбуки, бу атаманинг пухта изоҳсиз Навоий битикларининг аксариятини англаш имконсиз. Тўғри, луғатда “шароб” истилоҳи ҳақида атрофлича тушунча берилган. Лекин асарларда “май” истилоҳи “шароб”га

қараганда кўпроқ қўлланган. Шу боис “май”га изоҳ бериб, “шароб”га ишора қилинганда, мантиққа мувофиқ бўларди.

Луғатда туркий тилда ҳам асарлар битган Камолиддин Биноийнинг форс-тожик шоири сифатида кўрсатилиши тўғри эмас. Аввало, шоирнинг туркийда ҳам асарлар битгани “Бобурнома” сингари мўътабар манбалардан маълум. Иккинчидан, туркий тилда ижод қилиш борасида Навоий билан келишмаслиги Биноийнинг этник жиҳатдан форс эмас, туркий қавмга мансуб эканидан далолат беради. Алишер Навоий форсларнинг эмас, айнан туркийларнинг ўз тилида ёзмаслигини айб санаган. Биноий билан ўрталаридаги зиддият ҳам унинг туркий бўлатуриб, ўз тилига менсимай қарашидан келиб чиққан. Қомусда унинг комил ишонч билан форс-тожик шоири деб кўрсатилиши шу сабаб тўғри эмас. Луғатда сўзларни янглиш изоҳлаш ҳоллари ҳам учрайди. “Кезармак” феълени шарҳлаш учун негадир *“Ol jerig kezdi”* гапи мисол сифатида келтирилиб, *“У ерни қазиб айланиб юрди”* тарзида изоҳланган. Ҳолбуки, “кезармак” бугун амалда бўлган “кезмоқ” феълининг бобо шакли бўлиб, “кезди”, “кезиниб юрди” маъноларини билдиради.

Шунга қарамай, нафақат атама ва истилоҳлар маъноси, балки бадий сўзнинг тинимсиз жилваланиб турадиган ифода нозикликларини ҳам изоҳлашга уринилган ушбу луғатнинг яратилиши миллат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу луғат ўз асарларида йигирма мингдан ортиқ мустақил сўз ишлатган даҳо ижодкор қаламидан чиққан ҳар бир тушунчанинг ўз ва контекстдаги маъно жилвалари тўлиқ намоён этиладиган кўпжылдли қомусий луғат яратиш сари ташланган дадил қадам саналажак. Умид қиламизки, илк қадамлари хайрли бўлган муаллифлар шу билан тўхтаб қолмайдилар.

Жамол КАМОЛ

Узониқ соʻз кетса оламдин...

Гулшани жоним бугун...

Гулшани жоним бугун сайри чаманлик бог эмас,
Булбули руҳим нечун жимдир яна, сайроқ эмас?

Ошиқ ўлгайму киши ул, булбул ўлгайму кўнгил,
Қайсиким хонишлари гул бошида янгроқ эмас?

Эй нигоро, изларингни баски айлармен тавоф,
Кўзларимга тўтиёдир изларинг, тунпроқ эмас.

Тортамен ҳажрингни, жонимга жафоси бўйлаким,
Шиддати кун-кундан ортиқ, бир кунни озроқ эмас.

Ёр хаёли бирла мастмен, мунчаким зору адо,
Қоқинармен йўлда, гарчи тош эмас, қайроқ эмас,

Ёр хаёлидин узилсам, боғу бўстон истамам,
Хору хас кўргаймен унда, гул эмас, япроқ эмас.

Эй Жамол, оҳ урма ортиқ, ўзни сен ошиқ дема,
Улки оҳинг бошинг узра туғ эмас, байроқ эмас...

Бир ўксик қалам қолгай...

Ёниқ сўз кетса оламдин, фақат белги, рақам қолгай,
Севинч кетгай, сафо кетгай, соғинч қолгай, алам қолгай...

Наҳотки қолмагай ортиқ нафис сўз олдида ҳайрат,
Ўтиб дарё, кетиб тўлқин, фақат лабларда нам қолгай.

Навоийнинг навоси олдида мастоналик бўлмас,
Фузулий шеърига ҳайронлик ҳам энди кам қолгай.

Унут бўлгай севишганлар тилида ишқ изҳори,
Муҳаббат ҳам магарки номига, ёлгондакам қолгай.

Музейда бир неча қўлёзма қолгай хотирот янглиг,
Уларнинг ёнида, эвоҳки, бир ўксик қалам қолгай.

Китобга кўз солурлар хору хасдек тунду бепарво,
Адаб майдонида бир неча олчоқ, муттаҳам қолгай.

Ёниқ сўз кетса оламдин, шу олам ичра одамга
Фақат дашти адам қолгай, адамга бир қадам қолгай!

Жамол, қўйгил фигонинг, ҳукм этар Оллоҳу Раҳмонинг,
Бу дунё сенданам қолгай, бу савдо менданам қолгай...



Чала-ярим ҳақиқат

Биров борки, беҳуш ётар,
хоҳ катта, хоҳ болажон.
Шундай пайтда на тирик у,
на ўликдир, чалажон..

Биров борки, қийшанглайди
хиёл ҳушёр, хиёл маст.
Эркак бўлиб эркак эмас,
аёл бўлиб аёлмас.

Бир кимсани биров ўғри,
бирова дейди тўғридир.
Бир озгина тўғри бўлса,
бир озгина ўғридир...

Бутун эмас, чала бўлар
гоҳи инсон боласи.
Бу дунёда энг ёмони –
ҳақиқатнинг чаласи!

Бу дунёга боқсанг, фақат
кўринади қатма-қат,
ёлгон эмас, рост ҳам эмас,
чала-ярим ҳақиқат.

Расулulloҳ ялинмишлар,
изҳор этиб дуони,
эй Худойим, бор ҳолича
кўрсат дея дунёни...

Гарчи биз ҳам шуни дермиз,
бизда ҳам шу андиша,
кўрганамиз чала-чулна,
гира-шира ҳамиша.

Баъзан боқиб, билолмаймиз
борми ёки йўқ илдиш –
патак илдиш кўринади,
кўринмайди ўқилдиш.

Баъзан ёлгон деганлари
ҳақиқатга мос бўлур.
Ёлгон бўлур, ўртасида
жиндаккина рост бўлур.

Гоҳи ёлгон, гоҳи ростнинг
кўкка учар фигони –
қиттаккина ростдан қўшиб,
ичиришар ёлгонни.

Чала-ярим ҳақиқатлар
ўрмон каби айқашиб,
бу дунёни босиб ётар
бир-бирига мингашиб...

Шундоқ экан, ажабланманг,
бу ҳам сизга бир омад,
бир кун чала ҳақиқатдин
қойим бўлса Қиёмат!..





Ноқис ақл ҳикояти

Бу дунёда оқил бору
нодон, ноқис ақл бор.
Бу тўғрида боболардан
қолган шундай нақл бор.

Бир амалдор пора олиб,
қўлга тушиди ногаҳон.
Уни подшоҳ ҳузурига
келтирдилар шу замон.

Подшоҳ деди: жиноятинг
ўйлаб, яхши англаб ол,
учта жазо тайин этдим,
биттасини танлаб ол.

Бири шуки, гапни чўзмай,
демай алай-балай сен,
гуноҳингни ювмоқ учун
уч юз танга тўлайсан.

Бири шуки, қилмишингга
шу муносиб кўрилгай,
ечинасан, қоқ елкангга
бир юз дарра урилгай.

Бири шуки, тавба қилиб,
тазарру ҳам дегайсан,
бир товоқда ахлат бўлу,
сен ўшани егайсан...

Қай бирини танласам деб
ўйлаб қолди амалдор.
Осонроқ деб билди, магар
деди: ахлат егим бор...

Ахлат еди, кўнгли айнаб,
ўқчиб, бўғди нафаси.
Деди: ортиқ еёлмайман,
дарра уринг яхшиси.

Аммо яланг елкасига
егач уч-тўрт даррани,
“Тўхтатинг, – деб қичқирди у, –
берай уч юз тангани!..”

Хулласки, у нодон эди,
қанотлари қайрилди:
ахлат еди, калтак еди,
пулидан ҳам айрилди.

Бу дунёда оқил бору
яна ноқис ақл бор.
Бу тўғрида боболардан
қолган шундай нақл бор:

“Оқил этган ишни жоҳил ҳам,
магар этгай тайин,
неча бор расво қолиб,
шарманда бўлгандан кейин”.





Ҳайнрих МАНН

INTIQOM

Ҳикоя

Эмма Блазиус суйганига турмушга чиқолмади – ассессор Либан камбағал эди. Ёшлар ота-она иродасига қарши боролмади: уларнинг тақдирини катталар ҳал қилди. Зотан, ота-она ўша дориламон замонлардаги синашта одатлар давом этишини хоҳлар эди. Ассессорнинг ожизона норозилигини айтмаса, севишганларнинг қўлидан ҳеч иш келмади.

Тақдирдан раҳм-шафқат кутган ассессор ишхонада ўзини ғайратли ходимлардек тутишга уринарди, маҳбубаси кўнглини овлаш илинжида унинг онасига астойдил мулозамат этарди, Эмма бўлса ўзини ёлғондакам аламзада қилиб кўрсатишдан нарига ўтолмади. Нафсиламрини айтганда, шундоқ ҳам асаблари сал нарсага дош беролмайдиган бўлиб қолгани – уларнинг яширин аҳд-паймонидан кейин содир бўлган нохуш воқеалар, ушалмаган умидлар ўзидан огоҳ қилаётган эди. Махфий маслаҳатчи Блазиус одати бўйича қиш охирларида ташкил этадиган имлама зиёфат арафасида, Либан кўчада Эмманинг укасини учратиб қолди ва қизиқиб сўради:

– Зиёфатда мен ким билан ўтирар эканман?

Гимназист маънодор кулимсиради. Ким биланлигини у билмай ким билсин!

– Айт! Қарздор бўлиб қолмасман, ахир.

– Бўпти, ўйлаб кўрай.

Улар бир оз келишолмай турди-да, ниҳоят бир тўхтамга келишди.


– Хўш, хуллас калом, ким билан экан?

– Мусиқа муаллимаси билан!

Ассессор шартта бурилдию кетворди.

Кечкурун эса Эмма ёши ўтиб қолган бўйдоқ – Африкадаги мустамлакалардан бойлик орттириб қайтган доктор Шац ёнида ўтирарди. Қиз дастур-

хон этагидаги ошиғи билан одамнинг раҳмини келтирадиган алфозда маъюсина кўз уриштириб-уриштириб оларди. Айни чоқда, дўмбоққина, яланғоч билакларини Шац кўриб маҳлиё бўлсин учун ишвакор тарзда елпиниб кўяр, Либаннинг эса муаллима кўнглини овлашдан бошқа чораси қолмаган эди. Шунча йил сабр қилиб, ичкиб, қўмсаб, севги азобини чеккани, бир бор кўриш, учрашиш учун турли хил ҳийла-найранг ўйлаб топиб, бахт ҳақидаги орзулар билан яшагани нима бўлади? Наҳот бари беҳуда кетса! Гимназистнинг ўсмир қизга бўлган нозик туйғулари; яхмалақда дийдор кўришганлари ва уйдан ўғирлаб чиққан пулга унга қуймоқ олиб берганлари; ўқишга кетиш арафасида бир-биримиздан ўла-ўлгунча айрилмаймиз, дея қасам ичганлари-чи! Тўғри, узоқ давом этган ҳижрон йиллари иккови ҳам майда хиёнатлардан сақланолмади. Бироқ ошиқ-маъшукларнинг юксак мақсадлари олдида бунақа арзимас икир-чикирлар тугул, улардан каттароғининг ҳам тирноқчалик аҳамияти йўқ эди.



Зиёфат тугади, меҳмонлар хоналарга тарқалиб кетгунча бечора севишганлар бунақа пайтда юз берадиган одатдаги бесаранжомликдан фойдаланиб, бир эшик панасига ўтдилар. Қизнинг авзойидан Либан ҳаммасини тушунди: фожиа рўй бериши муқаррар, Эмма эса уни даф этишга ожиз. Ота-онаси унга нима дебди – шуни билиш қолди, холос.

– Улар, йигирма иккига чиқдинг, бўлди энди, деди.

– Хўп, доктор Шац қай гўрдан пайдо бўлди?..

– Дадам унинг раъйига қарашимни истаяпти.

– Шунақами... Начора... – деди бўшашиб Либан.

Шунда Эмма очиғини айтди: бугуноқ унаштириб қўйишаркан.

– У кутолмас эмиш, – деди Эмма баттар умидсизланиб. – Ўзи узоққа бормайди чоғи.

Сигарет тутатгани чекиш хонасига ўтаётган бир гала кашанда севишганларни чўчитиб юборди. Хавф аригач, улар хайрлашди. Рисоладаги оилаларнинг одобли болаларига муносиб равишда севгисию ёшлиқдан юрагида жўш уриб келаётган орзулари билан яширинча видолашдилар. Шундан сўнг ҳар ким ўз йўлидан кетди: Эмма доктор Шацга турмушга чиқди, янги, муҳташам салон қурилди, бутун шаҳарга овоза бўлган зиёфат, қабул маросимлари ўша ерда ўтказилди. Бу орада Эмма ўғил туғди, отаси, улғайгач уни консул қиламан деб кўзлаб қўйди. Хонадоннинг яқин дўсти, округ судининг маслаҳатчиси Либан эса Вольфхенни ҳатто рейхканцлер бўлади, деб башорат қилди.

– Ана шунда саноат ўз қадрини топади. Янги кайзер ҳукуматга сармоядорларни жалб этади, – дерди у.

Либан эса урф-одатларга кўра янги ҳаёт бошлади: бадавлат қизга уйланди. Унинг хотини турмушга чиқмасидан аввал Эмманинг яқин дугона-

си эди, энди аввалги кадрдонлик янаям мустаҳкамланди. Либаннинг икки қизи ёки кичкинтой Вольф ҳаётида юз берган ҳар қандай ҳодиса иккала оилада қизгин муҳокама қилинарди.

Шац оғир дардга йўлиқиб тўшакка михланиб қолганида Либанлар хонадонининг барча аъзолари унинг тепасида парвона бўлди. Беморнинг аҳволи тобора ёмонлашаётганини кўрган фрау Либан “Ҳаммамиз бошига тўпланиб олиб, уни чарчатиб қўйяпмиз шекилли. Унга ўзинг қараб турақол”, деди эрига. Либан бемор тепасида уни овутиб, кўнглини олиш учун ҳар хил воқеалардан гапирганча соатлаб ўтирди, бироқ Шац ҳеч нарсани эшитмас – алаҳсираб ётар эди. Эмма томиридан укол қилганидан кейингина у ухлаб қолди. Шунда уй бекаси билан оиланинг кадрдон дўсти бирдан енгил тортишди. Улар бемор тўшагининг икки тарафида ўтирарди. Бу оқшом улар илк дафъа бир-бирига узоқ термулиб қолишди. Чехрасидан ҳар иккаласининг дили сиёҳ экани ва қаттиқ толиққани сезиларди. Айни чоқда, икковига ҳам бир-бирининг эс-хуши жойида эмасдек туюларди. Шунда улар сир бой бермай беморнинг аҳволини муҳокама қила бошлашди. Соғайиб кетишидан умид борми? Дўхтир нима дер экан? Чиндан дўхтирни сабрсизлик билан кутишарди, очиғи, фақат беморнинг аҳволидан хавотир олгани учун эмас – у келса, икковини узоқ вақт ёлғиз қолиш, яна-тагин у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришдек заруратдан халос этган бўларди-да. Чурқ этмай ўтириш ҳам азоб! Ажабо, нега бирдан бундай бўлди экан? Ваҳоланки, шунча йилдан бери энди ёлғиз қолишаётгани йўқ-ку. Аммо ҳозир улар кўп ҳам ишониб бўлмайдиган қарздор кимсага қарагандек бир-бирига синовчан тикилиб ўтирарди.

– Агар илгарироқ шунақа бўлишини билганимизда эди... – деди хижолат бўлиб Эмма.

– Ҳозир ҳаммаси бошқача бўларди, – дея унинг чала қолган гапини тутатди Либан. Бирдан унинг вужудини фавқулодда ҳаяжон қамраб олди.

– Агар Шац оламдан ўтса, – деди у ўрнидан турар экан, – мен хотиним билан ажрашаман. Ҳаётимизни янгитдан қураамиз.

– Кечикмадикмикан? – деди иккилангандек Эмма. – Ёш эмасмиз энди!

– Куйиблар кетмайдими... Барибир, балоғат ёшига етгунча қизларим меросидан фойдаланиш ҳуқуқи менда бўлади, тушунгандирсан.

– Шац менга ҳам бирон нима қолдиради, – деди гердайганча Эмма.

Маслаҳатчи кутилмаганда кўзига ёш қалққанини сезди.

– Эмма! – деди овози титраб. – Эмма! Биз асли ўша пайтда дадилроқ бўлишимиз, умидсизликка тушмаслигимиз керак экан. Ота-онангнинг раъйига қарамасак бўлар эди-ю!.. Баъзан шундай вазиятларда яширинча никоҳ ўқитган одамлар! Эҳ, ҳаётимиз буткул бошқача бўлар эди!

Чиндан ҳам Либан айтганидек ҳаётимиз бошқача бўларди, фақат сариқ чақага зор ўтирардик-да, деб хаёл қилди Эмма. Бироқ дилидан ўтган бу гапни тилига чиқармади – Либаннинг хаёлпарастлиги унга-да таъсир қилди ва хушторига муносиб бўлгиси келиб индамай қўяқолди.

– Бизнинг фарзандларимиз бошқача бўлади, мана кўрасан, – деди у қатъий қилиб. – Улар биз учун қасос олади ҳали!

“Болалар! Вой худойим-ей! Лоақал шуларни оёққа турғизиб, одам қилиб олсак бўлгани! – деб ўйлади Либан. – Ахир, бу ота-онанинг бурчи эмасми!” У анчадан бери дийдорига муштоқ бўлиб юрган аёлни ўтли бир истак билан бағрига босди.

– Ҳеч ўзгармабсан-а! – деди у энтикиб.

Шу чоқ орқа томондан беморнинг инграгани эшитилди. Либан билан Эмма алаҳлаётган Шацга ғазаб билан ўгирилишди. Мана шу одамни деб улар бахтдан маҳрум бўлишган, ҳаётларини барбод қилишган! Қўшни бўлма қоп-қоронғи эди. Қоқилиб-суқилиб ўша ерга киришди ва бир-бирини оғушидан бўшатмай диванга ағнашди.

– Ойи! Либан амаки! Қофия топишга ёрдам бериб юборинглар:

*Гекторга нафрати ўчмаган ҳали
Ўғлидан хавотир олади улар.*

Бизга шу сатрларни таржима қилиб, қофиялаш топширилган.

Сукунат. Улар қоронғилик қўйнида тўлғонишарди. Ахир, бу – Вольфку! Ёнгиналарида – ошхонада дарс тайёрляпти. Бола билан ўзлари ётган диванни дарпарда тўсиб турарди, холос. Бамисли қиёмат кўпгандек ўтакалари ёрилди, гуноҳқор икковлон ўз аҳволларини кўз олдига келтириб даҳшатга тушишди. Тушмай ҳам бўларканми?! Ҳойнаҳой, трояликлар Атройнинг ғазабга минган ўғилларини кўрганда шундай қути ўчган бўлса керак. Эркак киши эмасми, аввал Либан ўзини қўлга олди ва шахдам юриб ошхонага чиқди.

– Биринчидан, талаффузинг расво, – деди у остона ҳатлар-ҳатламас, – иккинчидан, бу унақа қийин иш эмас:

*Нафрат юракларни куйдирди ўтдек.
Шодланмоққа эрта эмасми ҳали?
Гекторнинг ўғли бор, ахир, аллдек.*

Вольфхен унга завқ билан тикилди, Либан эса машъум сатрларнинг таржимаси ошқора қочиримли чиққанидан дув қизариб кетганини ҳис қилди. Боланинг ишшайиб туриши эса уни баттар хавотирга солди: наҳотки пайқаб қолган бўлса?

– Бу ҳаддан ташқари эркин таржима, – деди шоша-пиша маслаҳатчи. – Жуда нўноқ. Қофияси ўхшамади, янаям тўғрироғи мана бундай бўлади:

*Гектор ўлди, лек ундан-да хатарли ёв бор,
Ахир унинг ўғли ёдидан кетмайди зинҳор.*

Сўзини тугатар-тугатмас бу сатрлар ҳам ўзини фош қилиб қўяётгандек туюлди-да, шунақа алмойи-алжойи шеърлар билан болаларнинг бошини қотираётган бефаҳм муаллимни қоралашга тушди ва гапини тасдиқлаш учун боланинг онасини чақира бошлади. Лекин жавоб бўлмади.

Нима бўлганда ҳам, Либан билан Эмма ниҳоят бир-бирининг васлига эришди: севишганлар фақат шу муддаода шаҳар чеккасидан икки хонали ижара уй топди. Ўзга чора йўқ эди, аксига олиб Шац соғайиб борарди. Улар қачон учрашмоқчи бўлса телефонда келишиб оларди. Агар гўшакни Шац кўтариб қолса, Либан ундан-бундан гап очар, бироқ Эмма унинг нима мақсадда қўнғироқ қилаётганини дарров фаҳмлар эди. Дарвоқе, Шацнинг саломатлиги уларни заррача қизиқтирмас, Вольфдан эса доим хавфсираб туришарди.

Ўшанда у бирон нимани пайқаганмикан?

– Ўзи болалар шунақа – эшитиши керак бўлмаган гапларни эшитиб қолади! Лекин болалиги қоптими бунинг – ўн тўртга қараб кетди бу йил!

– Бола бўлмай нима! – деди унга жавобан Эмма. – Вольфхен бошқа болаларга ўхшамайди.

Аммо маслаҳатчининг бунга ишончи комил эмасди. Эҳтимол бола шунчаки яшираётгандир. У Вольфни текширишга, қадамини кузатиб юришга аҳд қилди. Бир куни гимназиядан уйига қайтаётган Вольф аёлларнинг ички кийими сотиладиган дўкон витринасидаги яланғоч манекенларни томоша қилиб турар эди. Либан у билан саломлашгач, “Шунақаларнинг ростакамини кўргинг келяптими?” деб сўради ҳазил аралаш. “Бир вақтинг бўлганда “Метропол” да намойиш этилаётган ревюга олиб бораман, бўптими?” Суд маслаҳатчиси ишончига кирмоқ учун болани аста-секин йўлдан ура бошлади. Бироқ, ҳар қанча уринмасин, унинг қалбига йўл тополмади. Онаси эса, аксинча, ўғлини рақс тўгарагига юбормай қўйди. Эмма муқовасида аёл исми акс этган бирон бир суратли журнални унинг қўлида кўрса, тортиб оларди. Болаларча софлик ва маъсумлик сақланиб қолганмикан, дегандек унинг кўзларига синовчан тикиларди. Бироқ, охир-оқибат, ўзи мулзам бўлиб номусдан дув қизариб кетарди.

Либан ҳам ич-ичидан уяларди. Қаранг-а, шу ёшида, жамиятда эгалаган мавқеига қарамай, бир қарич боланинг ортидан айғоқчилик қилиб юрса, унинг олдида титраб-қақшаса-ю, ҳеч нимани билолмаса! Бу шумтака, бирдан оғзидан гуллаб қўйса-чи! Тамом бўлдим деявер! Иккала хонадоннинг осойишта ҳаётига путур етади, қолаверса, судьялик лавозимида ўтириши ҳам гумон бўлиб қолади. Тақдири – шу лаънати боланинг қўлида. Ҳинг деса – тамом, бугунми-эрта Либаннинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Йўқ, бу нимаси, ахир! Ҳатто у ўзи йўлдан оздирган аёлнинг зурриёди бўлса ҳам, бунақа даъво қилишга ҳақи йўқ!

Судья Либан эндиликда бундай айблар учун одамлар эмас, жамият жавобгар деб ҳисоблашга мойил эди. Яна шу жамият аллақандай талаблар қўйишига ўлайми! Кимнинг номидан? Шацнинг номидан эмасми ишқилиб? Аслида, икки ёшнинг муҳаббат шаробидан лаззатланиб яшаш орзусини барбод қилиб, уларни хиёнат ботқоғига итариб юборишга бу шарти кетиб, парти қолган чолнинг ҳақи йўқ эди. Ўғил – бошқа гап! Унинг-ку, даъво қилмоққа ҳақи бор. Аммо нима деб даъво қилади? Ўзи нимани билади у? Минг айлантирма, ўша жумбоқ, ўша жумбоқ! Либан болани ёмон кўриб кетди.

– Вольф жуда камҳаракат бўлиб боряпти, – деди кунларнинг бирида Либан Эммага. – Китоб жиннисига айланиб қолмасин яна! Чиниқиш ўрнига уйдан кўчага чиқмайди, бу қанақаси!

Пировардида Вольфхен гимнастга айланди, бойскаут бўлди ва ҳатто “Ватан ўғлонлари” уюшмасига кирди. Боланинг бир дақиқа ҳам бўш вақти қолмади-ю, севишганлар доимий хавфдан фориғ бўлиб, енгил нафас олишди. Бу орада, ҳамманинг бахтига, Вольф эр етиб, куч-қувватга тўлди. Либаннинг қизлари ҳам ўсиб-улғайиб гул-гул очилди. Тўнғичи Инга Вольфга турмушга чиқиши лозим эди – тўғри, фақат ўқишни тугатиб, оёққа туриб олгандан кейин. Бу режа аввало Эммани қаноатлантирар эди. Гуноҳини ювишга қулай фурсат келганини ҳис қилган она, фарзанди бекаму кўст оила қуришига шароит яратиб бермоқчи ва шу билан севгилисини деб Вольфхенни болагидида нимаданки маҳрум этган бўлса – ўша кемтикларни тўлдирмоқчи эди-да. Назарида, ўғлига жазманининг қизини никоҳлаб қўйса, ўзи мажбурликдан амал қилолмаган, лекин ўғлига сингдириши шарт бўлган муқаддас ахлоқий қоидалар тантана қилган бўлур эди.

Шацнинг тез-тез тоби қочиб турар, Либаннинг хотини ҳам ундан қолишмас эди. Иккаласи-да деярли уйдан чиқмасди ва севишганларнинг шу ёшда ҳам кўнгилхушлик қилишига халал бермасди. Улар ҳафта давомида бир неча марта кўришарди. Ўзлари бир оз кенгайтириб, дид билан безатган шинам ва қулай ошиёнлари уларга ўз уйидан-да чиройли, ёқимли кўринарди. Бирон баҳона топилса, айтайлик, шошилич сафар ёки йиғилиш чиқиб қолса, бўш оқшомларини шу ерда ўтказишар эди. Баъзан Либан куппа-кундузи ишхонасидан, Эмма эса уйидан чиқиб кетар ва ўша гўшага ошиқарди. “Жонгинам”, дея эркаларди Эмма севгилисини: Шацга-ку ўлақолса бунақа демасди. “Сен ҳеч қаримагансан”, дерди у фахрланиб доим. Бир гал Эмма оқ оралаган сочини бўямоқчи бўлганда, Либан қаршилиқ қилди.

– Сен ҳеч қачон, ҳозиргидек – бир-биримизга етишган шу кунлардагидек жозибадор, дилбар бўлмагансан, – деди у маъшуқасининг дуркун, бенуқсон қадди-қоматига суқ билан тикилар экан, иккиси ҳам истаган чоғи бир-бирининг васлига тўя олишидан мамнун илжайиб.

– Илгари биз тажрибасиз, ёғур эдик, ниманинг ҳам қадрига етардик... Эҳтимол, бир-биримизга хиёнат ҳам қилган бўлардик ўшанда. Лекин, мана бугун маълум бўляптики, бекорга шунча вақт кутмаган эканмиз. Нақадар тотли, нақадар гўзал бу ҳаёт!

Улар ҳақиқатан ҳам бахтиёр эди. Бироқ орада уруш бошланиб қолди. Шац уруш охирлагунча яшамади. Дунё кезиб орттирган тажрибаси уни анча зийрак этиб қўйганди: бу уруш халқни қон қақшатади, деб башорат қилган эди чол. Кўп ўтмай, илк талафотлардан сўнг у вафот этди. Унинг таъзияномаси “Сўнгги нафасига қадар ватанпарвар бўлиб қолди”, деган сўзлар билан тугар эди.

– Чол хавотирдан ўлди, – деди совуққонлик билан Вольф, – топган шунча бойлигидан айрилиб қолишдан кўрқарди у.

Яшаш тобора оғирлаша борди. Шац олдиндан сезган экан: майда ва ўрта акциядорларнинг шўри қуриди. Уруш уларни хонавайрон қилди, аммо ҳукумат жорий этган қонун-қоидалар урушдан-да қалтис ва машаққатли эди. Либан пул билан боғлиқ ишларда кўзи пишиб кетган бўлса ҳам, уddaбурон эмас ва шароитга тез мослаша олмас эди; ўзига, Эммага деб маълум бир вақтгача зўр-базўр озроқ сармояни сақлаб келди. Бироқ икки оиланинг рўзгорини тебратишга кучи етмади: мўлжалдан адашди, тўғри йўл қолиб, сўқир одамдек пайпасланиб, тимирскиланиб, янги-янги кўнгилсизликлар сари кетаверди. Охир-оқибат бор-будини бой бериб, қадрсиз қоғоз – машигагина қараб қолди. Судьяларини тақдир измига итқитиб юборган давлатга бундан буён умид боғлаш, ундан нажот кутиш бефойда эди.

Жазманидан фарқли ўлароқ, Эмма бор-йўғидан айрилмади. Охирги дақиқаларда мен берган маслаҳатга эмас, ўғли кўрсатган йўл-йўриққа юргани унга асқатди, деб тан олишдан ўзга иложи йўқ эди Либаннинг. Ўша бола том маънода ишбилармон бўлиб етишган эди! Ҳали она сути оғздан кетмаган, ҳеч вақоси йўқ бўз йигитчалар бу ола-тасир замонда ўзини сувга тушган балиқдек ҳис қиларди. Телба даврнинг чин ўғлонлари! Вольф хандақларни кўрмади – уруш бошланганда ёш бола эди, бироқ ана шу оғир, машаққатли йиллар уни ҳазилакам чиниқтирмади. Унинг ошиғи янада олчи бўлиши ҳам кундай равшан эди! Балоғатга етмай туриб, шахсий машинасида юрарди. Боз устига, у янги жорий этилган тартиб-интизомни ҳимоя қилишда ҳеч нарсадан тоймайдиган ташкилотлардан бирининг раҳбарига айланди. Нимасини айтасиз, зап яхши тартиб экан-да! Қисқаси, у бирор идорага бўйсунмас куч яратган эди. Ҳарҳолда куч билан ҳисоблашишга тўғри келади, итоат этмаганнинг ҳолига вой.

Либан путур етган обрўини тиклаш учун сўнги имкониятни ишга солмоқчи бўлди. Худди ўша пайтда Вольф туғилиб ўсган уйдан кўчиб кетмоқчи бўлаётганди. Унинг бугунги мавқеи, умуман, ҳаёт тарзи кўҳна хонадондаги тартибларга мувофиқ эмас эмиш.

Либан йўлини тўсди: у васий сифатида болани ахлоқ тузатиш муассасасига қаматишга ҳақли!

– Мени-я! – деди энсаси қотиб Вольф. – Шунча таниш-билишим бўлатуриб-а? У ерда бир кун ҳам ўтирмайман! Ким кўпроқ зарар кўраркан бундан, қани?! Тўғриси айтсам, менсиз бирор иши битмайдиган одамларга қийин бўлади. Амаки, сиз биронта одамга рўзгор қилиб берганмисиз ўзи?!

Сирида туришга ҳар қанча тиришмасин, барибир лавлагиси чиқиб кетди: Вольфнинг дўқ-пўписаси ўз ишини қилди. Судья мағлуб бўлганини яшириш учун панд-насихат ўқишга, танбеҳ беришга ўтди, аммо толеи паст одамни ким писанд қиларди? Омад дегани ҳамма замонларда асосий мезон бўлиб келган, ҳозир эса қаёқдаги тирранчаю жўжаҳўрозлар, тайинсиз кимсаларнинг омади чопган! Либан округ судининг раиси лавозимига тайинланди. Ўзининг янги лавозими курсисида ўтириб, у чин йўлдан адашган ўнлаб бандаларни кўрди. Бироқ озодликка чиқар-чиқмас улар дарров омади келиб бойиб кетар ёки бирор лавозимга кўтарилар эди.

Фақатгина у, судья, лақиллаб қолаверди. Дарҳақиқат, у ҳеч кимни, оқимга қараб сузиб бораётган мулоҳазасиз ёшларни-ку турган гап – боқолмаган!

Назарида, тўнғичи Инга, яхши оиланинг қизи бўлгани боис, ўзи тушуниб олиши керак эди: модомики, отанг камбағаллашиб, фақирона яшайсанми, лоақал зоҳиран одамшавандаликка риоя қилишинг шарт. Ҳар қалай бир замонлар ана шундай қилинарди. Энди-чи? Отаси қатъиян ман этганига қарамай, Инга янги очилган шубҳали бир фирмага хизматга кирди. Қизининг даромади, анча бўлди, отаникидан ошиб кетди, лекин шу ҳам унга кам: ғарра-шарра еб-ичиб юриши ўзга ҳамёнидан таъминланар, қайси ҳамёндан эканини эса фаҳмлаш қийин эмас эди.

Ота-оналари балоғат ёшидаги фарзандларининг бу қадар яқин бўлиши, ишқий муносабатларга берилишига йўл қўйилиши яхшиликка олиб бормаслигини билсалар-да, бунга қаршилик қилишга кучи етмасди. Улар ота-она гапини сариқ чақага олмас, билганидан қолмас эди. Шунчаликка боришган эдики, ҳеч нимани ўйламай, ташвишини қилмай тараллабедод яшар, орқа-олдига қарамай пул сарфлар, ҳолбуки, эски замонда бу пулга катта зиёфат уюштириб, тумонат одам чорласа бўлар эди. Ишбилармонликлари ҳам шу ҳаётига монанд эди: на уят, на инсофни билишади! Либан Ингани инсофга чақириб қўйиш ниятида кўнглидаги гапларни айтган эди, қизи шартта кесди:

– Дада, алмисоқдан қолган гапларни қўйсангиз-чи!

Ўта нозик муносабатнинг оддийгина натижасими бу? Бўлиши мумкин эмас! Унинг Вольф билан муносабати бутунлай бошқача, ўзига хос; йигитнинг жазмани шундоқ ҳам ошиб-тошиб ётибди. Қиз ҳаммасини танир эмиш! Шу гапларни тап тортмай касалманд онаси олдида айтяптими? У шўрлик нима дейишни билмай, охири ўзини ҳеч нимани эшитмаганга солиб қўя қолди. Ота нима қилсин энди, хўш? Бемор жанжал-тўполонни кўтаролмас! Устига-устак, қизини маломат қилишга маънавий ҳақи борми унинг?

Шармандалик, тубанлик ҳам шунчалик бўладими! Ўйласанг, этинг жунжикиб кетади! Либан энди камроқ ўйлашга, энг ёмони – имкон қадар қаршилик кўрсатмасликка ҳаракат қиларди. Бу ҳам майли, ота-она бебош болаларини ўз ҳолига қўйиб беришга рози: билганидан қолишмасин, фақат пулни исроф қилишмаса бас! Либан касалманд хотинига ўхшаб, кўнгилсизликларга аҳамият бермайдиган бўлди. Бироқ кенжа қизи Эффи бир кун ўрни келганда бор гапни унга оқизмай-томизмай айтиб берди.

– Чшш, секинроқ, касал ётган онангни аягин ҳеч бўлмаса, – деб ёлворди Либан ва ётоқхона эшигига кўз қири билан қараб қўйди.

У ҳатто Эффига сўзини ўтказмади. Ҳолбуки, унга ҳам ишониб қийин. Бир куни Эффини дераза олдида, кўчадан ўтиб кетаётган гимназист билан кўз қисишиб турганида ушлаб олган. Либан хонадонини ошиқ йигитчалар ҳужумидан кўксини қалқон этиб ҳимоя қилганди. Албатта, бу – бачканаликдан бошқа нарса эмас, ташвиш чекишга ҳожат йўқ, хаёлида шундай туюлибди. Аммо бир куни эрталаб Эффи нонуштага бир ўзи чиқиб келди.

– Инга қани?

– У ҳали келмади.

– Нега келмайди? – деди Либан бамисли девордек оқариб.

Эффи бамайлихотир тақсимчани олдига сурди.

– Нима бало, кармисан? – деб ўшқирди Либан ва столга мушт урди.

– Вой худойим-ей, дадагинам, нега ҳаяжонланасиз?! – деди кенжа қиз елка қисиб. – Инга таътилга чиқаман деб юрганди. Қаерга кетди, ким билан, билмайман. Ўзингиз, катталарнинг ишига аралашма, демаганмидингиз?

Отаси унга ялинди-ёлворди. Ниҳоят анчадан бери ўзи тусмол қилиб юрган ҳақиқатни қизининг оғзидан эшитди.

Либан Эммага қўнғироқ қилди. Улар ўша куниёқ “уялари” да учрашишди. Судья шу ердагина бунақа оғир зарбани кўтаришга ёрдам бера олгучи таскин-тасалли топаман, деб ишонган эди. Ахир, унинг дунёда Эммадан бошқа ғамхўри борми!

– Биз қариганда ҳам бир-биримизга суянамиз. Билганларини қилишсин – бизни ажратолмайдилар!

У Эмманинг қучоғига отилмоқчи эди, лекин нажот париси бўлмиш уялдими, ҳарқалай кўзини олиб қочди. Либаннинг бояги ишончидан асар ҳам қолмади. У беихтиёр кўнглига тугиб қўйган гапни айтди:

– Ҳаммасига чек қўйиш керак.

Бироқ юз берган ҳодисалардан йигитчанинг онаси қизнинг отасига нисбатан ўзгача хулоса чиқарди.

– Шу чоққача кўп нарсаларни хаспўшлаб келдик, энди жанжал қилишдан нима маъни?

Қизнинг отаси юзини шартта дераза томон бурди.

– Қизимнинг иффати... – дея гап бошлади у бор журъатини йиғиб, бироқ ўша заҳоти дами ичига тушиб кетди. Гапиришдан фойда йўқ; қизини йўлдан оздирган йигитчанинг онаси унинг аҳволини тушунишни жилла истамасди. Либаннинг кўз ўнги қоронғилашди. У иккала қўли билан бошини чангаллаганча ҳолсизланиб курсига чўқди.

– Тўғри, буни кўтариш осон эмас! – деди тилёғламалик қилиб аёл.

Лекин на чора! Энди уларнинг тақдирга тан беришдан ўзга иложи йўқ. Боёқиш қизга раҳми келсин, унга қаттиқ жазо бермаслик керак. Ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси – шунақа. Улардан нима кутиш мумкин! Эмманинг ўзи бир амаллаб ўғлини йўлга солиб олади.

Либан Эмма қачон фарзандларимизнинг қонуний никоҳи ҳақида гап очаркан, деб анчадан буён кутиб юрарди. Бироқ бу ҳақда гапиришни у хаёлига ҳам келтирмасди, мана ҳозир Либан бирдан сабабини тушуниб қолди. Ахир, Инганинг сариқ чақаси йўқ-ку! Шундай бўлса ҳам Эмма ўғлини уйлантиришга рози, Либан, ҳарқалай шундай хаёллар билан ўзини юпатди. Бироқ бу аёл суюқоёқ ўғлига гапини ўтказолмаслиги аниқ. Аввало жазманига, қолаверса, ўзига ачиниб баттар юраги эзилди Либаннинг. Улар хайрлашаётганда, Эмманинг чеҳрасида алланечук мужмал, мубҳам, жирканчгина ифода пайдо бўлди, бироқ хушторининг

ғамгин қиёфаси унинг кўнглини юмшатди. У дунёда энг яқин одамим деб ҳисоблаган дўстини қаттиқ қучоқлади.

– Ахир, ўзимиз ҳам бегуноҳ эмасмиз-ку, – деди аёл таъсирчан овозда. – Ҳеч нарсага парво қилмасдан бир-биримизни севмаганмизми? Бечора болалар, ўзимизга тортганини хаёлига ҳам келтиришмаяпти.

Либан ишонмади: хаёлларига келтирмаслиги мумкинми? Бироқ Эмма бу хусусда буткул хотиржам эди – ўз онасидан шубҳаланиш Вольфнинг тушига ҳам кирмасмиш.

Бир неча кундан сўнг, ҳеч нарса кўрмагандек Инга уйга қайтди.

– Салом, дадажон. Мен Вольф билан Венага боргандим.

– Тузукроқ баҳона тополмадингми? – деди Либан нафаси сиқаётгандек ёқасини тортиб.

– Хуллас калом, энди сизнинг хабарингиз бор, – деди Инга. – Бошқа ҳеч кимга оғиз очмайман. Ташвиш чекмаслигингиз мумкин, дадажонгинам!

– Ол-а, жонкуярликни қаранг! – деди бўғилиб Либан. – Ҳа айтганча, сизлар бу нарсаларга бошқача қарайсиз-ку, топдимми! Биз ёшлигимизда бунақа номаъқул ишлар қилмасдик...

– Мунофиқликни афзал билган ҳолда, – деди Инга шартта унинг гапини кесиб.

– Агарда, мен ҳар нечук оталик ҳуқуқимдан фойдаланадиган бўлсам... – дея ўзини зўрға тутиб турган судья сўнги марта кўнглидаги гапларни айтишга чоғланди.

– У ҳолда, афсуслар бўлсинки, йўлларимиз ажралади, – деди Инга юмшоқ, лекин қатъий оҳангда.

Либан илк бор самолёт ойнасидан пастга қараган одам каби чуқур энтиқди.

– Сен лоақал жазманингга турмушга чиқиш пайдан бўлсанг-чи! – дея олди холос.

– Бўлмайди! Жабрини Эффи тортади. Чунки кейинги гал унинг навбати, шундайми?

– Қойил! Ҳаммаси тушунарли. Бундан расвоси бўлмайди! – деб қичқирди ота ақлдан озгандек. Лекин айна чокда енгил тортганга ҳам ўхшарди.

Инга сергакланди.

– Сизга нима бўлди, дадажон?

– Менгами? – дея хириллади у тантанавор. – Ниҳоят мен жазомни олдим. Ўт тушсин ҳаммасига! Қанча тез бўлса, шунча яхши! Кўлингиздан яна нима келади? Мендан ўчингизни олаверинг!

Кимдан ва нима учун ўч олиш кераклигини ўзи ҳам билмасди. Поймол бўлган ёшлиги учунми? Ёки хун бўлган қалби учунми? Уни хонавайрон ва шарманда қилганлардан ўч олишсинми? Кўнглидаги ҳис-туйғулари алғов-далғов бўлиб кетди. Кўз очиб юмгулик лаҳзада минг йиллик ахлоқий кишанлардан халос бўлган судья ҳозир ҳар нарсага тайёр эди.

– Мени ҳам эсингдан чиқарма. Кел, бағринга бос мени, нуридийдам! – деди у жазава ичида чинқириб.

Қўрқиб кетган қизи ортига тисарилди. Бироқ Либан қалбида туғён урган вулқон тезда сўнди. У юраги кўтаролмай қолишидан хавотирланиб каравот сари юрди. Назарида, катта бахтсизлик юз бериши муқаррар эди ва бундан баттарроғини кутарди. Чиндан ҳам, кечқурун Эмма кўнғироқ қилиб, тезда етиб келишини сўради. Қаттиқ ҳаяжонланганидан у аранг гапирарди. Аввалига Либан тоби йўқлигини рўкач қилиб, боролмаслигини айтди. Ўтган сафар узоқ ялинтиргани учун Эммадан аламини олмоқчи эди-да. Аммо кейин боришга ваъда берди.

Ярим кечага яқин улар кимсасиз, тор кўчада учрашишди, ўғридек яшириниб, пусиб, жонсарақ сукунат қўйнида нотаниш ва бегона туюлаётган уяларига етиб олишди.

Баҳайбат соялар, девор сатҳида сирғалиб, улардан олдинга чўзилиб ўтди-да, зина суянчиқлари орасида ғойиб бўлди. Улар қотиб қолишди. Қочиш керак! Ҳеч нарсага қарамасдан!

– Юр! Шарпалардан қўрқиб ўтирамизми? – деди судья.

Ичкарига киргач, барибир ҳамма кунжакларни текшириб чиқишди – иккови ҳам гўё қолиб кетган нарсасини излаётгандек тутарди ўзини.

– Хўш, нима бўлди уйингда? – деди Либан. Бу саволни неча марта такрорламасин, жавоб ололмади. У ўгирилиб қаради, Эмма хона ўртасида серрайиб турар, юзида рўй берган машъум воқеа ифодаси қотиб қолганга ўхшар эди.

– Э худо! Сенга нима бўлди, жонгинам? – деди Либан. Унинг товушидаги самимият Эммани ҳушига келтирди.

– Унга менинг пулим керак эмиш, – деди кўзёшларини тўхтатолмай.

Эмма ўкраб юборишдан ўзини зўрға тиярди. Нима гаплигини билгунча Либаннинг она сути оғзига келди. Ўғли бор-йўқ пулингни берасан, деб талаб қилаётган экан! Бу сафар иши ўнгидан келмай, Вольф катта зарар кўрибди. Улар Венага кўнгилхушлик қилиш учунгина боришмаган экан. Бу ҳам баҳарнав. Акс ҳолда, у ерда босар-тусарини билмай, нималар қилишмасди, ҳозирги ёшларни биласан-ку! Хуллас, у таваккалига чайқовчилик қилишга киришиб кетган ва оқибат хонавайрон бўлган, энди онасининг бисоти билан қарзларини узмоқчи эмиш! Бу нима кўргилик, ахир!

Сочлари тўзгиган, кўзлари бежо Эмма стулларга қоқилиб-суқилиб хонада у ёқдан-бу ёққа кезар, нима қиларини билмас эди. Либан уни тинчлантириш учун айтган ҳар битта гап эса оловга мой сепгандек бўларди. Ҳа, ўзининг пули, хоҳлаганича йўл тутиши мумкин, албатта. Бироқ пул кун сайин қадрсизланыпти, бу аҳволда уни сақлаб қолиш амримаҳол. Вольфнинг ёрдамисиз эса у ҳеч нима қилолмайди. Аммо у менга тўлиқ ваколат берасиз, деб талаб қиляпти, акс ҳолда ташлаб кетар эмиш. Эртага эрталаб узил-кесил жавоб айтишим керак. Йўқ дейиш – бефойда! Вольфдан омад юз ўгиргани чатоқ бўлди. Ҳаммаси барбод бўлиши мумкин! Тамом! Адойи тамом бўлди! Кафангадо!

Либан унинг гапини тингларди-ю, ўз хаёллари-ла банд эди.

“Худога шукр, бундай даҳмазалардан нариман, – деб ўйларди у, – буларнинг барини бошдан ўтказдим. Менинг маҳрум бўлишдан қўрққулик

пулим йўқ энди, лекин сени тушуняпман, шўрликкинам! Сенга ўхшаган тошбағир эмасман мен! Камситилган, хўрланган отанинг ғами сенга заррача таъсир қилмаган эди-ю!”

Эмманинг оҳ-воҳи унинг асабига тега бошлади.

“Пул деб бунча ўз қадрини ерга урмаса, умидсизланмаса! Қолаверса, унга қанақа қилиб хайрихоҳлик билдираман, ўзим бир тийинга зор бўлсам...”

Кўнглига келган шу фикрдан беихтиёр кулимсиради ва бирдан бу кулгиси сўнги учрашувлари чоғи Эмманинг лабида кўрган табассумдек разилона эканини пайқаб қолди. Либан бу қилмишидан ўзи уялди, аммо ортиқ маъшуқасининг олдида қололмаслигини ҳис қилиб, кўшни бўлмага чиқди.

Шу пайт машина овози эшитилди – у уй ёнига келиб тўхтади. Кўча эшик тарақлаб очилди. Ошиқ-маъшуқ бир-бирига қараб югурди ва остонада туриб қолишди. Тунги меҳмон ҳали нарида эди-ю, бироқ ана-мана дегунча у шу ерда пайдо бўлади. Пастдаги кимса эҳтиёткорликни хаёлига ҳам келтирмасди – унинг гурсиллаган қадам товуши сукунат қоплаган уйда бўғиқ эшитиларди. Либан Эммага юзланди ва унинг кўзида ўз кўркувининг аксини кўрди. Қочиб керак! Улар қўл ушлашиб олишди. Қулф шарақлаб очилди – ана, у уйга кирди. Зинадан югуриб чиқиш ёш, кучга тўлган йигит учун нима бўпти! Яна бир лаҳзадан сўнг хонанинг қўш табақали эшиги ланг очилди. Йигит таққа тўхтади. Қаршисида оқ оралаган сочлари тўзғиган онасию унинг қўлидан маҳкам ушлаб олган чол турар – иккови ҳам эсанкираган, рангида ранг қолмаган эди. Вольф нафасини ростлади.

– Ана холос! Лекин тўғри қилибсизлар. Салом, амакижон! Ишончим комилки, ҳаммасиний муҳокама қилиб олгансизлар. Хўш, ойи, ишончнома ёзиб берасизми?

Кексалар чурқ этмади. То улар ўзини йиғиштириб олгунча, Вольф кутилмаган ташрифи сабабини айтди.

– Очиғи, бугуноқ бежавотир кулбангизда кўришишингизни кўнглим сезганди. Менинг калитим бор: анча бўлди, ойи, сизникидан кўпайтириб олган эдим. Уни ўзингизга топшираман, энди менга керак бўлмайди.

Эмма вақтдан ютишга беҳуда уринар, бироқ бир оғиз гапиролмас, фақат қуруқшаган лаблари қимирлар эди, холос. Шунда судья жонига ора кирди.

– Сен ўғил эмас, газанда экансан, – деди у захрини сочиб. – Нима, қарзингни олгани келдингми? Аммо билиб қўй, ҳатто кредиторнинг бунақа қилишга ҳаққи йўқ!

Йигитча кулиб юборди.

– Сазангиз ўлмасин! Ўғил эмас, кредитор бўлсам бўлибман! Яна қанақа кредитор денг! Кўнгли тусаганини ундириб оладиган кредитор!

– Йўқол! Пасткаш! Онангдан ҳозироқ кечирим сўра ёки кўзимга кўринма! – деб бақирди судья.

Вольф баттар қаҳ-қаҳ урди.

– Чакки эмас! Ҳали сизлар тавба қилиш ўрнига, мен кечирим сўрайинми? Сиз ўзи қаерда турганингизни эсдан чиқариб қўйдингиз чоғи?

У хонага кўз югуртириб чиқди. Кексалар типирчилаб қолишди. Вольф уларнинг шу пароканда аҳволидан фойдаланди.

– Мен бу ерга иш билан келдим. Бунақа ишларда ҳиссиётга берилиш ярамайди. Менга дағдаға қилгандан кўра, Либан амаки, оймга тушунтирсангиз бўларди. Гап шу: шартларим тўла-тўқис бажарилиши керак – бошқа йўл йўқ.

Кекса судья яна ҳужумга ўтмоқчи бўлди:

– Кўп хомтама бўлма! Бутун куч-қувватим, обрў-эътиборим, мартабамни ишга солиб бўлса ҳам бунга йўл қўймайман.

Унинг бу дағдағаси иш бермади.

– Қанақа обрў-эътибор? Қанақа мартаба? Шуларингиздан ҳеч наф кўрдингизми? Қанча топдингиз, айтинг! Мен бошқа йўл билан пул топаман.

– Қанақа йўл билан пул топишингни яхши биламиз, – деди Либан бўшашиброқ. Лекин ўша заҳоти яна Вольфга ташланиб қолди. – Турқингдан фариштага ўхшайсан! Кўринишинг беозоргина йигитча, юрагинг эса эски замонлардаги қулжаллоблар юрагидан фарқ қилмайди. Қўйиб берса, оқ сут берган онангни ҳам, болалиқдан битта майизни бўлиб еган дўстингни ҳам сотасан. Сен ўзинг ётган беланчакни тан олмайсан! Нобакор! Барча муқаддас эҳромларни оёқости қилиб, вайронага айлантириб бўлдинг, яна машинангда ҳеч нарса қилмагандек юришингни қара! Одамлик сиёфинг қолмаган сенинг! Ўша темир араванга ўхшаб жонсиз, ҳиссиз бўлиб қолгансан.

Нафрат чолнинг тилини ечиб юборганди – Эмма ишни расво қилмас эди, дея унинг енгидан тортарди. У иккинчи қўли билан ўғлининг елкасидан кучмоқчи бўлди. Бироқ кечикди, Вольф бошини шахт орқага ташлади-да, бировни фош этишга чоғланган нотиқ қиёфасига кирди: ғайрати ва ўктамлиги туфайли у гўё ёшлик тимсолидек туюларди.

– Шундай бўлишини олдиндан билгандим. Вайроналар деяпсиз-а! Дунёни ким вайронага айлантирди? Менинг тенгдошларим – бутун бир авлодни мана шундай вайроналарда яшашга ким гирифтор қилди? Сизлар!

– Бунақа хулосалар исбот талаб қилади. Мана шунинг ўзи ғўрлигинг, гумроҳлигинг далилидир! – деди тишини тишига қўйиб судья, бироқ ҳазар қилгандек афтини ҳар қанча буриштирмасин, ранг-рўйи тобора оқариб борарди.

– Қанақа эканимни ўзим биламан, – деди жарангдор овозда йигитча. – Сизлар мени фақат вайрон қилишга ўргатдингиз! Агар барини юрагимга олганимда нима бўларди? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Шукрки, унақа латталардан эмасман. Мен, ҳатто сизларни ҳалокатдан сақлаб қолишга тайёрман. Сизлар энди ҳеч нарсага қодир эмассиз! Қўлингиздан биронта иш келмайди! Тарих сизни ҳеч қачон кечирмайди, чунки ҳалокат тегирмонига сув қуйдингиз. Энди бўлса эсингизни йўқотяпсиз. Сизлар кутган ягона нажот – биз! Ҳа, биз – ўша ҳиссиз, машинага айланган, ҳамма нарсага лоқайд ёшлар! Худо бизни заминга сизнинг ғанимларингизни яксон қилиш учун юборди. Сиз яратган ўша тартиб-интизом биз туфайли сақланиб турибди! Яна озгина кечиксак тамом – сизлар ўша тартиботни яксон этардингиз. Шундан кейин ҳам, бизларнинг тутумимизга норозилик билдирасиз-а?!

– Жим бўл! – дея ёлворди онаси.

У хуштори оёғида аранг турганини, бир оғиз ҳам сўз айтолмаслигини пайқади.

Йигитча бир он тўхтади. Оқариб, буришиб кетган юзидан бу қари-қаранглардан кўра кўпроқ азоб чекаётгани билинарди. Унинг юраги тез-тез ура бошлади, оғзидан чиққан шафқатсиз гаплардан қўрқиб кетганди. Лекин ўзини тўхтатолмади: сўзлар оғзидан лава каби отилиб чиқаверди.

– Биз сизларга ўхшаб мунофиқлик қилмаймиз. Нарсаларни ўз номи билан аташдан ор этмаймиз, лекин шундай тубан ишлар борки, биз асло ўзимизга эп кўрмаймиз. Мол-мулкка эга бўлиш мақсадида уйланмаймиз. Бир-биримизни алдамаймиз. Пинҳона бузуқчилик қилмаймиз! Қолаверса, бунга хожат йўқ! Биз ахир нимаимизни йўқотардик, қаранг, бу ҳам сизларнинг тарбиянгиз! Биз тўғри одамлармиз ва кўзингизга тик қараб туриб ҳақиқатни айтишдан чўчимаймиз. Сизлардан ҳам, ҳаёт тарзингиздан ҳам ҳазар қиламиз биз.

Вольф онасининг ёлворгудек ўзига узатилган қўлини сезмади ҳам. Шунда Эмма энг сўнгги чорани ишга солди.

– Наҳотки дунёда сен учун муқаддас нарсанинг ўзи қолмаган бўлса! – дея эшитилар-эшитилмас шивирлади у.

Бироқ Вольфни энди ҳеч қанақа куч тўхтатолмас эди:

– Бу ерда, мана шу хонада сизлар ўн йиллардан буён одамлардан ва уларнинг ҳукмидан яшириниб юрдингиз. Тўғрироғи, тўққиз йилу тўққиз ой ва яна беш кун. Ўша кун ҳеч қачон менинг хотирамдан ўчмайди. Мен ўта таъсирчан бола эдим...


Телбаларча инграган овоз эшитилди. Кампир ўзини орқага ташлади. У каравот ёнига етиб борган замони тиззалаб қолди ва оппоқ бошини ёстиққа қўйди. Ўз сўзларидан сархуш бўлган Вольф, қизариб-бўзариб, муштини тукканча ўзига ташланган қария билан юзма-юз қолганини сездди. У чолнинг қалтираётган бемажол қўлини қийналмасдан қайтарди ва паст овозда, лекин чертиб-чертиб гапирди:

– Қари зинокор! Сен ўз қизингнинг ҳам номусини поймол қилмоқчи бўлгансан.

Даҳшатга тушган судья ортига чекиндию қоронғилик қўйнида ғойиб бўлди. Йигитча тимирскилаб уни ётган жойидан топди. Чол юз тубан ётар, нафас олмасди. Вольф бунақа воқеаларга кўп бор шоҳид бўлгани учун гап нимада эканини дарҳол фаҳмлади: у бундан баттарини ҳам кўрганди. Онаси хушига келиб, ерда ётган судьянинг устига ўзини отмасидан бурун Вольф уни чалқанча ётқизди-да, бўйин томирига бармоғини босди.

– Тирик, – деди у бепарволик билан. – Қани, қўйворинг уни ойи, каравотга ётқизиб қўяман. Яхшиямки, менга мушт туширишга улгурмади. Акс ҳолда, ўзим жонини суғуриб олардим. Лекин, сизнинг ҳурматингиз ҳаққи, бунга қўлим бормади.

Олим ОТАХОН таржимаси



UCH PORTRET TARIXI

1974 йил аввалида “Илҳом” ёшлар ижодий клубида расом Азиза Маматованинг илк рангасвир асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма чоғи мусаввир Шухрат Абдурашидов Азизахонни шоир Рауф Парфи билан таништиради. Шоирнинг нигоҳидан ақли теран, табиати юмшоқ экани аён билиниб турар, бироқ унинг кўзлари гоҳ-гоҳ киноя-ла чақнаб кетарди. Рауф Парфи одми кийинган эди: эгнида – оқ кўйлак ва жинси шим. Теварагидан ижодкор ёшлар аримас, айримлари шу ерда ҳам шеърий машқларини унинг назаридан ўтказиб олишга ошиқарди.

Ўша куни Рауф Парфи билан Азиза Маматова ёшлик даврида сиёсий қатағонга учраган жафокаш адиб Шухратни бирга зиёрат қилишга келишиб олади.


Улар Шухрат хонадонида беш соатдан ортиқ қолиб кетадилар. Суҳбат санъатнинг боқий қонуниятлари, тутқунлар лагеридаги аянчли ҳаёт, 70-йиллар ўзбек ёш ижодкорларининг шижоатли изланишлари ҳақида боради. Адиб “Олтин зангламас” китобига “Халқимиз ардоғида азиз ва мукаррам бўлиб юринг”, дея дастхат битиб, расомга тўхфа этади. “Бу тилак мени умр бўйи бетиним ижодий изланишга ундади”, дейди ўша учрашувни хотирлаб мусаввир.

Азизахоннинг Рауф Парфи билан самимий дўстлиги, ижодий мулоқотлари унинг ҳасос шоир портретини яратишига сабаб бўлди. Портрет бўз матога мойбўёқ билан чизилган. Картинада шоир қўлларини кўксида чалкаштирган бир ҳолатда тасвирланган. Рухшунослар фикрича, қўлларни кўкрак устига бу тарзда қўйиш инсоннинг ташқи таъсирлардан ўзини муҳофаза қилмоққа чоғланганини англатади. Шоирнинг ортида бепоён осмон ястаниб ётибди. Картинанинг қуйи қисмида қуёш нурида товланаётган тоғ тизмалари, юқори қисмида эса чорчўпдан шиддат-ла учиб чиққудек туюлувчи оч пуштиранг қуш тасвири. Рауф Парфи маҳзун ҳазил қиларди: “Менинг руҳим бир кун қушдек, зада жисмимни тарк этажак...”

Портрет ҳозир Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи мулки ҳисобланади.

Азиза Маматовада халқчил шоир Муҳаммад Юсуф портретини яратиш нияти 2001 йилда туғилган эди.

Икки ижодкор талаба-ёшлар уюштирган ижодий кечаларда тез-тез учрашиб турар, шоир баъзан расомдан ҳазил аралаш “Қачон портретимни чизасиз?” деб сўраб қоларди.



Муҳаммад Юсуф қўқис дарддан вафот этиши кимнинг ҳам хаёлига келибди, дейсиз! Энди мусаввир шоирнинг турмуш ўртоғи Назира ас-Салом далдаси-ла ўзи ният қилган ўша портретни чизишга киришади. Назираҳон бир неча кун рассом устахонасида Азизаҳон билан ҳамнафас бўлади. У Муҳаммад Юсуф шеърларини ҳазин оҳангда шивирлаб ўқир, мусаввир эса қилқалам билан шоир сиймосини рангларда жонлантирар эди.

Картина бўз матога мойбўёқ билан чизилган. Унда шоир ўнг қўлини пальтоси ичига тикқан, чап қўлини эса хиёл кўтарган кўйи чуқур хаёлга чўмиб турибди. Балки янги бир шеър дунёга келаетгандир шу тобда. Шоирнинг кумуш қиров инган сочлари паришон тўзиган. Боши узра эса унинг рафиқаси қиёфасида муҳофиз фаришта оппоқ қанотларини ёйиб турибди.

Рассом асарни ўн йил давомида қайта-қайта ишлади ва уни талай бадий деталлар билан бойитди. Бирок, муаллиф фикрича, картина ҳали ҳам тугалланган эмас.



Буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов портретини эса Азиза Маматова XX аср охирларида чиза бошлаган. У Павел Беньков номидаги Рассомлик билим юртида ўқиб юрган илк ёшлик кезлариёқ бу улуг сўз санъаткори асарларини суйиб мутолаа қилган эди. Айтматовнинг бадий олами ўзининг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан Азизаҳон қалбини бир умрга забт этди. Унда Айтматов портретини яратиш нияти туғилишига ҳам айнан ўша асарлар сабаб бўлди. Аммо рассом кўп йиллар бу картинага ботиниб қўл уролмади.

Ниҳоят, 1996 йили Тошкентда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси таъсис этилади ва Чингиз Айтматов унинг биринчи президенти қилиб сайланади. Орадан бир йил ўтгач, адиб машҳур қозоқ шоири Мухтор Шоҳонов билан Тошкентга яна келади. Республика Байналмилал маданият маркази биносидида икки ижодкор ҳаммуаллифлигида ёзилган “Чўққиди қолган овчининг оху зори” китоби тақдимоти уюштирилади.

Худди шу тақдимот чоғи атоқли шоир Шукрулло Азиза Маматовани Чингиз Айтматов билан таништиради. Ўшанда мусаввир адибдан унинг портретини чизишга ижозат сўрайди.

Асар композицияси учун француз ҳайкалтароши Эмиль Бурдель яратган Бетховеннинг ҳайкал-портрети асос қилиб олинади.


Портрет фонидида – юқори ўнг бурчакда ёрини илҳақ кутаётган қизил дуррачали қиз тасвирланган. Юқори чап бурчакда эса ўроқкулларнинг бешафқат оламидан қочиб ўзини денгиз бағрига отган болакай орзулари рамзи – Оқ кема кўзга ташланади. Қуйи чап бурчакда чўлдаги сайғоқларга вертолётдан туриб қирон келтираётган овчилардан ўз болаларини қутқариш илинжидаги она бўри – Оқбара, қуйи ўнг бурчакда эса эгаси Қазанғап билан асрдек узоқ кунни ўтказган туя – Қоранор тимсоли акс этган.

Муаллиф шу тариқа машҳур қисса ва романлар қаҳрамонлари ҳам адиб сиймоси билан бирга яшаб қолишига ишора этган гўё. Рассом портретни 2005 йили тугаллаган.

Одамзод Она сайёра кўйнида мудом яшаб қоладими ёки ўз айби-ла қирилиб битадими – бу чўнг муаммо Чингиз Айтматовни ҳар доим изтиробга солгани сир эмас. Шу сабаб адиб маданият ва санъатнинг бош вазифасини одам ва оламни баб-баравар асраб-авайлашга даъват этмоқдан иборат деб ҳисоблар эди.

Азиза Маматова яратган уч портрет ҳам, шак-шубҳасиз, ана шу эзгу мақсадга хизмат этажак.

Улугбек МАМАТОВ,
санъатшунос



Q MASXARABOZNING RAYMONASI

Муайян тартиботларга қарши исёними ёки маъжуд диний эътиқодга зид бирон кори аъмолими оқибатида жамият (аниқроғи, манфаатдор табақа) томонидан қувғин этилган бандалар дунёдан ўтганида гоҳо тупроқдан мангу қўним тополмай – гўрма-гўр қилинишини эшитганмиз, кўрганмиз ҳам. Жаҳон театр саҳнаси тўридан ардоқли ўрин эгаллаган Жан-Батист Мольер ана шундай қисматга дучор бўлгани тўғрисида ҳам гап-сўзлар юради...

Париж марказида Пер Лашез аталмиш машҳур қабристон бор. Тақрибан эллик гектарча келадиган бу гўша (билмаган одамга) эгалари кўчиб кетган бундайроқ шаҳарчани эслатади. Ўлик шаҳарча, марҳумлар шаҳри. Бемалол автомобилда айланиб юриладиган кенг-кенг йўлқалар, икки ёнда бўй чўзган улкан қадимий дарахтлар, шакл-шамойили бири бирини асло такрорламайдиган катта-кичик мақбаралар. Бир мақбараларки, кўрганда ақлингиз шошади – чинакам санъат обидаси, мўъжиза! Француз жамияти гуллари ва умуман дунё маданиятию сиёсатида ном қолдирган атоқли шахсларнинг дахмалари шу ерда.

Аммо мазорот оралаб юрган ажнабий зиёратчилар ҳашаматли мақбаралар қолиб, аксарият бир-бирдан Бальзак ёки Фредерик Шопеннинг, Марсель Пруст ёки Виктор Ҳюгонинг қабрини сўраб-суриштиради.

Ҳикоямиз қаҳрамони Мольернинг ҳам хоки охир-оқибат шу ердан қўним топган. Ёнида – ўша машъум тунда тобути ортидан изиллаб келган дўсти, оташзабон масалнавис Лафонтеннинг қабри. Икки сафдош ёнма-ён, бири очиқ-ошкора, бири мажоз шевасида бу ўткинчи дунёнинг норасоликлари устидан аччиқ-аччиқ қаҳқаҳа отиб ётган бўлса эҳтимол...

Э.А.



Саргардон майит

1673 йилнинг қор-қировли февраль оқшомларидан бирида Парижнинг Ришелье кўчасида жойлашган икки қаватли уйда бесаранжом югур-югур бошланди. “Хоним, айтинг, кўпроқ шам ёқсинлар, гўрдек бу зулматда ҳеч вақо кўринмаяпти. Жин урсин, шундоқ шаҳри азимда уруғи қуриб битганми буларнинг?! Қачон эди докторга одам жўнатганим! Авлиё ота деганлари қай гўрда қолди? Бу қандай бедодлик ахир?!” деб бақириб-чақирарди нима қилишни билмай гангиб қолган йигирма ёшлардаги йигит. Бироқ на доктор, на авлиё отадан дарак бўлди. Паймонаси тўлиб ўлим тўшагида ётган эллик бир яшар мўсафид недандир умидвор бўла-бўла, охири омонатини топширди. Тавба-тазаррусиз!



Мархумнинг танаси совиб улгургачгина шифокору руҳонийни излаб кетган икки хизматкор эшикдан шўппайиб кирди. Доктор қавмининг бари бемор кимлигини эшитиб оёқ тираб олганмиш: бормайман! Руҳонийларни-ку гапирмаса ҳам бўлади... Ия, жон таслим этолмай илҳақ ётган бир банданинг дардини енгиллатиб оғзига бир томчи дори томизиш ёки бошига келиб икки калима дуо ўқиш шунчалик қийин эканми? Ҳатто умри кўча-кўйда ўтган бенаво бир дайди ўлса ҳам иримига бўлсин дуо ўқилиб кўмилади-ку! Ҳайтовур, бир кеча тунагани бошпана сўраб келган тиланчи роҳибалар бор экан: майитни ювиб-тарадилар, тобутга солдилар ва ўзларича дуо ўқидилар. Хўш, бу ёғи нима бўлади? Мархумнинг рафиқасини ваҳима босди: энди нима қилай? Қайга элтиб кўмаман бунга? Гап шундаки, бу “осий банд” умр бўйи черкову роҳибларни танқиду мазах қилгани камдек, бир оғиз истиғфор айтмай, ҳечқурса гуноҳлари учун ёзма афв сўрамай жон таслим этди-кетди. Ўзини билган бирон бир руҳоний жаноза ўқишга, уни қабристонга элтиб дафн этишга ўлақолса кўнмайди. Э, ҳали черков бирор мазордан унга икки газ ер берармикан денг! Бирпасда бевага айланган жувон ана шундай ўй-хаёллар гирдобига ғарқ бўлиб турганида мархумнинг музофотлик бир ошнаси (католик руҳонийси) келиб қолди. Кам бўлмасин, дўстининг ғамбода рафиқасига дарҳол йўл-йўриқ кўрсатди; Париж архиепископи ҳузурига ҳамроҳ бўлиб борди. Димоғдор дин пешвоси арзномага наридан-бери кўз ташлаб: “Таассуфки, хоним, эрингизни дафн этишга рухсат беролмайман, муқаддас динимиз бунга йўл қўймайди”, деди совуққина қилиб.

Аммо мархум дўст танлашда адашмаган экан: руҳоний ошна бирдан ноумид бўлиб ортга чекинмади. Бу вазиятда кимдан иш чиқишини у

яхши биларди – калавасини йўқотиб турган бевани тўппа-тўғри қирол саройига бошлаб борди. Дарҳақиқат, қирол кўнгилга таскин бергудек гапни айтади: “Хоним, бу ёғидан хавотир олманг, уйингизга бориб жаноза тадоригини кўраверинг”.

Орадан фурсат ўтмай қирол ҳузурида Париж архиепископи қўл қовштириб турарди. У, марҳум шов-шувсиз, лекин пайсалга солинмай тезда дафн этилсин, деган буйруқ билан саройдан чиқди.

Майит тупроққа топшириладиган кун шом маҳали унинг уйи олдига оломон тўпланади. Ким эди улар, нима мақсадда келган – номаълум. Бундан саросимага тушган марҳумнинг рафиқаси дарчани очиб, жавоб-муомала қилмоқчи бўлади. Кимдир орқасидан узатган чарм ҳамённи олиб, уларга пул улаша бошлайди. Ғала-ғовур тинади. Соат кечки тўққизларда тобутни кўтарадилар. Олдинда – гунг-соқовдек икки роҳиб, тобут ён-верида қўлларида каттакон шам тутган черков болакайлари. Тобут ортидан эса гўё машъала дарёси оқиб бормоқда. Саф бошида – рассом Пьер Миньяр, масалчи Лафонтен, Шапель ва Буало сингари шоирлар, уларнинг изидан Пале-Рояль театри актёрлари. Мотамсаро издиҳомни кузатиб турган бир аёл “Кўшни, ким экан?” деб сўрайди шеригидан. “Қайдам, алақандай Мольер деган одаммиш...”

Бутун дунё “комедия қироли” деб тан олган буюк Мольер ана шу тарзда Париждаги Авлиё Жозеф қабристонининг овлоқ бир чеккасига – худкушлару беникоҳ ҳаромилар кўмиладиган жойга дафн этилади. Дарвоқе, қирол саройининг мебелсоз устаси марҳум Жан Батист Покленнинг “масхарабоз” бўлиб кетган тўнғич ўғли Мольерни ўлди деб эшитган парижлик мебелсозлар таъзияга келиб, майит устига ўзларининг рамзий байроғини ёпиб кетишади. Баайни, мебелсоз уста хонадонига туғилган Мольер мебелсоз уста ўлароқ бу оламни тарк этади. Оламда Мольер деган машҳур актёру драматург бўлмагандек, Авлиё Евстафия черкови қайд дафтарига бундай қисқагина изоҳ битилади: “1673 йили 21 февраль – сешанба кўни қирол саройининг мебелсоз устаси Жан Батист Поклен Авлиё Жозеф қабристонига дафн этилди”.

Мебелсоз бўлгим йўқ...

Уста Поклен оиласида тўнғич фарзанд дунёга келганда, табиийки, ўғлим касб-коримни қўлимдан олади дея қувонгандир. Бунга чиндан-да асос бор эди: бола Жан Батистнинг (ота-бола отдош) она томондан боболари ҳам айна шу касб билан тирикчилик қиларди. Хат-саводи чиқсин, ҳисоб-китобни ўргансин дея болани аввал бошланғич мактабга берадилар. Шум тақдирни қарангки, у ўн ёшга тўлар-тўлмас онаси – қўлидан Инжил тушмайдиган сипо-мулойим Мария Крессе оғир дардга ча-

линиб, оламдан ўтади. Тўрт бола билан тул қолган уста Поклен орадан бир муддат ўтиб иккинчи қатла уйланади. Пешонаси шўр эканми, бу аёл ҳам унга икки қиз туғиб берадию дунёни тарк этади. Шу орада бола Жан Батист мактабни тугатиб, дўконда отасига кўмаклаша бошлайди. Аммо тез орада ота тўнғичининг алланечук паришон, ҳеч ишга ҳафсаласи йўқлигини пайқайди. Бобоси Луи Крессе келгандагина унинг кўзлари қувончдан чақнаб кетарди. “Бобо-набира роса чиқишади, қизик, кекса бир чол билан муштдек болани нима бунчалик боғлаб туриши мумкин?”, деб ўйларди уста Поклен. Тез орада “сир” фош бўлади: бобо ҳам, набира ҳам театр томошаларига ишқибоз экан. “Бобо-набира театрга бунча серқатнов бўлиб қолдиларингиз? Ишқилиб, бунингизни актёр қилмоқчи эмасмисиз?” дейди юрагини андак хавотир кемириб турган куёв қайнотасига ҳазил аралаш. Бир зум ўйга толган бобо келажакдан башорат қилади-қўяди: “Худо хоҳласа, менинг арслоним зўр актёр бўлади!” Устанинг оғзи карнайдек очилиб қолади. Бу ҳақда гап қўзғанидан пушаймонлар еб, хавотири баттар ортади: “Тавба, ҳўб ғалати-да шу Кресселар. Раҳматли хотиним ҳам роса хаёлпараст эди. Театр деса ўзини томдан ташларди. Чоли тушмагур эсини еб қўйибди, ёш боланинг олдида шунақа гапларни гапириб бўларканми?!”

Отанинг хавотири бежиз эмас экан. Тўнғичи ишдан қочмайди, дўконда бинойидек дастёрлик қилиб юрибди-ю, бироқ авзойидан аён: бу ишларга ҳеч қовушолмаётир. “Гапир, ўғлим, дардинг нима?” деб сўрайди у охири бир куни. Бола миқ этмайди. Қистовга олинавергач, ноилож ёрилади: “Мебелчи бўлгим келмаяпти, ота”. Гап очилдими, тамом, масалани узил-кесил ҳал этганим дуруст, деб ўйлайди у ўзича. “Тахта-махтангиз менга сира ёқмайди, дўконни-ку кўргани кўзим йўқ!” дейди бор журъатини тўплаб. Отам башарамга туфлаб юборса керак, деган ўй ўтади хаёлидан. Уста бундай қилмайди. Обдон фикрини жамлаб олгач, сўрайди: “Нима қилмоқчисан ўзи, айт?” “Ўқийман”, дейди ўғил. Дафъатан суҳбат устига келиб қолган “театрчи” бобо: “Кўяверинг, майли, ўқисин, ўғлингиз кўп иқтидорли йигит”, дейди. Қайнота-куёв гапни бир жойга қўйгач, Жан Батист Париждаги машхур Клермон коллежига ўқишга киради. Луи бобо суюкли набирасини айнан шу коллежга йўллаб янглишмаган эди. Асосан, оқсуяк зодагонларнинг фарзандлари, шунингдек, қироллик наслидан бўлган йигитчалар ўқирди бу масканда. Таълим-тарбия ҳам шунга яраша юксак савияда эди.



Номдор профессор-ўқитувчилар тарих, мумтоз адабиёт, ҳуқуқ, кимё, физика, илоҳиёт, фалсафа ва юнон тилидан сабоқ берарди. Талабалар лотин тилидаги китобларни ўқибгина қолмай, дарсдан ташқари вақтда ҳам ўзаро фақат шу лисонда сўзлашмоғи талаб этиларди. Шу билан бирга, улар рақс машғулотларига қатнашар, қиличбозлик, қурол-яроғ ишлатиш сирларини-да ўрганарди. Байраму тантаналарга эса қадимги Рим адибларининг пьесаларини саҳналаштирар эдилар.

Хўш, илм олишга боши билан шўнғиб кетган қаҳрамонимизнинг театрга бўлган қизиқиши сўндимикан, нима деб ўйлайсиз? Асло! Бўш вақт топди дегунча дўстлари билан театрга боришни канда қилмасди у. Бир умрлик ҳаммаслагу ҳамдами бўлмиш Мадлена Бежар билан ҳам айнан театрда танишади. Ўта фаросатли, нозик дид, адабиёт шайдоси бўлган бу аёл шеър ҳам машқ қилиб турарди. Шундай экан, йигитчанинг ўзидан тўрт ёш катта жозибали актрисага ошиқ бўлиб қолгани ажабланарли эмас.

Ота ва бобонинг ишончини оқлаб, беш йил астойдил билим олган Жан Батист коллежни тугатиш арафасида сабоқдоши Шапелнинг отаси ташаббуси билан тўрт-беш дўсти қатори профессор Гассенди маърузаларига ҳам қатнайди. Азалдан фалсафага меҳр қўйган қаҳрамонимиз Эпикур таълимотию бошқа фанлардан янада пухта билим эгаллагани учун, қомусий илм соҳиби бўлмиш шу инсондан бир умр миннатдор эди. Коллежни тамомлагач, Жан Батист Орлеан университетиде имтиҳон топшириб, ҳуқуқшунос илмий даражасига эга бўлади. Ота Покленнинг боши осмонда эди: майли, қўлимдаги ишимни олмаса-да, ҳуқуқшунос бўлди-ку! Лекин биз биламиз: ота тўйдан олдин ноғора чалаяпти. Тўнғичининг кўзлагани – бошқа.

Уста Поклен асли қироллик мебелсози эканини айтган эдик, у ҳар йили навбати келганда сарой хизматига жўнарди. 1642 йили пойтахтда савдо-сотик билан боғлиқ муҳим ишлари чиқиб қоладию ўрнига тўнғич ўғлини юбормоқчи бўлади. Ўғил ҳам ота йўриғига юриб, Франция жанубига – қироллик хизматига отланади. Бу тафсилотларни муфассал баён этаётганимиз бежиз эмаски, вақти келганда бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Мольерга айланиш

Йигирма ёшигача бирон марта падарининг майлига қарши чиқмаган йигит бир кун келиб адвокат ҳам, нотариус ҳам, олим ҳам эмас, актёр бўлмоқчиман деб қолса, унга катта умид боғлаган ота қай аҳволга тушади?! У замонлар артистлик қандай “мақом”да бўлгани маълум. Келиб-келиб Поклендек баобрў одамнинг ўғли шу ишнинг бошини тута-

дими? Уни уришади, сўкади, яхши гапириб кўради, ялинади – қани, кор қилса! Аҳмоқ боланинг ақлини киритиб қўймоқчи бўлиб, нуфузли бир роҳибни ўртага солади. У панд-насихат ўқийди: ҳой, нодон, кўра-била ўзингни ўтга отасанми, ахир у дунёю бу дунёнг куйиб кетади-ку! Аммо қайсар йигитча аҳдидан қайтадиган эмас. Ночор қолган ота охири тақдирга тан беради. “Билиб қўй, бола, – дейди у сўнгги чорани қўллаб, – бугундан бошлаб қироллик хизматчиси унвонидан маҳрумсан! Аслида, телба бобонгнинг сўзига кириб сени ўқитган, пулни беҳуда совурган мен аҳмоқ!” Онасидан тўнғич ўғилга беш минг ливр мерос қолган эди. Ота ўзбошимча ўғил билан обдон талашади-савдолашади; тўғри-да, бу ёқда яна бешта бола ейман-ичаман деб турганда шунча маблағни ўз қўли билан аллақайдаги дайди лўттибозларга (ўғли бу пулни анови актёр дўстларига сарфлайди-да!) тутқазиб юборсинми?! Хуллас, Жан Батист чўнтагида олти юз ўттиз ливр пул билан ота уйини тарк этиб, Бежарлар хонадонидан қўним топади. Ҳа, ўша – қаҳрамонимиз талабалик кезлари кўнгил берган актриса Мадленаникидан! Бежарлар оиласи уй ичи билан театрга ишқибоз эди: ҳатто Мадленанинг акаси ва синглиси ҳаваскор спектаклларда роль ўйнарди. Ота-она эса фарзандларини қўллаб-қувватламоқдан мамнун эди. Жан Батистни бу хонадонга театрга бўлган тийиқсиз муҳаббатгина етаклаб келмайди. Бу вақтда улар Мадлена билан чинакамига ошиқ-маъшуқ эдилар. (Дарвоқе, Бежарлар оиласи 1641 йил поёнида Парижни тарк этади ва Франция бўйлаб кезиб юра-юра, худди қаҳрамонимиз каби 1643 йил бошида пойтахтга қайтади. Тасодифми бу ёки севишганлар аввалдан келишиб олганми, улар Франция жанубида учрашиб, бир муддат бирга бўладилар.)

Тез орада Бежарлар хонадоида ҳаваскорлар театри ташкил этилади. Ўн кишилик труппага етакчи – Поклен! Труппа ўзини “Дабдабали театр” деб номлайди; даъвонинг зўрлигини қаранг! Театр иш бошлаши ҳамано унинг етакчиси Мольер тахаллусини олади. (Ким билсин, жамиятда ўзига яраша мавқега эга отанинг обрўйини ўйлагандир.) Парижда қиролликка қарашли машҳур Бургон отели ва Марэ театрлари қизғин фаолият юритарди. Бу театрларнинг том маънодаги маҳоратли актёрлари, табиийки, ҳаваскорларни назар-писанд қилмайди, уларга дарров “ялангоёқлар тўдаси” деган ёрлиқ ёпиштиради. Куч-ғайрати ичига сиғмаётган ёшлар эса бундай ҳақоратларга парво ҳам қилмай ишга тушиб кетади: ижарага жой топадилар, машшоқ ёллайдилар. Янги йил арафасида “Дабдабали театр” тантана билан очилади-ю, таассуфки, илк томошодаёқ омадсизликка учрайди. Ёш труппа бундан тушкунликка тушмай, янада зўр шижоат билан янги-янги томошалар тайёрлайверади. Аммо

ҳаваскорлар ҳақиқий актёрларга бас кела олармиди денг! Театр харажатларини қопламоқ тугул, бўғзигача қарзга ботади ва унинг раҳбари Мольер ҳибсга олинади. Йиқилган курашга тўймас деганларидек, отаси қарзни тўлаб уни озод этгач ҳам тавбасига таянмайди бу таваккалчи. Нақд бир йиллик уринишлардан ҳеч иш чиқмагач эса, тақдирга тан берган актёрлар бирин-кетин гуруҳни тарк этади. Шу тариқа, шов-шувлар билан пайдо бўлган “Дабдали театр”дан асар ҳам қолмайди.

Дарбадарлик йиллари

1646 йил авжи саратон кунлари Франция жанубига қараб фақирона бир карвон йўлга чиқади. Эски-туски ашқол-дашқол ортилган араваларни эти устухонига ёпишган ҳўкизлар базўр судраб бораётир. Олдинги аравада ёпинчиққа бурканиб олса-да, киприкларигача чангга беланган малласоч Мадлена Бежарни кўрамиз. Мольер труппасининг пешқадам актрисаси саналмиш бу аёл бошқа ҳамкасбларига ўхшаб дўппи тор келганда етакчисини ташлаб, рақиб театрлардан паноҳ изламади. Аксинча, доим унга суянч бўлди. Мана, энди уни деб дарбадарликка-да кўниб, камига, бутун оиласини ортидан эргаштириб юрибди. Аёл киши севмасин экан! Театрдан бўлак ғам-ташвиши бўлмаган Мольердек одам ёнида шундай садоқатли аёл борлигидан шукроналар қилган бўлса ажабмас.

Ҳаваскорлар вилоятга йўл олганда сайёр театр ҳаёти осон кечмаслигини билган, ўзини озми-кўпми шунга ҳозирлаган. Франция вилоятларида бундай театрлару актёрларнинг саноғи йўқ эди. Демак, рақобат ҳам шунга яраша. Сайёр театр йўл-йўлакай дуч келган қишлоғу кентларда томоша кўрсатиб кетаверади. Гоҳо ювиниб, энгил-бошга қараб олишга фурсат тугул, имкон ҳам йўқ – шунда теру чангга ботган бир аҳволда томоша қўйиб берилаверади. Саҳна, декорация ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмас, омборхоналарда қўлбола саҳна ясаб, парда ўрнига иркит латта-лутта илиб ҳам қўйилаверади. Тўғри келган жой – пичанхонами-омборда тунаб қолинади. Ҳаммасидан ёмони, маҳаллий маъмурият (театр бирон шаҳар ёки қишлоқ ҳудудига кирганда, томоша кўрсатиш учун албатта улардан рухсат олиши керак) актёр халқига ўта беписанд, уларни одам ўрнида кўрмас эди. Баъзан томошадан тушган арзимаган чақани ҳам черковга ёрдам деган баҳона билан қоқиштириб оларди.

Музофотлик томошабин шаҳарниқидан тубдан фарқ қилади: дид борасида ҳам, савия жиҳатидан-да. Соддадил, дўлвор қишлоқликларга жиддий саҳна асари – фожиалар эмас, кичик ҳажвий томошалар кўпроқ манзур келарди. Буни билган театрчимизнинг ўзи ҳам бир қисмли ҳаж-

вий пьесалар ёзмоққа киришади. У ишни мазкур жанрнинг устаси бўлмиш италянларга тақлиддан бошлайди. Ёзганлари ҳамкасбларига маъқул тушиб, дарҳол саҳналаштириларди. Шу тариқа “Ошиқ шифокор”, “Уч рақиб шифокор”, “Мактаб муаллими”, “Учар табиб”, “Барбульенинг рашки”, “Қопга тушган Горжибюс” каби ихчам асарлар саҳна юзини кўради. Катта-кичик шаҳар-қишлоқларни кезиб, гоҳо йирикроқ амалдору бойваччалар хонадонида томоша кўйиб беравериб, Мольер театри тез орада оёққа туради, актёрларнинг кийим-боши ва декорациялар учун ҳам унча-мунча маблағ жамланади. Бола чоғи айнан трагедияларни кўравериб театрга кўнгил кўйган, ўзи ҳам фожиавий қаҳрамонлар ролини ўйнашга иштиёқманд Мольер ҳажвий пьеса ёзишнинг обдон ҳадисини олади, ажабки, кўпроқ шу жанрда омади чопади. Бу спектаклларда ҳажвий роллар ижро этиб, у тезда томошабиннинг арзандасига айланади. Аммо уни мудом бир савол қийнар эди: ҳажвий ролда чиққанида томошабинлар олқиш ёғдириб уни нақд бошига кўтаради. Трагедияда ўйнаса, бундай муваффақият қайда, кўпинча шарманда бўлади – томошабин неча бор олма отиб “сийламади” уни! Бунинг сабаби нима? Наҳотки, жиддий роль ўйнашга шунчалик нўноқ бўлса у? “Ё тавба, одамзод ақлдан озибди! – дерди гоҳида фиғони фалакка чиқиб. – Оми халқ-ку, майли, унга ҳазил-мазах бўлса бас. Ахир зодагонлар орасида зиёли, маърифатлилари кам эмас-ку, шу тутуриқсиз, бемаъни масхарабозликка кулиб ўтирганини қаранг!” “Йўқ, – дейди рус ёзувчиси Михаил Булгаков “Жаноб Мольернинг умр баёни” асарида, – одамларнинг ақл-ҳуши жойида, аксинча, жаноб Мольернинг ўзи теварагида ҳеч нимани кўрмас, пайқамас эди. Туғма қизиқчи-масхарабоз қандай қилиб трагик роль ўйнасин! Наҳот шунча йил юриб бунини тушунмаслик мумкин?!” Дарҳақиқат, жумла олам кўриб-билиб турган ҳақиқатни ёлғиз у кўрмас, тан олмас эди. Труппанинг фожиавий пьесаларда омади чопмаслигига сабаб ҳам аслида шудир.

Ниҳоят, “Мольер деган бир йигит бошчилигида театр пайдо бўлибди, томошаларини кўриб ичагингиз узилади!” деган овоза Франция бўйлаб таралади. Неча йиллик сарсон-саргардонлик, машаққату қийинчиликлар ортда қолиб, сайёр театр бошига омад қуши кўнади.

...1652 йили сафар чоғи Нима шаҳри яқинида Мадленанинг арава-сига ўн яшарлар чамали бир қизалоқ чиқади. Ҳамкасбларига синглим деб таништирган бу қизчани Мадлена онадек парвариш қила бошлайди. Унинг таълим-тарбиясини эса Мольер зиммасига олади. Қизалоқ ўлгудек қақажон, шўх-шаддод, аммо зеҳни ўткир эди. Тез орада Мену тахаллуси билан кичик-кичик роллар ижро этиб, бу қизча барчанинг меҳрини қозонади.

Вилюятма-вилюят кезиб юрганларида Мольер труппасига маълум бир муддат шахзода де Конти (у ҳам Клермон коллежида ўқиган) ҳомийлик қилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. У театрни доимий хизматга ёллайди ва труппага маош тайин этади. Жамоа энди “Арман Бурбон де Конти саройи труппаси” деб номланади. Собиқ сабоқдошлар роса чиқишиб қолади, Мольер шахзодани шу қадар сеҳрлаб қўядики (нафақат кўрсатган томошалари, балки ақл-заковатию мароқли суҳбатлари билан-да), Конти ҳатто яқин маслаҳатгўйи бўлган котиби оламдан ўтганда “масхарабоз”имизга шу хизматни таклиф этади. Ўта нозик бу таклиф нозик бир тарзда рад этилади. Эси бор одам шундай нуфузли лавозим, доимий мўмай даромаддан юз буриб, саргардон сайёрликни афзал кўрадими дерсиз? Унга ишониб, ортидан эргашиб юрган шунча қорақўзни ярим йўлда ташлаб кетадиган бир бетайин виждонсиз эмас эди-да бу одам! Боз яна санъатсиз, театрсиз қандай яшасин!

Пойтахтга қайтиш

1658 йилга келиб фаранг қишлоғу шаҳарларини кезиб юрган сайёр театрлар орасида Мольер труппасига тенглашадигани йўқ эди. Ўн уч йил саҳна чангини ялаб обдон пишиб кетган актёрлар айниқса комик образларда беқиёс эди. Мана, ниҳоят қўрқмасдан пойтахтга қайтиш мумкин! Энди улар Париждаги қироллик театрлари билан бемалол беллаша олади. Қирол Людовик Ўн тўртинчининг яккаю ёлғиз иниси Орлеанлик Филипп уларни қаноти остига олмоқчи.

Омад дегани шунчалик бўлар: труппа пойтахтга келибоқ қирол ҳузурини томоша қўяди. Ўша йил 24 октябрь куни Эски Лувр залларининг бирида Мольер театри қиролга таниқли драматург Пьер Корнелнинг “Никомед” номли пьесасини тақдим этади. Томоша бошланади, аммо... Кимдир йўталади, унга яна бирови жўр бўлади. Сўнг шивир-шивир, таажжубли кўз уриштиришлар... Спектакль тугайди, бир-икки одам чапак чалган бўлади. Саҳнага яқин жойда ўтирган қироллик театри актёрлари – рақиблар лабида истеҳзоли табассум: шуми?! Шугинами? Мольер-Мольер деб оламини бузган эдилар-ку...

Шу вақт саҳнада Мольер жанобларининг ўзи пайдо бўлади. “Биз анчайин бир ҳаваскорлармиз, ҳақиқий санъаткорлар эса, ана, орангизда ўтирибди” дея рақибларга ишора қилади у. Сўнгра, “Қирол ҳазратлари ижозат берсалар, кичкина бир ҳажвий томоша кўрсатсак. Балки бу эътиборга арзимас, лекин музофот аҳли негандир шунга ишқибоз эди...”, дейди гуноҳини ювмоқчи бўлгандек. Янги томошаларга ўч ёш қирол “маъқул” дея бош ирғайди. Ана шунда чинакам томоша бошланади, Мольер ва шериклари бор маҳоратини намоиш этади. “Ошиқ шифо-

кор" шу қадар манзур бўладики, томошабинлар кулгидан ўзини ўнглай олмай қолади. Рақиблар ҳам тан беради: "Бало! Балонинг ўзгинаси! Қайдан келди ўзи бу Мольер деганлари?" Қирол эса кўзидан чиққан ёшни рўмолчасига артиб улгурмас эди.

Мольер – ғолиб! Қирол унга Кичик Бурбон залида томоша кўрсатиш ҳуқуқини берди. Йилига бир минг беш юз ливр нафақа тайинлади. Улар энди "Қирол инисининг труппаси" деб юритила бошлади.

Парижга келибоқ томошабин қалбини забт этиш, кимсан – қирол назарига тушиш ҳазил гапми?! Бундан руҳланган драматург зўр иштиёқ билан ишга киришади. Унинг пойтахтда яратган дастлабки пьесаси "Бемаъни ишвагарлар" премьерадан кейиноқ шов-шув ва жанжалга сабаб бўлади. Мазкур асар Мольерни тили заҳар муаллиф ўлароқ машҳур қилган бўлса, унинг гуруҳини Парижнинг олд театрлари сафига чиқариб қўяди. Жамиятдаги юқори табақага хос сохта мулозамат, дабдабозлик, жимжимадор сўзлашув услуби беистиҳола ҳажв қилинган ушбу асар айрим кибор зотларнинг иззат-нафсига тегади ва уларнинг арз-доди сабаб, томоша бир муддат тақиқланади. Лекин тез орада қирол "фатвоси" билан саҳнага қайтарилган спектаклга томошабин оқиб кела бошлайди.

Шундан сўнг Мольер яратган деярли ҳар бир асардан томошабин негидир прототип қидирадиган бўлиб қолади. Нега? Нима, Мольергача театр бўлмаганми, бу каби спектакллар ўйналмаганми? Гап шундаки, унинг комедиялари қуруқ масхарабозлик, жўн бир ҳавойилиқдан иборат эмас эди. Жамиятдаги муайян ижтимоий-маиший муаммолар танқид остига олинган, бу ҳол ўзига яраша муносабат уйғотиши табиий, албатта.

Драматург тинимсиз ижод қилиб, ўн беш йил мобайнида бугун ҳам дунё театр саҳналаридан тушмай келаётган ўнлаб дурдона асарлар яратади. (У эллиқдан зиёд пьеса ёзгани маълум, лекин айримлари бизгача етиб келмаган. Шуни ҳам таъкидламоқ керакки, уларнинг аксарияти қирол буюртмаси билан дунёга келган.) "Эрлар мактаби", мазмунан шунга боғлиқ тарзда ёзилган "Хотинлар мактаби" пьесалари унинг ўзига хос ҳажвий йўналиш – фарсдан ижтимоий-психологик комедия жанрига қадам қўйганини кўрсатади. Бу комедияларида оила, аёлга муносабат, турмуш қуриш борасидаги баъзи муаммоларни аччиқ кулги остига олган драматург рақибларининг шафқатсиз ҳужумига учрайди. Уларга жавобан ёзилган "Хотинлар мактаби"нинг танқид қилиниши" деб номланган пьесасида у ҳажв тиғини кучлироқ санчади. 1664 йили саҳна юзини кўрган "Зўраки никоҳ", "Элида маликаси" пьесалари билан эса Мольер янги – комедия-балет (Людовик Ўн тўртинчига бениҳоя маъқул тушган) жанрига асос солади.

Рус адабиётшуноси В. Белинский юксак баҳо берган (“Тартюф”дек асарни битган инсон шубҳасиз буюк ва барҳаётдир” деган мазмунда) пьесасининг ўзи бир тарих. Мольер бошқа ҳеч бир асарига “Тартюф”ни саҳнага қайтариш учун курашганчалик жон куйдирмаган. “Тартюф” илк маротаба Версалда она қиролича ва малика шарафига уюштирилган байрам тантанасида намойиш этилади. Қиролнинг-ку арзандаси тўхфасидан кўнгли тўлади, янги спектаклни мароқ билан томоша қилади. Ўта диндор она қироличаю унинг таъсиридаги сарой аъёнлари, аксинча, қиролдан бу бемаъни томошани дарҳол тақиқлашни талаб этади. Олий табақа вакиллари Мольер ўзларини беаёв ҳажв қилишига шу чоққача чидаб келган, бунга кўниккандек ҳам эди (начора, бу масқарабознинг ортида тоғдек бўлиб қирол турибди, зодагонлардан кимни кулги қилишни ҳам баъзан унинг ўзи маслаҳат беради). Бироқ бу гал ҳаддидан ошиб кетибди... Асарда уччига чиққан лўттибоз, мунофиқ, каззоб, хотинбоз бир руҳоний тимсоли тасвирланган эди. Ҳазаб отига минган черков аҳли томошани Яратганга шак келтириш деб айюҳаннос солади. Нуфузли дин пешволари Мольердек шаккок кимсани, одам қиёфасидаги бу иблисни халойиқ олдида тириклайин гулханда ёқиш керак, дея қиролга арз қилади. Мольер эса бу каби дўқ-пўписалардан чўчийдиган куёнюрак эмас эди, дин аҳлининг таъқиби ортгани сайин у ҳам жон-жаҳди билан асарини ҳимоя қилиб, унга қайта-қайта ишлов бериб, беш қисмли пьесага айлантиради – бамисоли руҳонийларни беш-баттар фош этади. Ўша замонларда черковнинг таъсири бениҳоя кучли бўлгани маълум. Табиийки, ҳокимият кўлида бўлишига қарамай, қирол ҳам черков билан мураса қилишга мажбур эди. У Мольерга пьесани маълум муддат саҳнага қўймай туришни маслаҳат беради. Муаллиф асарини яна қайта ишлайди, уни хийла юмшатиб, силлиқлаб кўради, лекин барибир “Тартюф”ни узоқ йиллар саҳнага олиб чиқолмайди. Она қиролича вафотидан сўнггина, яъни 1669 йили қирол “Тартюф”га рухсат беради. Спектакль Парижни ларзага солади, томошабин залга сиғмай кетади, бу ҳол неча ойлаб давом этади.

Ўрни келди, бир гапни айтиб ўтмоғимиз керак. Эшитишимизча, катта театрларимиздан бири яқинда бу пьесани саҳналаштириш ҳаракатига тушган, бироқ аллақандай сабабларга кўра бу иш тўхтатилибди. Ўз даврида илк намойишдаёқ ман этилган, энг кўп маломату тазйиқларга дучор бўлган ушбу машҳур асарни бугун – орадан неча асрлар ўтиб ҳам ўша машҳум қисмат таъқиб этаётгани ажаб ҳол!..

“Тартюф” тақиқлангач, дин аҳлию бошқа душманлари Мольердан азалий устувор анъаналарга дахл қилмайдиган, одобу ахлоқ доирасидаги асар кутган этди. Бундай бўлмади. Кейинги пьесасида драматург

юқори табақа вакили – тараллабедод Дон Жуанни қаламга олиб, уни қип-қизил худосиз, ор-ахлоқдан мосуво, олифта кимса этиб тасвирлади. Бу томоша ҳам катта жанжалга сабаб бўлиб, ўн беш мартагина ўйналгач, муаллифнинг ўзи уни театр репертуаридан олиб ташлайди ва умрининг охиригача унга қайта мурожаат этмайди.

“Дон Жуан”дан сўнг Мольер душманларининг сафи янада кенгайган эди. Асарда олий табақа зодагонлардан ташқари, у ҳажв қамчиси билан савалаган парижлик олимлар, айниқса, “қон олишдан бошқасига ярамайдиган” (Мольер таъбири) шифокорлар унга ғаним бўлиб қолди.

Хуллас, умрининг сўнгигача душманлар таъқиби, таънаю маломатларидан қутулолмаган мурасасиз драматургдан “Шифобахш ишқ ёхуд шифокор”, “Зўраки табиб”, “Мизантроп”, “Амфитрон”, “Жорж Данден”, “Хасис”, “Жаноб де Пурсоньяк”, “Дворянлар орасидаги мешчан”, “Ўқи-мишли аёллар”, “Ёлғондакам бемор” сингари комедия жанридаги ўнлаб етук асарлар мерос қолди.

Лаънатга қоришган никоҳ

Мольер таржимаи ҳолидаги энг мужмал, можароли саҳифа унинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ тафсилотлардир. Орадан салкам тўрт аср ўтган эса-да, бу мавзу ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. 1662 йили қирқни қоралаган Мольер йигирма яшар Арманда Бижарга (бу вақтда у театрнинг етакчи актрисаларидан бири эди) уйланади. Черковда никоҳ ўқитилади, келин-куёвнинг туғишганлари ва дўстлари даврасида ихчамгина бўлиб тўй ўтади. Хўш, нима қилибди, севги ёш танлармиди, мана, бугун ҳам ёш-пошига қарамай оила қураётганлар қанча, дерсиз? Тўғри, Мольер билан Арманда ўртасида айнан ёш жиҳатидан келиш-мовчиликлар келиб чиққандир. Сабаби, ёш келин севиб эмас, манфаат юзасидан турмуш қурган бўлса эҳтимол: ҳарҳолда, куёв бутун Франция ва ҳатто ундан ташқарига ҳам номи кетган машҳур драматург, кимсан – қиролнинг меҳрини қозонган одам ва ниҳоят, бундай ишончли қанот остида тўқис ҳаёт тайин. Севги бўлмаган жойда манфаат балоси биринчи ўринга чиқиши маълум. Оила қуриб ҳам ўзи кутган бахтни туймаган Мольер кейинги асарларида айнан шу мавзунини саҳнага олиб чиқади. Бу эса душманларига роса қўл келади. Арманда ҳақида орқа-олдига қарамай қари эрига хиёнат қилиб юрадиган енгилтак аёл, деган гапсўз тарқалади. Ҳатто Мольернинг асранди ўғли – ёш ва кўркем Мишель Баронни (Мольер ўлими билан боғлиқ бошдаги лавҳада тилга олганимиз жонсарак йигит) Арманданинг жазманига чиқаришади. Буниси ҳам майли, Мольер ҳажв тиғини аямай санчган душманлари тарқатган мана бу гапга нима дейсиз: у ўз пуштикамаридан бўлган қизга уйлан-

ганмиш! Яъни Арманда Мольер билан Мадленанинг қизи экан. Айнан шу мазмундаги айблов хатини қиролга ҳам йўллайдилар. Қирол бу чақувга аҳамият бермайди. Хўш, бундай разилона маломат қайдан пайдо бўлди? Ё бунга бирон баҳона бормиди? Шамол бўлмаса дейсиз-да... Ёшлик чоғларида Мадлена билан Мольер бир муддат яқин муносабатда бўлгани бизга маълум. Умуман, Арманданинг туғилишию ота-онаси кимлиги борасидаги чалкашликлар ана шундай куракда турмайдиган гап-сўзлар урчишига замин яратган бўлса эҳтимол. Бунга эса айнан Бежарлар оиласи сабабчи. Негаки, улар аввал-бошданок қизнинг номаи аъмолини пинҳон тутишади, кейинроқ уни оиланинг кенжа фарзанди ўлароқ расмийлаштиришади. Бироқ Арманда Мадленанинг синглиси эмас, қизи эканини тасдиқловчи далиллар ҳам бисёр. Мадлена уни дунёга келтирганида ҳали турмуш қурмаган аёл эди-ку десак, бу унинг иккинчи фарзанди, у аввал ҳам беникоҳ бир қиз фарзанд кўргани маълум. Агар қиз ростдан ҳам Мольерники бўлса, бунга отадан сир тутишдан нима маъни? Ахир Мольер билан Мадлена маълум муддатдан сўнг яна учрашган ва деярли умрларининг охиригача дўстона муносабатда бўлган. Айтиб ўтганимиздек, Мадлена ўн ёшидан бошлаб Армандани тўққан қизидек тарбиялайди, бир қадам ёнидан жилдирмай ўстиради. Турмушга чиққанида эса унга жуда катта маблағни сеп қилиб беради. Ўлимидан олдин васиятнома ёзиб, умр бўйи йиққан бисотининг энг катта қисмини бошқа туғишганларига эмас, айнан Армандага қолдиради. Ўлим олдидан Мольер билан Армандага тинч-тотув яшашни васият қилади. Шу каби тафсилотларга таянадиган бўлсак, Мадлена Арманданинг онаси эканига шубҳа йўқ. Лекин қизнинг чин отаси ким? Бу саволга эса жавоб йўқ, у аллақачон чигал ўтмишнинг бесаноқ жумбоқларидан бирига айланган.

Айнан она ва бувининг бу борада узоқ йиллар мум тишлаганию машъум сирни ўзи билан олиб кетгани Армандага ўта қимматга тушади. У умрининг охиригача "ўз отасига турмушга чиққан бадбахт қиз" деган тавқилаънатни бўйнига илиб ўтади.

Эрининг ўлимидан сўнг Арманда ундан қолган қўлёмаларни, у ташкил этган ва умрини бағишлаган театрни сақлаб қолиш пайдан бўлди. Табиийки, Мольернинг душманлари энди уни лойга қорий бошлади. "Номи чиққан сатанг" деган ҳақоратнома "асар" пайдо бўлади. Муаллифи тайинсиз шу жирканч битик Арманда ва Мольерга шармандалик тамғасини босди. Мольер биографларини чалғитиб келган нарса ҳам – қайта-қайта чоп этилган мана шу "асар". Мольернинг дастлабки биографи – Гримаре деган ҳеч ким танимайдиган бир кимса шу янглиш йўлни бошлаб беради. Адибнинг дўсти ва ҳаммаслаги – шоир Никола Буало

“Гримаренинг бу сафсаталари ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди, у ҳатто барчага маълум гаплардан-да бехабар” деган эди. 1825 йилга келибгина Мольер ҳаёти ва ижодини ўрганишда янгича қараш шаклланди. “Беффар, Эйдор Сулье, Ташеро, Базен, Луазлер каби тадқиқотчилар ўша номаълум биограф ёғдирган маломатдан Мольер шахсиятини халос этди, унинг ҳақиқатга яқин таржимаи ҳолини ёритиб берди”, дейди рус олими М. Барро “Мольер. Ҳаёти ва ижоди” номли биографик очеркида.

Эҳтимол, Арманда чиндан ҳам Мольернинг қизидир, лекин Мольер унга уйланганида бундан бехабар бўлган-ку, дерсиз. У ҳолда ҳақиқатдан бехабар она билан буви бу шармандали никоҳга рози бўлармиди? Хўп, улар бу сирни очишга кеч қолди ҳам дейлик, кейинчалик ҳақиқат ошкор бўлгач ҳам Мольер билан Арманда ҳеч нима кўрмагандек бирга яшайвериши ақлга сиғадими?! Тўғри, одам боласи гоҳо ҳайвондан баттар, осий жонзот. Бироқ қаҳрамонимиз бундай тубанликдан йироқ шахс бўлганига ишонгимиз келади. Башарти шу мишмишлар рост бўлганида у эл ичида бош кўтариб юролмаган бўларди. Ҳарҳолда, умр бўйи риёкорлик, мунофиқлик, бадахлоқликни аямай ҳажв этган инсоннинг виждони бунга йўл қўймасди, назаримизда.

Мольер Арманда билан ўн бир йил бирга яшаб, икки ўғил, бир қиз кўрган. Тўнғич ўғлини шахсан қиролнинг ўзи чўқинтиради – унга ота тутинади. (Дарвоқе, шу фактнинг ўзиёқ Мольер ва Арманда ҳақидаги ҳалиги гап-сўзлар қуруқ уйдирма эканини тасдиқлайди. Акс ҳолда, дину черков зўр ваколатга эга бўлган ўн еттинчи асрда ҳатто ҳокими мутлақ ҳисобланган қирол ҳам бундайин айбловни рад этолмас эди.) Мольернинг иккала ўғли чақалоқлигидаёқ нобуд бўлган, фақат ўртанча фарзанд – қизигина яшаб қолган.

Мольер сил касалига йўлиққан эди, узоқ йиллар шу дард билан олишди. Унинг онаси ҳам шу хасталиқдан ёшлайин ўлим топган эди. Мольернинг шифокорларга шубҳали қараши, улардан ошкора нафратланишига сабаб ҳам аслида шу бўлса керак. Умуман олганда, узоқ йиллик тинимсиз меҳнат, сурункали касаллик, оиладаги нотинч муҳит, таъбир жоиз бўлса, шўрпешоналик, бахтиқаролик, боз устига, сўнгги йилларда қиролнинг эътиборидан қолгани метин иродали бу инсонни енгади. Аммо ягона овунчи – саҳнани, ижодни тарк этмайди у. Саҳнага садоқати шунчаликки, ўладиган куни ҳам спектаклда қатнашиб (сўнгги пьесаси “Ёлғондакам бемор”да роль ўйнаб), сўнг келиб жон таслим этади.

Хўш, нега ўлим тўшагида ётган Мольерга қарайдиган бирон дўхтир, бирон руҳоний топилмади? Нега улар бу инсондан шу қадар ҳазар қилишди? Ахир у одам боласига хос қусуру камчиликларни фош этиш ба-робари инсониятга яхшилик соғинган эмасми эди?..

HUZURBAҶSH AZOB, QUVONCHBAҶSH G'USSA

МИТТИ ФИКРЛАР

ДОСТОЕВСКИЙ. Унинг романлари иблисни ҳам маънос торттирувчи масхараомуз образларга бой.

ФЛОБЕР. У мени зерикишдан ҳам гўзаллик топишга ўргатди.

Эдгар ПО. Сфинксни яратиш учун у анатомияни ўрганди. Ўздан кейинги авлодларни ҳайратга сола олгани сири ҳам шунда.

ТОЛСТОЙ. Бирюков қаламига мансуб “Толстойнинг таржимаи ҳоли”ни ўқиб, “Иқрорнома” ва “Эътиқодим қандай?” асарларига ёлғон аралашганини пайқайсиз. Лекин бирор кимсанинг юраги ушбу ёлғон муаллифи Толстойнинг юрагичалик тепмаган. Унинг ёлғони баъзиларнинг ҳақиқатидан кўра залворлироқ, негаки, юрак қони-ла битилган.

ИККИ ФОЖИА. Очиқлик, рўй-ростлик Стриндбергнинг фожиаси эди. Толстой ҳаётининг фожеийлиги эса, қанчалик ачинарли бўлмасин, ёпиқлиги, сирлилигидадир. Шу боис унинг умри Стриндбергникидан кўра оғирроқ фожиа билан якун топди.

НОСИР. Энг яхши носир – кўпни кўрган, кўзи пишган шоир.

ГУРУР. Биз ўзимизда йўқ сифат билан фахрланишни хуш кўрамиз. Масалан, Т. олмончани яхши билади, бироқ иш столида фақат инглизча китоблар туради.

ИҚРОРНОМА. Инсон батамом иқрор бўлишга қодир эмас. Айни чоқда, иқрорсиз ўзликни тўлиқ намоён этиш ҳам маҳол. Руссо ҳарчанд уринмасин, “Иқрорнома”сида дилидагини тўлиқ тўкиб сололмайди. Мериме ҳарчанд ички оламини сир пардаси ила ёпмасин, “Коломба”да билиб-билмай ўзи ҳақида гапириб юборгандек. Иқрор адабиётини тўлиқ таъриф-тавсиф этиб бўлмайди.

МЕН. Менда виждон эмас, асаб бор.

ПУЛ. Етиб турганиданми, унга бефарқман.

ЗОЛИМ. Золимни золим деб аташ ҳаммавақт хавfli бўлган. Бугунга келиб, ажабки, қулнинг қул эканини ҳам айтиб бўлмай қолди.

ҚУЛЛИК. Қулликдан озод бўлиш – ондаги мутеликни йўқотиш демак. Лекин жамиятимиз унингсиз бир кун ҳам яшай олмайди. Ҳатто Афлотуннинг “Республика”сида ҳам қулликка ўрин бор.

КУЧЛИ ВА ЗАИФ. Кучли одам душманидан эмас, дўстидан кўрқади. У душманига тап тортмай, мардона ташланади-ю, дўстига ногоҳ зиён етказишдан чўчиб, ёш бола ҳолига тушади. Заиф кимса эса дўстан эмас, душмандан кўрқади, шу боис дарди-хаёли ғанимда бўлади.

АХИЛЛЕС. Юнон қаҳрамони Ахиллеснинг энг қалтис жойи – товони эди. Демак, Ахиллеснинг товони ҳақида билмай туриб, уни билиб бўлмайди.

ГИНАХОНЛИК. Мусо деди: Най чалиб бердик, ўйнамадингиз. Улар деди: Дардли кўшиқлар айтдик, йиғламадингиз.

ЎРТАМИЁНАЛИК. Ўртамиёна асар, ҳар қанча маҳобатли бўлмасин, худди дарвозасиз уйга ўхшайди – энг оддий талабга ҳам жавоб бермайди.

МОДДИЙ БОЙЛИК. Моддий бойликдан маҳрумлар маънавий бойликдан ҳам маҳрумдир – икки минг йил аввал шундай эди. Ҳозир аҳвол бошқача – моддий бойлик эгалари маънавий бойликдан маҳрумдирлар.

БАҲС. Қирқоёқ: “Қани юриб кўр-чи”. Капалак: “Қани учиб кўр-чи”.

БОЛАЛАР. Нега ёш болаларни яхши кўрамыз? Чунки улар бизни алдамаслигига имонимиз комил.

ТАБИАТ. Нечун табиатни севамыз? Негаки, табиатга ҳасад бегона.

ИКИР-ЧИКИРЛАР. Ҳаётда бахтиёр бўлмоқ учун кундалик икир-чикирларни севмоқ лозим. Булутнинг қуёш нурида товла ниши, бамбукнинг шивири, чумчуқлар чуғури, ўткинчилар қиёфаси – бундай кундалик майда-чуйдалардан баҳра ола билмоқ керак. Шуларни яхши кўрганлар улар туфайли қийналади ҳам. Бақатўн қоплаган ҳовузга сакраган бақа азалий мунг-андуҳни бузди. Бироқ ўша бақанинг ўзи чуқур мунг-андуҳни ҳис этган-



дир балки. Басё ҳаёти аслида роҳат-фароғатга тўла эди, бироқ атрофдагилар наздида у нуқул азоб-уқубатда яшади. Биз ҳам кичиккина нарсадан ҳузурланиш учун ўша кичкина нарсадан азоблана билмоғимиз лозим. Кундалик икир-чикирлар ташвишини чекмай бахтга эришолмаймиз. Булутнинг ял-ял товланиши, чумчуқлар чуғур-чуғури... ва шулар оша жаҳаннам азобини ҳам кўрмоқ лозим.

ТЕНТАК ҲАЁТИ

Ҳаёт ҳақида

Ҳаёт бамисоли гугурт қутиси. Унга жиддий муносабатда бўлиш ўтакетган бемаънилик, писанд қилмаслик эса – хавfli.

Ҳаёт – варағи йиртиб олинган китобга ўхшайди. Уни тўқис деб бўлмаса-да, у барибир тугал.

Ҳаёт – мураккаб. Фақат зўравонликкина мураккаб ҳаётни оддий қила олади. Шу боис ҳам маданий одам, башарти тош асри кишисидек ўйласа, баҳс-мунозарадан куч ишлатишни афзал кўради. Ҳокимият, асли, қонуний зўравонлик. Одамларга ҳукмронлик қилишга, эҳтимол, зарурият бордир. Эҳтимол, йўқдир.

Инсонийлик

Нечоғли ачинарли, ҳайратланарли туюлмасин, инсонийликка таъзим бажо этишга жасоратим етмайди. Боз устига, анча-мунча ҳолларда инсонийликдан нафратланаман – яшириб нима қилдим, бу ҳақиқат. Гоҳи инсонийликка меҳр-муҳаббат ҳам туюман. Бу чиндан-да меҳр-муҳаббатми? Балки муҳаббат эмас, раҳм-шафқат, ҳамдардликдир. Ҳарҳолда инсонийлик кишини ўйлантирмаса, ҳаяжонга солмаса, ҳаёт чидаш мушкул азоб, нақд жинниҳонага айланиб қоларди. Оқибат эса мудҳиш бўларди – инсон Свифт каби телбага айланарди. Айтишларича, Свифт ақлдан озиш арафасида дарахтнинг қуриган шохига термулиб “Мен худди ана шу оғочга ўхшайман, бариси бошдан бошланади”, деб шивирлаган экан. Шуни эсласам, вужудимни кўрқув, титроқ босади. “Свифт сингари даҳо бўлиб туғилмаганимга минг бор шукр”, дея ич-ичимдан суюнаман.

Оққуш тулуми

У батамом кучдан қолгач, таржимаи ҳолини ёзишга қарор қилди. Аммо дафъатан бу иш осон эмаслигини англаб қолди. Унга худписандлик, ўзига ишончсизлик ва эҳтиёткорлик халал берар эди. Шунинг учун ҳам у ўзидан нафратлана олмасди. Бошқа томондан, “тери шилинса, тагида яна шундай тери бўлади” деган фикр бошида айланарди. Барча таржимаи ҳолларга “Шеърият ва ҳақиқат” деб сарлавҳа қўйиш мумкин деб ўйларди у. Боз устига, бадий асар ҳаммани бирдек таъсирлантирмаслигини у яхши биларди. Ёзганлари ўзига ўхшаган, унингдек ҳаёт кечирийдиган кишилар қалбигагина акс садо бериши мумкин.

У ана шундай кайфиятда эди. Шу боис “Шеърият ва ҳақиқат” ини мухтасар қила қолди. У “Тентак ҳаёти”ни ёзиб бўлгач, ногаҳон оққуш тулумини кўриб қолди. Оққуш бошини баланд кўтариб турар, сарғайиб кетган қанотларини эса куя еган эди. Ўтмишини ёдга олди, томоғига аччиқ нола тиқилганини ҳис этди. Олдинда уни тентаклик ва худкушлик кутарди. Тунда, кўчада паймонаси тўлишини сабр ила кутишга қарор қилди.


Монархия

Ушбу воқеа XVII асрда Францияда рўй берган. Бир куни Бургундия герцоги аббат Шуазига бундай савол берибди: “Карл Олтинчи калта ўйлайдиган одам эди. Сизнингча, буни қай тарзда ётиғи билан, юмшоқроқ қилиб билдирса бўлади?” Аббат жавоб берибди: “Мен лўнда қилиб, Карл Олтинчи калта ўйлайдиган одам, деган бўлардим”. Аббат Шуази ўша жавобини ўз ҳаётидаги энг мардонавор қадам деб ҳисоблар ва шу билан фахрланиб юраркан.

XVII асрда Франция монархия руҳи билан тўйинган эса-да, бу латифани унутиб юбормади. XX асрдаги Япония ўша давр Франция монархиясидан заррача бўлсин қолишмайди. У на шодлик ва на бахт келтиради.

Сайди УМИРОВ таржимаси






SARG'AYMAS SAHIFALAR

Qosimjon SODIQOV
mutolaa qiladi

ТУРКИЙ СЎЗЛАР ХАЗИНАСИ

K â ş g a r l ı Mahmud. Divânu Lugâti't-Türk. Giriş-Metin-Çeviri-Notlar-Dizin. Hazırlayanlar: A.B. Ercilasun, Z. Akkoynlu. Ankara, 2014.



“Девону луғатит-турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарининг туркча янги таржимаси чоп этилди. Мазкур асар ҳозиргача ўзбек, турк, уйғур, инглиз, рус, озарбойжон, форс тилларига таржима қилинган. Девонни илк бора Б. Аталай турк тилига ўгириб, чоп эттирган. Ўзбек тилида эса С. Муталлибов 1960–63 йилларда уч жилдда нашр қилдирган, кейинроқ унинг индекси ҳам чиқарилган. Асарнинг янги туркча таржимаси туркологиядаги сўнги назарий қарашлар, амалий ютуқларга таянган ҳолда қилингани, қўлғамнинг муҳим жиҳатлари инобатга олингани билан ажралиб туради.

“Девону луғатит-турк” эски туркий тилнинг бой луғати ва мукамал тузилган грамматик асаридир. Китобда туркий сўз ва ибораларнинг маъноси халқ қўшиқларию дostonларидан олинган парчалар орқали очиб берилган. Асарни ёзгунга қадар муаллиф турли мазмундаги халқ дostonлари ва қўшиқларини тўплаган. Луғатда келтирилган шеърӣй тўртлик ва байтлар қадимги туркий оғзаки адабиёт қанчалар бойлигидан дарак беради. Бу шеърӣй асарлар турли даврларга оид бўлиб, айримларининг илдизи икки ярим минг йил нарига узанади.

Сўз маъноларини очиқлашда шеърӣятга мурожаат этиш Маҳмуд Кошғарийнинг улуг кашфиётидир. Ҳақиқатан, шеърӣй мисолларда сўзнинг поэтик маъноси, энг нозик қирралари намоён бўлади. Буни кейинги давр луғатчилигида ҳам кузатамиз. Хусусан, эски ўзбек тили, ўзбек классик ижодкорлари асарлари бўйича тузилган луғатлар айна шу анъанага мансуб.

Девонда келтирилган лирик тўртликлардан бири **ивриқ** сўзи билан боғлиқ. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, **ивриқ** – кўзача, май ичиладиган жўмракли идишдир. Мазкур

атаманинг поэтик маъносини очиш учун муаллиф ушбу шеърни ўрнак қилиб келтирган:

*Ивриқ баши қазлайу,
Сағрақ тўлу кўзлайу,
Сақинч қуди кезлайу,
Тун-кун била севналим.*



Ивриқ баши – май идишининг жўмраги англамида; **қазлайу** – ғоз каби дегани (**-лайу** – ўхшатиш қўшимчасидир); **сағрақ** – ивриқнинг туби; **Сағрақ тўлу кўзлайу** – Ивриқнинг туби кўз косасидек тўлган деган маънони англатади. Яна бир жиҳати: ушбу ташбеҳда “ивриқдаги май” – муҳаббат рамзи, идиш тубининг майга тўлаллиги – қайғу-алам, айрилиққа ишорадир. Буни кейинги сатрда унинг **сақинч** сўзи билан берилгани ҳам тасдиқлаб турибди; **кезлайу** – асли беркитиб, яшириб, деган маънони ифодаласа-да, бу ерда қайғу-аламга нисбатан қўлланаётгани боис уни ташлаб, кўмиб, улоқтириб дея тушунмоқ керак.

Бу шеърда айтилмоқдаки: “Ивриқнинг (май идиши) боши ғоз кабидир, туби кўздай (косаси) ёшга тўлган. Қайғуни унинг тагига кўмайлигу туну кун севинайлик”.

Яна бир шеър **тузақ** сўзи билан боғлиқ. Кошғарий **тузақ** сўзининг икки маъносини таъкидлаган: биринчиси – ов арқони, тузоқни билдиради; иккинчи маъноси – киши ўз севиклисига суюб айтадиган сўзи. Муаллиф ушбу маъноларни очиқлаш учун қуйидаги тўртликдан фойдаланади:

*Иглади менинг адақ,
Кўрмадип ўғри тузақ.
Игладим андин узақ,
Эмлагил эмди, тузақ.*

Мазкур шеърдаги **иглади** – яралади (**иг** – касал сўзидан); **кўрмадип** – кўрмай; **эмлагил** – даволагил дегани (**эм** – даво сўзидан); **тузақ** сўзи эса икки маънода: **ўғри тузақ** – яширин тузоқ; сўнги қатордагиси эса кўчма маънода бўлиб, севикли ёрни англатади. **Эмлагил эмди, тузақ** жумласида “Эй севгилим, энди дардимни ўзинг давола” дея ёрга илтижо қилинмоқда.

Демак, тўртликнинг маъноси қуйидагича бўлади: тузоқни кўрмай, оёғим илинди. Узоқ қийналдим, эй севиклим [яъни **тузақ**], энди ўзинг давола.

“Девону луғатит-турқда”ги энг гўзал ташбеҳли лирик шеърлардан бири **бутақ**, яъни “бутоқ” сўзи билан боғлиқ. Кошғарийнинг ёзишича, шеваларда бу сўзнинг **бутиқ** шакли ҳам ишлатилган. Луғатда бундай байт берилган:

*Ким айип, эштур қулақ:
Ай эви артуч бутақ?*

Ай эви – “Ойнинг уйи” бирикмаси Ой буржини ҳам англатади; қадимги туркийда “бурж” ҳам **эв** дейилган; **артуч бутақ** – санубар дарахтининг боғи; **ай эви артуч бутақ** жумласи ойнинг уйи санубар бутоғидадир деган маънони англатади. Бу ўринда маъшуканинг бўй-баста санубар дарахтига, унинг юзи эса ойдин кечада санубар ортида кўринаётган тўлин ойга менгзалмоқда. Тўлин ой гўё санубар дарахтига кўниб тургандек шоир тасаввурарида. “Ойнинг уйи санубарнинг бутоғидир, деб ким айтган ва (бундай чиройли сифатни) қайси қулоқ эшитган?” дея ҳайратланмоқда у. Қадимги туркий лириканинг шоҳ сатрларидан деса бўлади бу байтни.

Гўзал ташбеҳли бошқа бир мисол. Луғатда **йулақ** деган сўз берилган. Муаллифнинг таъкидлашича, бу сўз бир қанча ирмоқ; жилғалар маъносини англатади. Унинг поэтик моҳияти қуйидаги байтда яхши очилади:

*Ақтурур кўзум йулақ,
Туш қилур ўрдақ, йуғақ.*

Байтда кечган **актурур** – оқизади; айна сатрдаги **йулақ** сўзи кўзёшига ташбех қилинмоқда; **туш қилур** – бошқа бир ўринда худди шу байт келтирилиб, унда **тушланур** деб берилган, бу сўз ингичка талаффуз қилинади – (сувга) кўнади маъносидадир; **йуғақ** – ўрдақ сингари сувда сузувчи қушнинг номи.

Бу билан муаллиф айтмоқдаки, “Кўзимдан оққан ёш жилғаларга айланмоқда. Унга ўрдақ ва бошқа сув қушлари кўнаётир”. Нақадар гўзал байт!

Луғатда халқ мақолларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Асар муаллифи мақолларни изоҳлагач, улар қай ҳолатларда истифода этилишини ҳам келтириб ўтади. Масалан, **Қаз кўпса, ўрдақ кўлуг иганур**. Маъноси: Ҳоз кўтарилса, кўл юзини ўрдақ эгаллайди. Бу мақол, муаллифнинг таъкидлашича, бир қавмнинг буюқлари ўтса, ўрнига келадиган кичикларга қарата айтилади.

Йилан кенду эгрисин билмас, тева бўйнин эгри тер. Маъноси: Илон ўзининг эгрелигини билмайди-да, туянинг бўйнини эгри дейди. Бу мақолда бошқалардан айб излайдиган кишига ишора бор.

Бошқа бир мақол **кўк** сўзининг маънолари билан боғлиқ. Кошғарийнинг таъкидлашича, бу сўзнинг бир қанча маъноси бўлган: кўк, осмон; илдиз; уруғ; эгар боғичи. Мисол сифатида бундай мақол келтирилган: **Эр сўзи бир, эдар кўки уч**. Маъноси: Эракнинг сўзи бир, эгар қобурғасининг боғичи учтадир, бундан оз бўлса, киши устига ўтиролмайди.

Кошғарийнинг ёзишича, **қатун** – Афросиёб уруғидаги хотинларнинг унвони. Бу сўз билан боғлиқ шундай мақол бор: **Хан иши бўлса, қатун иши қалир**. Маъноси: Хоннинг иши чиқса, хотуннинг иши қолади. Бунга муқобил равишда “Оллоҳнинг дарёси оққанда, Исонинг дарёси тўхтаб туради” мазмунидаги арабча мақол ҳам эсланади.

Асарда келтирилган халқ мақоллари бадиий-услубий жиҳатдан пухта ва ихчам, тили равон, жумласининг бутоғи йўқ. Яна уларда ўхшатиш, қаршилантириш ва бошқа шу сингари бадиий санъатлардан кенг фойдаланилган.

Бири **қиз** сўзи билан боғлиқ: **Қалинг берса қиз алир, керак бўлса, қиз алир**. Маъноси бундай: Қалин бериб қиз олади, керак бўлса, қиммат нарсани ҳам олади. Ушбу мақолда **қиз** сўзи икки маънода келган: биринчиси – қиз, бокира; кейингиси – қимматбаҳо.

Қадимги туркийда **туз** сўзи йўгон талаффуз этилса, ош тузини англатган. **Аш татиғи туз, йўғрин эмас**. Маъноси: Овқатнинг мазаси туз билан, бироқ қуруқ тузнинг ўзи ейилмайди. Ушбу мақолда ишдан олдин мақсадни аниқ белгилаб олиш муҳимлиги уқтирилади.

Туз сўзи ингичка айтилса, текис, тўғри, чин сингари англамларда келади. **Тегма киши ўз бўлмас, йат-йағуқ туз бўлмас**. **Тегма** – ҳар кимса, **йат-йағуқ** – ёт ва яқин; **туз** – тўғри, текис. Маъноси: Ҳар кимса ўз бўлмас, бегона ва яқин тенг бўлмас.

Мақолларнинг айримларида ҳайвон, қуш ва паррандалар тўғрисида сўз боради. Шундай эса-да, улар кишиларга бевосита тааллуқли:

Қуш баласи қусинчиг, ит баласи ўхшанчиг. Маъноси: Қушнинг боласи йирганчиг, итнинг боласи ёқимли, қўғирчоқдай.

Итқа увут етса, улданг эмас. Маъноси: Ит аразласа, каллапача ташласанг ҳам емайди.

Мақол – халқнинг юз йил кузатиб, бир айтган сўзи. Ҳаёт ҳақиқати бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Халқ мақолларининг кучи мантиқда, фалсафасининг мангулигидадир. Шунинг учун улар киши кўнглига осон ўтиради. Мана масалан:

Эл қалир, тўру қалмас. Маъноси: Эл кетар, одат қолар.

Куч илдин кирса, тўру тунглюктин чиқар. Маъноси: Куч пойгақдан кирса, инсоф туйнукдан чиқар.

Тева мунуп қўй ара йашмас. Маъноси: Туя минган қўйлар орасига яширинолмайди.

Агилда ўғлақ туғса, ариқда ўти унар. Маъноси: Оғилда улоқ туғилса, ариқда ўти унар.

“Девону луғатит-турк” янги таржимасининг ўзига яраша ютуқлари бор. Хусусан, аввалги нашрларда туркий сўз ва жумлаларни ўқишда йўл қўйилган хатолар, матн талқини билан боғлиқ камчиликлар тузатилган, тушиб қолган ўринлар тўлдирилган.

Асарга илова қилинган сўзликнинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти катта. Сўзлик синчковлик-ла тузилган бўлиб, асар луғат қатламини тўлиғича қамрайди.

Шунга қарамай, матннинг айрим мулоҳазага ундовчи жойлари ҳам йўқ эмас. Бу кўпроқ транскрипция билан боғлиқ.


Транскрипцияда [к] билан [к] товушлари учун ҳозирги туркча имлодаги каби бир ҳарф (к) қабул қилинган: **urmak** (урмоқ) ва **ürmek** (итнинг ҳуриши) сингари. Йўғон [ғ] ва ингичка [г] товушлари учун ҳам шундай: уларнинг иккови транскрипцияда **g** ҳарфи билан берилди: **oguz** (ўғуз), **ögüz** (дарё), **ugur** (вақт), **ügür** (қўй уюри) сингари. Бу товушларни транскрипцияда имкон қадар фарқлаш лозим. Чунки қўлзмада [к] товуши “қāф”, [ғ] товуши “ғайн”, [к] ва [г] товушлари “қāф” ҳарфи билан берилган.

Яна сўзнинг иккинчи ва ундан кейинги бўғинларида келувчи ингичка [ä] товуши транскрипцияда [e] билан берилган: **kökler**, **köklemek** (эгар боғичини боғлар, боғламоқ). Бизнесча, бундай сўзлар [ä] билан **köklär**, **köklämäk** шаклида берилгани маъқул. Акс ҳолда бу товуш сўзнинг биринчи бўғинида, масалан, **er** (киши), **etük** (этик), **enük** (арслон боласи) сўзларида келувчи [e] билан қоришиб кетади.

Лекин бу жузъий сакталиқлар матннинг илмий ва амалий аҳамиятини камайтирмайди. Моҳиятини англаб олган ўқувчи матнни тўғри тушунади.

БИТИКЛАРГА ИНГАН ТАРИХ

Уйгурские деловые документы X–XIV вв. из Восточного Туркестана. Перевод с древнеуйгурского Л.Ю. Тугушевой. Факсимиле рукописей. Москва, “Наука – Восточная литература”, 2013.



Ўтган аср бошларида рус ва Ғарбий Европа олимларининг Шарқий Туркистонга, хусусан, Турфон воҳасига уюштирган илмий экспедицияларида кўҳна харобалар, илк ўрта асрларга оид ёдгорликлар, қўлзмалар топилди. Қўлзмалар орасида турк-моний ва будда жамоаларига тегишли ҳужжатлар ҳам бўлиб, улар эски туркий-уйғур ёзувидадир. Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжатлар дунёнинг йирик қўлзма фондларига тарқаб кетган.

Салмоқли қисми Берлиндаги Бранденберг академиясининг қўлзмалар фонди, Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлзмалари институти ва Урумчидаги Тарих музейида сақланаётир.

Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлзмалари институти ўша ҳужжатларнинг катта қисмини чоп этди. Асарни таниқли турколог Л.Тугушева нашрга тайёрлаган. Китоб манбаси институт фондида сақланаётган эски уйғур ёзувидаги қўлзма ҳужжатлар ҳамда васиқа фотонусхаларидир.

Ҳужжатлар, мазмунига кўра, туркумланган. Булар – қул, жория, ер, узумзор, бўз ва шу сингари мол-мулк олди-сотдиси; буюм ё мулкни насияга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар; хўжалик ёзувлари; турли мазмундаги ҳужжатлар; мактублар ва кўрсатма-буйруқлар (ёриқлар).

Китобда берилган расмий ҳужжатларнинг асосий қисми васиқалардир. **Васиқа** – озод қилиш, кишилар ўртасидаги олди-берди, гаровга қўйилган буюм, сотилган ёки насияга олинган мулк, меросни тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат, тилхат. **Васиқа** сўзи атама сифатида ислом давридан бошлаб қўлланган. Ўтмишда эса уни ялписига **bitug** деб, бошқаларидан фарқлаш учун, қарз олиш васиқаси **ўтуг bitug**, васиятнома **қумару bitug**, қулнинг озод қилингани ҳақидаги васиқа **бўш bitug** деб аталган.

Васиқа ҳужжат туздирётган кимсанинг, олувчи ва берувчининг кўз ўнгида, икки-уч киши гувоҳлигида тузилган, уларнинг имзоси, белги-тамғаси билан тасдиқланган. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган кундан кучга кирган, расмийлашган.

Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлзмалари институти фондида сақланаётган ФВ 277/6,73+81 кўрсаткичли васиқа Балтир отли темирчи қул ва Айсилиғ отли бўзчи жориянинг ўз хўжайинига билдирмай турмуш қургани сабаб тузилган ва унда мазкур никоҳ расмийлаштириб қўйилган:

Барс йил, тўкузунч ай, алти ўтузқа, биз – Ўтузнунг Балтур атлиғ темирчи қарабаш, Тўйин-чўғнунг Айсилиғ атлиғ эбчи-қарабаш бўзчи, бу икагу бег эрларинга айтмадин, эр-ебчи бўлмишлар. Кин мен, Тўйин-чўғ Ўтуз била эшитип, адирмадин,

Тўйин-чўғнунг эбчи-қарабашнинг бертин Тўйин-чўғ-ўқ алир-мен. Мен, Ўтузнинг темирчи қарабашнинг бертин мен, Ўтуз-ўқ алир-мен. Мен, Ўтуз қулумнунг неку эрсар бар теп Тўйин-чўғқа, эбчика чам қилмаз-мен. Мен, Тўйин-чўғ менинг кунгнунг неку эрсар бар теп Ўтузқа, қулқа чам қилмаз-мен.

Тануқ – Қарик, тануқ – Чавсу, тануқ – Ўтуган Темир. Бу тамга биз икагунунг-ўл. Мен Мўнгўл Буқа айитип битидим.

Васика матнининг маъноси бундай: “Барс йили, тўққизинчи ойнинг йигирма олтинчисида, биз – Ўтузнинг Балтур отли темирчи кули, Тўйин-чўғнинг Айсилиғ отли бўзчи жорияси, булар иккови ўз хўжайинига айтмай, эр-хотин бўлиб олибдилар. Кейин мен, Тўйин-чўғ Ўтуз билан эшитиб қолиб, иккисини бир-биридан айирмай, Тўйин-чўғ жориясининг берт тўловини мен, Тўйин-чўғгина олурман. Мен, Ўтузнинг темирчи кулининг берт тўловини мен, Ўтузгина олурман. Мен, Ўтуз ўз қулим билан ҳақимиз бор дея Тўйин-чўғга, жорияга даъво қилмайман. Мен, Тўйинчўғ мен ва жориянинг ҳақимиз бор дея Ўтузга, қулга даъво қилмайман.

Гувоҳ – Қарик, гувоҳ – Чавсу, гувоҳ – Ўтуган Темир. Бу тамга биз, иккимизникидир. Мен, Мўнгўл Буқа сўраб (уларнинг айтгани бўйича) ёздим”.

Матнда **Тўйин-чўғ** исмининг учраши васиқани турк-буддавийлар тузганидан дарак беради; **тўйин** сўзи эса будда руҳонийси, уламосини англатади.

Илк ўрта асрлардан қолган туркий ҳужжатлар стереотип бирликлар – тез-тез такрорланувчи, бир хил кўринишдаги, услубий жиҳатдан ихчам сўз бирикмалари ва жумлаларга бой. Стереотип бирликлар ҳужжатни муайян қолипга солиш, унинг жанр-услубий хусусиятини шакллантириш, матннинг ҳуқуқийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Расмий матнни шакллантирувчи ҳар бир компонентнинг ўз қолипи бор. Жумладан, олди-берди васиқалари (тилхатлар) бошида қарз олинган вақт ва унинг миқдори қайд этилади. Сана йил-ой-кун шаклида берилади, сўнг томонлар исмлари кўрсатилади. Қарз олинувининг сабаби **кержак бўлуп** бирикмаси билан ифодаланади, гапнинг кесими эса **алдим** сўзи билан тугайди.

Ҳужжатни бошқа бир кимса (масалан, бирор расмий шахс) битган бўлса, якунловчи жумлада **айитип битидим** бирикмаси келади.

Ушбу бирикманинг **инчка айтип битидим** шакли ҳам бор, у “унинг оғзидан аниқ сўраб ёздим” деган маънони англатади.

Олди-берди, савдо-сотиқ амалга оширилган ва ҳужжат тузилган кунни кўрсатиш учун **битиг қилмиш кун уза** бирикмаси қўлланган. Бунинг **сатиғ қилмиш кун уза** варианты ҳам бор. Бу – сотилган кун билан; сотилган кунда дегани. Масалан, Сўлда оғадан бўз олингани ва унинг эвазига узумзор сотилгани тўғрисидаги ҳужжатда ўқиймиз: **Бўрлуқнинг сатиғи ўз ики бағ бўзни битиг қилмиш кун уза мен, Сада тугал алдим – Узумзорнинг баҳоси – юз икки боғ бўзни, ҳужжат тузилган кун мен, Сада тугал олдим.**

Қадимги туркий ҳужжатлар ҳуқуқий жиҳатдан пухта ёзилган. Бу эса туркий ҳужжатчилик узоқ тараққиёт босқичидан ўтганини англатади. Яна бир жиҳати, айрим васиқалар матнининг оддийлиги демаса, айтарли бари саводли битилган.

Шу ўринда илк ва ўрта асрлардан қолган ҳужжатлар услубининг муҳим қирраси тўғрисида икки оғиз сўз. Расмий услуб аниқ ва равшанлиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, турли бадий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўлчовни қадимги туркий тилдаги расмий битикларга, қолаверса, ўрта аср ҳужжатчилигига нисбатан қўллаш тўғри эмас назаримизда. Уларда оғзаки ва бадий услубга хос воситалар ҳам учрайди. Битувчи-котиблар фикрни теран ифодалаш, унинг таъсирини кучайтириш, мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун ўрни билан бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Яъни расмий услубга оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда бадий тафаккур, қадимги туркий адабиётнинг ҳам таъсири бўлган.

Турфондан топилган туркий ҳуқуқий ҳужжатларни аввал В.Радлов, А. Лекко, С. Малов, А.Габен, Н.Ямада, Р.Арат, П.Зиме ва бошқа туркологлар нашр эттирган. Л. Тугушевнинг ўзи ҳам журнал ва илмий тўпламларда айрим ҳужжатларни чоп эттирган. Лекин

ушбу нашр айрим афзалликлари билан аввалгилардан ажралиб туради. Айниқса, ўтган аср бошлари ва ўрталарида амалга оширилган ишларда матннинг ўқилиши ва талқини билан боғлиқ нуқсонлар бўлган. Ҳатто муайян бир ҳужжатни ўқиш ва талқин қилишда олимлар ўртасида турли фикр-қарашлар бор ва бу баҳс-мунозаралар ҳозиргача давом этаётир. Л.Тугушева ҳуқуқий соҳадаги сўнги ёндашувларни инобатга олган ҳолда, расмий битикларни қайта кўриб чиқди. Бу китоб бурунги нашрларга қиёсланса, олиманинг ютуқлари яққолроқ намоён бўлади.

НУР – ШАРҚДАН

Муҳаммадҷон Ҳ а к и м о в. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент, "Davr press" НМУ, 2013.

Таниқли олим Муҳаммадҷон Ҳақимов ёзиб қолдирган "Шарқ манбашунослиги луғати"нинг чоп этилиши ўзбек адабий манбашунослигида муҳим воқеа бўлди. М. Ҳақимов бутун илмий фаолиятини ўзбек классик манбаларини, қўлёзма асарларни ўрганишга бағишлаган фидойи олимлардан эди. У адабий манбашунослик соҳасида "Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи" (1986), "Алишер Навоий "Хамса"сининг қўлёзмалари тавсифи" (1986), "Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар" (1991) номли китоблар ёзди. Ўзбек манбашунослари орасида Муҳаммадҷон аканинг қўлёзма китоблар бўйича тузган тавсифлари оригиналлиги, мукамаллиги, кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Қўлёзмаларни тавсифлаш йўлларини шу олимнинг ишларидан ўрганмоқ лозим; айниқса, монографик тавсифни ундан ўтказиб яратган манбашунос йўқ, бизнингча.

Олим ўзбек китобати ва ёзув маданияти тарихи билан ҳам жиддий шуғулланди.

Талай манбаларни ўрганиш асносида у шарқ қўлёзмаларига оид атамалар изоҳли луғатини тузишга киришди. Луғат узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти чоп этиб келган "Адабий мерос" илмий тўплами сонларида қисм-қисм қилиб бо-силган. Кейинроқ у луғатни шарқ манбашунослиги бўйича атамалар билан бойитди.

Манбашунослик луғати олим ҳаётлигида тугалланган, бироқ китоб ҳолида нашр этилмай қолган эди. Эзгу ишнинг кечи йўқ экан. Орадан йиллар ўтиб, манбашунос Юсуф Турсуновнинг саъй-ҳаракати билан "Адабий мерос" сонларида чоп этилган парчалар ва олимнинг иш столи ғаладонида қолган қўлёзмалари китоб ҳолида нашр этилди.

Луғат шарқ қўлёзмалари, адабий ва тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар асосида яратилган. Унда шарқ китобат санъати, ёзув маданияти тарихи, адабий манбаларнинг тузилиши, турлари, илмий ва илмий-танқидий матн тузиш принциплари, қўлёзма китобларни тавсифлаш – адабий манбашунослик ва матншуносликнинг барча қирралари қамраб олинган. Олий ўқув юрти талабаларигина эмас, манбашунос ёки матншунос мутахассис ҳам, кези келганда, бундай луғатга эҳтиёж сезади. Қўлёзма билан ишловчи мутахассис ҳам баъзан айрим ҳолатларнинг қандай аталишини билмай қолади. Шундай пайтларда манбашунослик луғати кишига асқатади.

Шу ўринда *пойғир* атамасига берилган таъриф билан танишинг: "**Пойғир** – Шарқ қўлёзмаларида варақлар ва саҳифаларнинг кетма-кетлиги, изчиллиги рақам билан кўрсатилмаган. Варақларнинг изчиллиги пойғир орқали белгиланган. Бунинг учун матн тугаган (ўнг) саҳифанинг тагига кейинги (чап) саҳифадан бошланадиган матннинг битта ёки иккита сўзи ёзиб қўйилган. Бу сўз пойғир ёки пойи варақ (варақ таги) деб аталади. Ана шу сўз – пойғирга қараб кейинги саҳифа матни аниқланган. Шу тартибда қўлёзмага бошидан охиригача пойғир қўйилган. Бошқача айтганда, қўлёзма Шарқ китобат усули бўйича рақамлаб чиқилган. Пойғир қўлёзма китобларнинг мукамаллиги ёки нотўлиқлигини (варақларнинг тушгани, йиртиб олингани) аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун хаттотлар қўлёзмани кўчиришда пойғирга жиддий эътибор берган".

Тамға атамаси эса бундай изоҳланади: "**Тамға** – 1. Турк, мўғул халқлари орасида қабила, уруф, кейинчалик давлатнинг рамзи, муҳр. 2. Қўлёзма китобларнинг муқовасида



(хар икки тоқасининг усти) безак сифатида саҳхоф томонидан босиладиган ўйма тўртбурчак белги, тамга. Муқованинг устини уч тамғали (пастки ва юқориси кичикроқ, ўртадагиси каттароқ) қилиш қатъий аънаанага айланган. Камдан-кам қўлёзмаларнинг муқоваси кўп тамғали бўлади. Бунда муқованинг тўрт атрофи четларига тамга босилади. Кўп ҳолларда тамга ичида ёзув ҳам бўлади”.

Шарҳланган истилоҳлар, асосан, тарихий манбалардаги асл номлари билан берилган. Масалан, **туркча хат** атамасини изоҳлашда Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий асарларида қўлланган атамаларга таянилган: “**Туркча хат** – бу истилоҳ Алишер Навоийнинг “Муншаот” асарида учрайди. Навоий бу истилоҳ билан эски уйғур ёзувини назарда тутган. XI аср тилшуноси Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит-турк” асарида эски уйғур ёзуви ва унинг алифбосини таърифлаганда “турк ёзуви” деб атайди...” “Туркча хат”, яъни эски уйғур ёзувида битилган ёзишмаларни давлат девонида ўқиб чиқишда қийинчиликлар туғилган. Бундан маълум бўладиги, XV аср охирларида Хуросоннинг девон ва маҳкамаларида уйғур ёзувиغا эътибор сусайган, бу ёзувдаги расмий ҳужжатларни эркин ўқий оладиган мирзолар камайган.

Машҳур рус манбашуноси ва матншуноси Д.Лихачев “Текстология. На материале русской литературы X–XVII вв.”, “Текстология. Краткий очерк” сингари ўлмас асарларни яратиб кетди. Ҳозирги текстология фани ана шу жиддий тадқиқотларга эргашади, улардан андаза олади. Олим эски славян манбаларини ўрганиб манбашунослик ва матншуносликнинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Ўзбек олимлар ҳам шу каби жиддий илмий ишларга қўл урмоғи лозим. Бироқ, таъкидлаш жоизки, шарқ қўлёзма манбалари – бошқа бир олам. Уларда матн мазмуни, тузилиши, бадиий-эстетик хусусиятлари, маънавий аҳамиятига катта эътибор қаратилган. Шарқ қўлёзмаларининг ўзига хослиги матн таҳририда ҳам кўзга ташланади. Муайян муаллифнинг бир даврда икки хаттот кўчирган қўлёзмалари ҳам бир-биридан фарқлиниши мумкин: матн таҳрири асарни буткул ўзгартириб юборади. Яна бир жиҳати, классик ижодкор асарни ёзиб тугаллаш билан кифояланмаган. Кейинги куллиётларда, девон тузиш жараёнида уни қайта кўриб, жиддий ўзгартишлар киритган. Тадқиқотчи шарқ қўлёзмалари устида ишлаганда бундай ҳолатларни назардан четда қолдирмаслиги керак. Хуллас, Шарқ қўлёзма манбаларига ўзига хос илмий ёндашув талаб этилади.

Ўзбек манбашунос ва матншунослари олдида шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ва нашрга тайёрлаш бўйича тўпланган билим ва амалий тажрибага таянган ҳолда иккита йирик монографик тадқиқотни яратиш вазифаси турибди: биринчиси – ўзбек адабий манбашунослиги; иккинчиси – шарқ, хусусан, ўзбек классик текстологиясига даҳлдор.

Муҳаммаджон Ҳақимов домла билан (Оллоҳ раҳмат қилсин) Қўлёзмалар институтида кўп йиллар бирга ишладик. У ўзбек манбашунослигида сезиларли из қолдирди. Китоблари манбашунос ва матншунос мутахассислар учун узоқ вақт хизмат қилиши шубҳасиз.

МАШОЙИХЛАР СЎЗИГА ИХЛОС

Tazkira-yi Awliya in the Uyghur script. Part I. Introduction and text in transcription. Sugahara Mutsumi. Kobe City College of Nursing, 2007.

Tazkira-yi Awliya in the Uyghur script. Part II. Japanese translation with notes. Sugahara Mutsumi. Kobe City College of Nursing, 2008.

Япониялик таниқли турколог, ўзбекшунос Суғаҳара Мутсуми “Тазкират ул-авлиё” асарининг эски ўзбек тилидаги версиясини икки жилдада чоп эттирди. Китобнинг биринчи жилдада асар матнининг лотин ҳарфлари асосидаги транслитерацияси ва унинг транскрипцияси берилган. Иккинчи китобдан эса асарнинг японча таржимаси ва изоҳлар ўрин олган.

Улуғ мутасаввиф Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асари теурийлар замонида – XV асрнинг биринчи ярмида туркий тилга ўгирилган эди. Асар ўрта асрлар адабий муҳити ва таржима адабиётининг муҳим ёдгорлиги саналади. Туркий



версиянинг илк нусхаси эски туркий-уйғур хатида, қолган қўлёзмалари эса араб хатида. Асарнинг туркий ўғирмадаги номи форсча изофага солиниб “Тазкира-йи авлиё” деб аталган.

Уйғур ёзувли қўлёзма ҳозир Франция Миллий кутубхонасида, Suppl. Turc, 190 кўрсаткичи остида сақланмоқда. Туркий матн эски уйғур, орадаги оят ва ҳадислар эса араб ёзувида битилган.

Қўлёзмага икки асар – “Меърожнома” ва “Тазкира-йи авлиё” киритилган. “Меърожнома”га катта-кичик рангли миниатюралар ишланган. Иккала асарнинг хати қора рангда, уйғур хатининг югурик (курсивли) услубида; айрим сарлавҳалар, матннинг муҳим ўринлари, “Тенгри таъала” сўз бирикмаси зарҳал, қирмизи рангларда ажратиб берилган. Қўлёзма устида бир неча йил машаққатли меҳнат қилингани кўриниб турибди. Уни темурийлар давридан қолган энг нодир ва гўзал қўлёзма китоблардан деса бўлади.

Муқаддимада асар номи ва ёзилиш сабаби баён этилади: “Эмди билгил-ким, бу китобнинг ати “Тазкира-йи авлийа” турур. Биз бу китобни фāрсийдин туркча тилга эвурдук-ким, машāйихлар сўзига рағбатлиғ, аларнинг билигиндин тилаклиғ āшиқларға, сādиқларға уқуш фāййдалар бўлсун теп, инша Аллаху таъала”.

Қўлёзмани ҳижрий 840 йил, туркмучал от йилида, жумодил-охир ойининг ўнинчи куни Ҳиротда Абу Малик бахши кўчириб яқунлаган. Бу сана милодий 1436-1437 йилларга тўғри келади. Абу Малик бахши Ҳирот хаттотлик мактаби бахшилари орасида кўзга кўринган битикчилардан эди. Унинг бундан бошқа қўлёзма китоблари ҳам маълум.

“Тазкират ул-авлиё” эски ўзбек тилига ниҳоятда гўзал таржима қилинган. Айниқса, қўлёзмасининг эски туркий ёзувда экани аҳамиятлидир. Бу нарса темурийлар даври ёзув маданияти, китобат санъати тўғрисида муҳим хулосалар чиқаришга имкон беради.

Тазкира тасаввуфий асар бўлиши билан бир қаторда, ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намунаси саналади. Асарда машойихлар билан боғлиқ ҳикматли ҳикоя, ривоятлар келтирилган. Матнда бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган.

Маълумки, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарини ёзишда бир қатор улук китоблар, жумладан, “Тазкират ул-авлиё” асаридан ҳам фойдаланган. Бу ҳақда унинг ўзи асар муқаддимасида “Ва Ҳазрати шайх Фаридуддин Аттар қуддиси сирруху битиган “Тазкират ул-авлиё”дин баъзи кибāри-и машāйих-ким, “Нафāхат ул-унс”га дāхил бўлмайдулар эрди, ҳар қайсини мунāсиб маҳāлда дāхил қилдим”, деб ёзган эди.

Тазкира Навоийнинг болалик чоғларида таржима қилинган, илк қўлёзмаси ҳам ўша йилларга оиддир. Шу ўринда Навоий бу қўлёзмани кўрганми, асарнинг туркий таржимасидан фойдаланганми-йўқми, деган савол туғилади. Темурийлар давлат ишларида, халқаро дипломатик муносабатларда араб хати билан бирга қадимги туркий ёзувдан ҳам фойдаланар эди. Яна бир жиҳати, Навоийнинг ота-боболари ҳам уйғур хатини яхши билган, уларнинг хат-саводи ана шу ёзувда чиққан. Шунга кўра, Навоий ҳам эски туркий ёзувдан хабардор бўлган эса ажабмас. Эҳтимол, “Насойим ул-муҳаббат”ни ёзишдан бурун Фаридуддин Аттор асарининг форсча аслияти билан бир қаторда, туркий ўғирмаси, Ҳиротда кўчирилган ана шу қўлёзмани ҳам ўқиб чиққандир.

Сугаҳара Мутсуми темурийлар давридан қолган эски ўзбек тилидаги ёзма ёдгорликларни тадқиқ қилади. У араб ёзувидан илгари қўлланган туркий ёзувларнинг ҳам пухта билимдони. Таъкидлаш жоизки, эски туркий ёзувдаги қўлёзмани ўқиб, матнни транслитерация ва транскрипция қилиш, изоҳ ва шарҳлар билан она тилига ўгириш ҳар қандай олимнинг қўлидан келавермайди.

Ҳурматли олим Сугаҳара Мутсуми ўзбек адабиётшунослигига кўпчилиқка маълум бўлмаган янги манбани олиб кирди. Олимнинг яна бир хизмати шундаки, у асарни тўлиғича япон тилига ўгириб, Кунчиқар юрт ўқувчисига ўзбек мумтоз таржима адабиётининг қимматли ёдгорлигини танитди. “Тазкират ул-авлиё” асарининг ушбу нашри ўзбек классик адабиёти, темурийлар даври таржимашунослиги, шунингдек, эски ўзбек тилини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилажаги тайин.





Fuqarolik jamiyati va siyosiy partiyalar

Фуқаролик жамияти институти сифатида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар қаторида сиёсий партиялар ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Партиялар фаоллашувини 2014 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сайлов натижаларида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур сайлов якунига кўра Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрни куйидагича тақсимланди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 52 та, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 36 та, Ўзбекистон Халқ демократик партияси 27 та, Ўзбекистон “Адолат” СДП 20 та, Ўзбекистон Экологик ҳаракати 15 та (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Парламентдаги муҳолифатни эълон қилиш тўғрисида ахборот.16.03.2015. <http://parliament.gov.uz/uz/events/fractions/14277>).

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омилли сифатида сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш лозимлигини бир неча марта таъкидлаган эди. Жумладан, сиёсий партияларнинг бугунги ислохотларни чуқурлаштиришдаги ўрни ҳақида куйидаги фикрларни билдирган эди: “Олий Мажлис – парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурайдиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

...Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим. Аини пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракциялараро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор. Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда ташкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат” (Ислон Каримов. Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда ўтган қўшма мажлисидаги маъруза. <http://www.press-service.uz/uz/news/5084/>).

Бугун сиёсий партиялар давлат аҳамиятига молик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, умуман, қонунчиликни демократик принциплар асосида ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Лекин, шу билан бирга, сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятининг чинакам институти даражасига кўтарилишига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Сайлов кампаниясидан кейин сиёсий партиялар фаолиятининг ниҳоятда сустлашиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бизнингча, бунинг асосий сабаби сиёсий партиялар мафқураларининг жамиятдаги ижтимоий қатламлар манфаат ва эҳтиёжларини етарли даражада ифода эта ва ҳимоя қила олмаётгани билан боғлиқдир. Сир эмас, ҳар бир партия ўз сиёсий мафқурасига эга бўлиши ва бу мафқура муайян ижтимоий қатлам манфаатларига боғлиқ ҳолда шаклланиши таомилга айланган. Ҳар бир ижтимоий қатлам ўз мақсад ва манфаатлари рўёбини таъминлашга қодир сиёсий партияни қўллаб-қувватлайди ва ана шу партия воситасида бошқарувда иштирок этади.

Мамлакатдаги ҳозирги кўппартиявийлик тизими-га эътибор берилса, партияларнинг қуйи органлари ва бошланғич ташкилотларида партиявий мафқурага мансублик аниқ сезилмайди. Шу боис аҳоли у ёки бу партияга ўз субъектив қарашларидан келиб чиқиб муносабатда бўлаётир. Одатда, электорат сайлов кампанияси даврида муайян партия мафқурасини ёқлаб, унга овоз бериши натижасида жамиятда ижтимоий адолатга эришилади. Ахир, лотинча “партия” истилоҳи “парча” ёки “қисм” маъносини англатиши бежиз эмас. Бу дегани партия жамиятнинг фақат бир қисми, яъни муайян ижтимоий қатлам манфаатлари ифодачиси сифатида фаолият қурита олиши мумкин, холос.

Сиёсий партияларнинг мафқураси ва нуқтаи назаридаги турфа хиллик муҳолифатни юзага келтиради. Бу эса жамият ривожини ва ҳокимиятнинг алмашиб туришига хизмат қилади. Мухолифлик заиф бўлган даврда турғунлик бошланади, плюрализм йўқолади, жамият ривожини йўлидаги ижодий изланишлар тўхтади, авторитар муносабатларга асосланган ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланади.

Тарихий тажрибадан маълумки, мафкураларнинг ўзаро рақобати жамият барқарорлигини таъминлашга ҳалал берадиган ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг олдини олади, турли мафкуравий қарашлардаги фуқароларнинг тинч йўл билан ўзаро келишувга (консенсус) эришишини таъминлайди. Ўзбекистонда ҳам тўрт сиёсий партия ва Экологик ҳаракат турли мафкураларни эълон қилди. Натижада турфа ижтимоий қатламларнинг фаоллашувига йўл очилди. Яъни мамлакатимизда фуқаролик жамиятига хос белгилар шаклланиб бораётир.

Партиялар мафкураларининг плюралиزمи инсон ресурслари имкониятларини кенгайтиради, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширади, бу билан эса фуқаролик жамиятининг янада юксалиши учун янги шарт-шароит яратилади. Сиёсий партияларимиз фаолиятини ана шу нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрайлик.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз мафкураси либерализм эканини эълон қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллийлик, миллий тикланиш мафкурасига асосланишни таъкидлаб келади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам социал-демократияни ўз мафкураси дея эълон қилди. Хусусан, унинг дастурига кўра, "Ўзбекистон ХДП мафкурасида олға сурилаётган ижтимоий адолат ва ижтимоий бирдамлик, демократия ва озодлиқ қадриятлари Социалистик Интернационалнинг асосий принциплари ва мафкураси билан ҳамохандир". "Адолат" социал-демократик партиясининг мафкураси ҳам социал-демократия мафкураси ҳисобланади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун кейинги икки партиянинг мафкураси сифатида бир хил – социал-демократик мафкура танланган? Бир сиёсий мафкурани иккита партия томонидан такроран илгари суриш жамиятга қандай наф келтиради? Устига-устак, бу сиёсий партиялар матбуоти ва назарий ишланмаларида Ўзбекистон воқелигидаги социал-демократик ғоялар, принциплар, унинг жаҳон сиёсатидаги ўрни, истиқболлари тўғрисида аниқ ва равшан маълумотларни топиш маҳол.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ғоя ва мафкураларидаги ўзаро муҳолифлик жиҳатлари аста-секин – тадрижий йўл билан шаклланмоқда. Кейинги ўн йилликда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси парламентдаги муҳолиф партиялар фракцияларидан устун бўлиш, парламент қарорлари ва қонунларни қабул қилишда ўз нуқтаи назарини ўткази олиш имкониятига эга бўлиш мақсадида Қонунчилик палатасида Демократик кучлар блокмини тузди. Икки партия бир блокка бирлашуви натижасида 88 та депутатдан иборат кучли иттифок юзага келди. Бу идора этувчи партия мақомини бериши мумкин. Лекин ҳозирча мазкур масала кўтарилганича йўқ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва "Адолат" СДП ўзини мазкур блокка муҳолиф эканини маълум қилди. Лекин, бу икки партиянинг муҳолифлиги бир-биридан алоҳида тарзда эълон қилинди ва

улар ўзини Демократик кучлар блоккига қарши ягона куч сифатида намоён қила олмади.

Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятдан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлам турмуш даражасини ошириш йўлида фойдаланиш каби ғояларни илгари сурди. Шунингдек, партия коммунал хизматлар тарифининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш ҳамда хизматлар ҳақини мақбуллаштиришни аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омили, деб билади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга устуворлик берилгани боис мазкур партиянинг дастури давлатнинг ва касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя дастуридан деярли фарқ қилмайди. Унинг фаолияти ва дастурий ҳужжатларида ҳокимият бошқарув органлари учун кадрлар тайёрлаш, вакиллик органлари воситасида ижроия ҳокимиятни назорат қилиш, мамлакатни ривожлантиришнинг муқобил йўллари нишлаб чиқиш каби сиёсий партияга хос бўлган жиҳатлар учрамайди. Социал-демократия мафкурасига асосланган партиянинг ижтимоий таянчи асосан саноат ишчиларидан иборат бўлиши маълум. Ўзбекистон ХДП таркибида эса мазкур қатлам вакиллари у қадар кўп эмас.

"Адолат" СДП ҳам муҳолифат сифатида парламентда ўз электорати – юқори малакали мутахассислар ва ишчилар, илм-фан намояндalари, муҳандис-техниклар, педагоглар, шифокорлар каби ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатлари ҳамда хоҳиш-иродасини ифодалаш, шу билан бирга, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат шароитларида яшашни хоҳлайдиган фуқароларнинг манфаатларини изчил ҳимоя қилишга бел болаган. Лекин жамият ва давлатни ривожлантиришнинг муқобил йўли ишлаб чиқилмаган, сайловда ғалабага эришилса, қандай давлат ва жамият қуришга интилиши, ҳокимият органларини шакллантиришдаги иштироки каби масалалар мавҳум, яъни партия ижтимоий масалалар доирасидан юқорига кўтарила олмаган.

"Ўзи учун сиёсий платформа деб танлаб олган либерал-демократик ғоялар ва мақсадларни ўз фаолияти билан кенг омма онгига сингдириш, бу борада сафларини кенгайтиришга йўналтирилган ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш" Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири ўлароқ белгиланган. Бироқ маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари бу каби мақсад ва ғоялар асосида фаолият юритмаётгандек. Партия фаолиятида асосан сайлов даврида ташкилий-ташвиқий ишлар олиб бориш ва ҳомийлик билан шугулланиш кабилар кўпроқ устувор бўлмоқда. Қолаверса, қишлоқ жойларда фермерларни партиявий маслак асосида бирлаштириш, уларни турли бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилиш каби вазифаларга янада жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқорида таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг маҳаллий ташкилотларида партиявий мафкурага мансублик аниқ сезилмайди. Сайлов кампанияси даврида электорат депутатликка номзодларни муайян партиявий маслакка мансуб бўлган киши сифатида эмас, балки бирон бир партия вакили сифатида танийди. Айрим ҳолларда номзодларнинг сайловолди дастурида маслак ва гоёлар деярли ифодаланмайди, улар асосан хўжалик ва коммунал соҳалардаги ваъдалардан иборат бўлиб қолади. Қолаверса, партиялар аҳоли ижтимоий аҳолини яхшилашга доир муаммоларни камдан-кам кўтармоқда.

2014-15 йилларда эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ХДПнинг 378 минг 227, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 93 минг 586, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 175 минг 951, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 176 минг 676 нафар аъзоси бор. Демак, мамлакатдаги 18 ёшдан юқори бўлган аҳолининг 5 фоизга яқини (824 минг 440 киши) сиёсий партияларга аъзо. Партиялар ўз аъзоларини дастурий вазифаларни бажаришга сафарбар эта олганида, шу кунга қадар аҳолининг барча қатламларида фуқаролик жамиятига хос бўлган ҳаёт тарзи бирмунча шаклланиб эди. Афсуски, партияларнинг барча вакилларини ҳам ижтимоий-сиёсий фаол аъзолар сафига қўшиб бўлмайди.

Бизнингча, "ўзбек модели" асосида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, мутараққий мамлакатлар қаторидан жой олиш, ҳуқуқий давлат сифатларини шакллантириш учун сиёсий партияларни демократлаштириш бўйича қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- сиёсий партиялар билан сайловчилар ўртасидаги мулоқот фақат сайлов кампанияси даврида эмас, доимий бўлишини таъминлаш шарт;

- сиёсий партиялар асосий диққат-эътиборни ўз электорати, аъзолари, бошланғич ташкилотларига,

ўзига хайрихоҳ бўлган турли ижтимоий бирликлар – маҳаллалар, меҳнат жамоалари вакилларига қаратиши, улар ўртасида тарғибот олиб бориши зарур;

- партиялар "жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар партияси" бўлиш орузидан воз кечиб, муайян ижтимоий қатламлар манфаатлари ифодачиси ва ҳимоячисига айланиши лозим;

- партиялар ўз сиёсий мафкурасини демократик қадрият ва талаблар даражасида ривожлантириши, мафкуравий плюрализм асосида фаолият юритиши талаб этилади;

- сиёсий партиялар ўзлари манфаатларини ифода этаётган ижтимоий қатламлар ва электорат, умуман, жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида мунтазам социологик сўровлар ўтказиши ва шу асосда дастурий ҳужжатларини такомиллаштириши лозим;

- сиёсий партияларнинг социал-демократик, либерал ва миллий тикланиш мафкураларини назарий жиҳатдан асослаш, уларни дастурий ҳужжатлар ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари, партия матбуоти воситасида халқ орасида ёйиш ҳам долзарб вазифалар сирасига кирди.

Сиёсий партияларни демократик қадриятлар ва фуқаролик жамияти талаблари асосида такомиллаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинлиги билан узвий боғлиқдир. Зеро, эркин ва мустақил фикрлай оладиган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этиб, фаровонлик, барқарорлик ва тараққиётни сақлаб қола билади. Демак, сиёсий партияларни демократлаштириш мамлакат келажаги буюк бўлишининг кафолатларидан биридир.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,

*Андижон давлат университети
профессори, сиёсий фанлар доктори*

Бекзод ЖУМАНИЁЗОВ,

*Урганч давлат университети
катта илмий ходим-изланувчиси*

Ramzga singgan ma'no

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида ўзбек зиёлилари орасида Ғарб фалсафаси ва адабиёти намояндalари қарашларию асарларининг кенг муҳокама қилиниши – янги йўл излаш, янгича ёндашувларни миллий тафаккурга ва адабиётга олиб кириш эҳтиёжи юзага келганидан далолат эди. Бу изланиш ўша давр адабиётининг кенжа авлод вакиллари – Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Олим Отахон, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамролар ижодида янги адабий-эстетик тамойиллар пайдо қилди.

Назар Эшонқулнинг "Маймун етаклаган одам" ҳикояси шу жиҳатдан диққатга сазовор. Айни ҳикоянинг замонавий насрдаги ўрни ҳақида талай мақолалар

ёзилган, тадқиқотлар яратилган. Умарали Норматов, Йўлдош Солижонов, Баҳодир Каримов каби адабиётшунос олимлар ҳикояни бадиий-услубий нуқтаи назардан тадқиқ қилиб, унинг ўз маъно-мазмунини, тили, ифода усули, рамзий-мажозий хусусиятлари билан ўзбек ҳикоячилигида янги даврни бошлаб берганини эътироф этишган.

Бироқ ҳикоянинг мифологик қатламларига ҳалигача ҳеч бир тадқиқотчи эътибор қаратмади. Бинобарин, қуйида биз "Маймун етаклаган одам" ҳикоясини ана шу жиҳатдан таҳлилга тортамыз.

Ўтган асрнинг сўнги чорагида ўзбек зиёлилари орасида энг кўп муҳокама этилган асарлардан бири Освальд Шпенглернинг "Европа заволи" асари бўл-

ган. Назар Эшонкул ҳам матбуотдаги чиқишларида бу асарга доир ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган. Бизнингча, айна "Маймун етаклаган одам" ҳикоясининг маъно-мазмунида Ғарб адабиётида инсон ва жамиятга янгича муносабат пайдо бўлишига кучли туртки берган "Европа заволи" асарининг сезиларли изи бор.

Шпенглер "Европа заволи" асарида умумдунё тарихига ўзигача бўлган муносабатни инкор қилиб бундай ёзади: "Тамаддунинг ҳам интиҳоси бор. Бу интиҳо ҳаёт билан ёнма-ён ва изма-из юрвчи ўлим сингари... маданият билан ёнма-ён ва изма-из одимлайди. Тамаддун албатта ўз ниҳоясига етади: дунёдаги барча маданиятлар алал-оқибат интиҳога шароит ва имконият яратаяди." (*Шпенглер О. Закат Европы. Минск, "Попурри", 1997. Стр.6*).

XX асрнинг дастлабки икки ўн йиллигида бутун дунё, айниқса, Россияга даҳшат солган Биринчи жаҳон уруши, Шўро инқилоби, Фуқаролар муҳорабаси гувоҳи Шпенглер наздида, XX аср – инсоният шу вақтгача эришган маданиятнинг интиҳоси давридир. Бу интиҳонинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улардан дастлабки шуки, мазкур даврда "Мазмунсизлик, зоология ҳукронлик қила бошлайди, ҳамма нарсага бифарқлик бошланади. Маданий организм тарихий ҳодиса сифатида ўлади. Лекин бу жисмонан йўқ бўлиб кетишни англамайди, балки энди инсон фақат биологик мавжудот сифатида яшай бошлайди" (*ўша асар, 31-бет*).

Шпенглер фикрича, тараққиёт XX асрда айна вазиятни бошдан кечираётир: инсон шу вақтгача асосан ижтимоий хусусиятларини намоён этган бўлса, XX асрдан унда биологик мавжудот ҳукронлиги бошланди. Энди инсон яна ортга, изига қайтади, яъни унда ҳайвоний, биологик эҳтиёжлар кучаяди.

Назар Эшонкулнинг "Маймун етаклаган одам" ҳикоясида композицион яхлитликни вужудга келтирувчи асосий восита – илк ва сўнги картиналар, умуман, ўз ҳаётининг дастлабки босқичида ижтимоий-маънавий юксалишга муяссар бўлгани (бу ҳикояда одамнинг ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётгани билан ифодаланади), кейин охириги босқичда эса ижтимоий-маънавий таназзулга юз тутганини – бу ҳолат маймун одамни ўрмонга етаклаб кетаётгани билан тасвирланади) рамзлаштирувчи қаҳрамон ҳаёти чизгилари беихтиёр Шпенглер асаридан туғилажак таассуротни эсга солади. Бу – тасодифми? Бизнингча, йўқ.

Шпенглернинг "Европа заволи" асаридан сўнг Ғарб адабиётида Фауст мифологик архитипи пайдо бўлди. Маълумки, дунё адабиётида Фауст ҳикматга ва ҳаётга бемисл ташна бўлган, айна чоқда, Иблис билан иттифоқо битим тузган мифологик образ сифатида талқин этилади. "Маймун етаклаган одам" ҳикоясидаги чол образи кўп жиҳатдан шу образга ўхшаб кетади.

Ҳамлет, Дон Кихот, Дон Жуан муайян бир давр маданияти тимсоли бўлса, Фауст умуман инсоният

маданияти тимсолидир. Чунки Фаустда инсоният тараққиётига хос барча фазилату нуқсонлар мужассам. Ушбу образнинг сўз санъатида янгидан олиб кирилишига кучли туртки берган Шпенглер Гёте шох асарининг биринчи қисмида Фауст ҳаракатдаги, интилишдаги, изланишдаги, юксалишдаги маданий онги, иккинчи қисмида эса руҳи ва қалби сўний арафасидаги, қарийб ҳаракатсиз, ёлғиз ақлгагина суянган, маънавий таназзулга юз тутган Европанинг сўнги давр маданиятини тимсоллаштиради, дейди. Шпенглер наздида, Гётенинг улуғлиги шундаки, у "Фауст" асари орқали Европа маданиятининг юксалиш ва таназзул паллаларини башорат қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фауст фожиаси Иблис билан битим тузишидан бошланади. У айна шу битими сабаб ҳам муқаррар ҳалокатга маҳкумдир. Шпенглер фикрича, инсоният ҳаётининг юксалиш ва таназзулини ўзида мужассамлаштиргани учун ҳам Фауст айна чоқда башарият тамаддунининг юксалиш ва таназзулини ҳам мужассамлаштиради. "Юксалиш" ва "таназзул" тушунчалари "Маймун етаклаган одам" ҳикоясининг қаҳрамонига-да хос. У ҳам аввал онг, ақл-идрокнинг юксалиши, сўнг эса таназзулини бошдан кечиради, адиб бу жараёни у яратган картиналар орқали тасвирлайди.

Шпенглер қарашлари таъсирида ижтимоий ҳаёт ва сиёсий мифларнинг диалектик муносабатини таҳлил этган Алексей Лосев асарларида Шўро тузуми маданий онг ва ақл-идрок таназзулининг бош сабаби сифатида кўрсатиладики, "Маймун етаклаган одам" ҳикояси қаҳрамони ҳам кўп жиҳатдан ана шу фалсафий талқиннинг бадиий ифодасига ўхшайди. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ҳикоядаги чол ўзи мансуб бўлган мифлашган сиёсат ёки сиёсий миф тимсолидир.

Чол образига юклатилган шундай мифологик вазифа кейинчалик "Қора китоб" қиссаси қаҳрамонига ҳам кўчиб ўтади ва у ҳам ўз ҳаётию қарашлари билан инсон маънавиятининг юксалиш ва таназзулини рамзлаштиради. Биз мазкур образ таҳлилига батафсил тўхтамаймиз, чунки бу алоҳида бир мақола мавзудир.

"Доктор Фаустус" романини яратишда, унинг мазмун-мундарижасини белгилашда Шпенглернинг Фауст ҳақидаги қарашлари Томас Маннга кучли таъсир ўтказган. Ушбу асар ҳақида Назар Эшонкул бундай ёзади: "Роман қаҳрамони дунёнинг энг зўр таниқли кишисига айланиш учун худди Фауст каби иблис билан ўзаро келишув битимини тузади. Иблис аввалига уни фаҳш, худбинлик билан синаб, ўз тузоғига туширади. Кейин эса энг муҳим шартини қўяди. Адриан Леверкюнга кўнглининг тубида яшириниб ётган орзусини – дунёнинг энг машҳур бастакори бўлишини кафолатлайди, бунга эриштиради, бироқ бунинг эвазига Адриан ҳеч кимни севишга ҳаққи йўқ, севгидан, меҳрдан, бир сўз билан айтганда, қалбдан холи яшаши керак. Адриан иблисининг бу қабих шартларини қабул қилади ва дунёнинг та-

ниқли композиториға айланади. Унинг ҳар бир ёзгани... беадад шуҳрат келтиради. У энди санъат ва тафаккур дунёсининг титанларидан бири эди. Адриан битимнинг фожиасини кейинчалик англаб етади" (Назар Эшонкул. Мендан "Мен"гача. Тошкент, "Академнашр", 2014. 270-бет).

Назар Эшонкул дунё тафаккуридаги янгича қарашлар, жаҳон адабиётидаги янгича жараёнлардан беҳабар бўлганда, юқоридаги талқинимиз ноўрин бўлар эди, албатта. Лекин адибнинг "Мендан "мен"гача" деб номланган китоби унинг айна қараш ва жараёнлардан кенг хабардор бўлгани ва уларни миллий тафаккур ва адабиётга дадил олиб киришга интилганидан далолат беради.

Kul ostidagi cho'g'

Ўн беш республика устидан тегирмон тош юриган қизил салтанатда ўтган асрнинг иккинчи ярмида бир тилда сўзлашувчи ягона миллатни яратишга уринишлар авж олгани маълум. Аммо ўша таҳликали даврда ҳам миллий тилларни сақлаб қолишга даъват этувчи, огоҳлик кўнғироғи каби янграган оташин шеърлар, публицистик асарлар ёзилди. Чунки тилидан маҳрум этилган эл охир-оқибат йўқликка юз тутиши зиёли аҳлига кундек равшан эди.

Бугунги глобаллашув замонида миллатга таҳдид янада кучайди. Хатарли жиҳати, энди одамзод онги ва қалби учун кураш ошқора чақириқлар тарзида эмас, пухта режалар асосида, пинҳона кечаёттир. Хўш, шундай мураккаб вазиятда нима қилмоқ керак? Инсониятни маънавий таҳдидлардан қутқарувчи нажотбахш куч борми? Дунё фикр аҳлининг бу саволларга жавоби талай. Уларни бирлаштирувчи яқдил хулоса шуки, миллатлар чинакам сўз санъати ҳамда азалий қадриятлариға суякмоғи лозим.

Умрбоқий қадриятлар аввало фольклорда муносиб бадиий ифода этилган. От айланиб қозигини топмоқдами, кейинги юз йилликда пешқадам қалам аҳли фольклорга юзланаётганини кўриш мумкин. Аргентиналик улуг адиб Хорхе Луис Борхеснинг "Адабиёт миф билан бошланиб, миф билан тугайди", деган фикрини изоҳларкан, фольклоршунос олим Жаббор Эшонкулов ҳар қандай санъат, жумладан, бадиий сўз санъати ҳам халқ озғани ижодидан озикланиб, у билан ҳамқадам тараққий этишини таъкидлайди (Эшонкулов Ж. Фолклор – миллатнинг боқий тарихи. // "Ёшлик". 2014. №4).

Жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўқиганимизда онгимиз ҳайратга, қалбимиз ҳаяжонга ошно бўлади. Лекин улар барибир руҳиятимизга миллий фольклор намуналаричалик қувват беролмайди. Негаки, фольклорда минг йиллар оша яшаб келаётган туркий тил ҳарорати, шу тил бағрига сингиб кетган боболар фалсафаси мужассам. Киндик қони

Хуллас, "Маймун етаклаган одам" адибнинг ижодий ўзига хослигини яққол намоён этган баркамол ҳикоялардан биридир. Бу ҳикоя мазмунан серқатлам экани боис ҳам турлича талқинларга имкон беради. Назар Эшонкул ижодида Ғарб ижтимоий-фалсафий ва адабий-эстетик қарашлари таъсири масаласига келсак, адибнинг кўплаб сара асарлари каби "Маймун етаклаган одам" ҳикояси ҳам ана шундай таъсирдан холи эмас. Демак, ҳикояни ғоявий-бадиий таҳлил этиш жаҳон адабиёти бир бутун, яхлит ҳодиса эканини яна бир қарра исбот қилади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
мустақил тадқиқотчи

томган тупроқда ўсган гиёҳлар кишига ўзга элнинг дори-дармонидан ўн чандон кучли малҳам бағишлагани каби фольклор таъсирида яратилган асарлар ҳам ўқувчига туганмас завқу шавқ бағишлайди.

Ёзма адабиётда халқ озғани ижоди намуналаридан фойдаланиш "фольклоризм ҳодисаси" деб аталади. Мазкур истилоҳни илк бор XIX асрда француз фольклоршуноси Поль Себийо истифода этган. Ўшандан бери "фольклоризм" атамасини дунё илмий жамоатчилиги кенг қўллаб келади. Атоқли олим Баҳодир Саримсоқов таъкидича, бадиий асарга муайян мақсад ила киритилган фольклорга хос материалларни фольклор деб эмас, балки фольклоризм деб атамоқ лозим, чунки ҳар бир ижодкор фольклор материалига маълум даражада ишлов беради (Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // "Ўзбек тили ва адабиёти". 1980. №4. 39-бет).

Ўзбек халқ озғани ижоди булоғидан сув ичган асарларда миллатимиз менталитети, қиёфаси, ўй-хаёллари, интилишлари, дунёқараши, эстетик идеаллари, янги давр ўзгаришларига муносабати яққол акс этади. Инчунин, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ижодидаги фольклоризм ҳодисасини тадқиқ этиш орқали халқ донишмандлигининг индивидуал шеъриятга таъсири ҳамда миллатимиз руҳиятидаги ўзига хосликларни кашф этиш мумкин. Профессор Қозоқбой Йўлдошев шоирнинг "Сенсиз ёлғиз ғариб бўлдим" сайланмасига ёзган сўзбошида озғани ижод Тўра Сулаймон учун шунчаки адабий материал эмас, балки ижодкор сифатидаги мавжудлик мезони эканини қайд этади. Муаллифнинг ўзи ҳам таржимаи ҳолида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислмо шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Амиркул Пўлкан, Мамат бахши каби халқ шоирлари дostonу термаларидан кўп ва хўб таъсирланганини ёзади. Асарларида уларни санновчи, бахши, ғўянда, оқин, жировчи, афсунсоз каби номлар билан атайди.

Шоир халқ орасида юриб, қишлоқма-қишлоқ кезиб фольклор дурдоналарини йиққан, таъбир жоиз бўлса, кул остида қолган чўғларни топган. Умуман, унинг ижодида фольклоризмнинг деярли барча турлари учрайди. Масалан, *"Жон куйдирмай жоннага етмоқлик ўйқ, дегандай, Этик ечмай тошқин сойдан ўтмоқлик ўйқ, дегандай..."*, *"Бўз ямоғи бўз биландир / Санам алвондин айрилмас..."* каби сатрларда фольклор материаллари аслиятдагидек қўлланган бўлса, *"Доруломон кунни, замонасини / Олтин бешигини – ер самосини..."*, *"Ватангадо кимсага беминнат макон қайда? / Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?"* сингари мисраларда улар андак сайқалланган. Яъни асрлар оша яшаб келатган *"Она юртинг – олтин бешигин"*, *"Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас"* каби мақоллар мисраларга ижодий қайта ишланган ҳолда сингдирилган.

Т.Сулаймоннинг аксар шеърларида фольклорга хос ритм стилизациясини кузатиш мумкин. Масалан, *"Тоғларнинг қори-қори, / Қор тагида баҳори. / Янги чиққан ой мисол / Бўлсин ҳар кимнинг ёри"* каби тўртликларда халқ қўшиқлари таъсири яққол сезилади. Бу ҳол шеърга халқона оҳанг бағишлайди, сатрлар тилга, туйғулар дилга осон муҳрланади.

Шоир ижодида фольклор жанрлари стилизацияси ҳам хос. *"Харсанг"* эртаги, *"Гулжаҳон"* достони, халқ лапарлари шаклидаги йигит-қиз айтишувлари фикримизни тасдиқлайди: *"– Лаъли лабинг ол, сулув, / Сочинг мажнунтол, сулув. / Оқ юзингга хол бўлсам / Келмайми малол, сулув! // – Қош қораси, қораси – / Хаста дил садпораси. / Хол бўлгунча бўлурсиз / Бу жаҳон овораси"*.

Behbudiyning so'nggi istagi

Тарихнавис адиб, сўз санъаткори ва жамоат арбоби Садриддин Айний тарихий-бадий асарларида туркистонлик тараққийпарвар олимлар, маърифатпарвар қаламкашлар, умуман, ўз даври зиёлилари тўғрисида қимматли маълумотлар келтиради. Бу жиҳатдан унинг *"Тарихи амирони манғития Бухоро"* (*"Бухоро манғит амирларининг тарихи"*), *"Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар"*, *"Қисқача таржимаи ҳолим"* ва *"Эсдаликлар"* каби асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

Айний эҳтиром ила ёдга олган зотлардан бири – атоқли драматург, шоир, ношир ва маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Бехбудийдир. Айний XX аср бошларида Бехбудийнинг шахсияти, жадидчилик фаолияти ва қарашлари, илмий мероси тўғрисида ўндан ортиқ мақола ёзган ва улар жамланса 30-40 саҳифали ихчамгина рисола бўлади.

Бундан ташқари, ижодкор асарларида Гўрўгли, Юнус пари, Алпомиш, Барчин, Равшан сингари қаҳрамонлар зикри, Ғирот, Бойчибор таърифи, Чамбил, Асқартоғ каби жой номлари бот-бот учрайдики, бу фольклор тимсолларининг стилизациясига мисолдир. Шоир Гўрўгли образига айрича меҳр ила муурожаат этаркан, мустабид даврда гўр оғзидан тирик қайтган миллатимиз қисматига ишора қилган бўлса ажаб эмас (*"Гўрўгли султон бир ён, / Тўра Сулаймон бир ён..."*; *"Теграсига қазо доримас бу эл / Олтин дарвозали Чамбилга ўхшар"*).

Оғзаки ижоднинг энг таъсирчан намунаси бўлмиш мақолу маталлардан унумли фойдаланган Тўра Сулаймон ўзи ҳам *"Сабр туби – сайри боғ"*, *"Сув қўйилса, шўр ернинг тузи кетар, ўтга тушса узуннинг кўзи кетар"*, *"Гулзор хазон бўлмас зог кўнган билан"*, *"Қаноатли – қанотли, суқлик – келтирар хорлик"*, *"Сутсиз сизир сузогон келар"*, *"Тоқатлига тоғлар эгар бошини"*, *"Қувиб ўлган – мангулик, қочиб ўлган – кўмгулик"*, *"Кўзгуга дам урсанг, юзингни кўролмайсан"*, *"Бўз ўғрисида кўрқам, сўз ўғрисида кўрқ"*, *"Ойсиз осмон ғариб, сарбонсиз карвон ғариб"* сингари ихчам ҳикматлар яратган.

Шоирнинг *"Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади"* туркумидаги шеърлари бошдан-охир халқона услубда ёзилган бўлиб, уларни алоҳида жанр сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур мисолларданоқ кўриниб турибдики, ҳар бир ижодкор шуурида фольклор аънаналари яшайди, бадий адабиётни ҳам фольклордан айро тасаввур этиб бўлмайди.

Азизбек ТУРДИЕВ,
мустақил тадқиқотчи

Муаллиф Туркистон жадидларининг пешвосини бундай таърифлайди: *"Бехбудий ҳазратлари кўринишда гоят маҳобатлик ва салобатлик эди. Аҳволига воқиф бўлмаган кимса, мутакаббур деб гумон қилур эди. Лекин, ҳақиқатда мулойим суҳбатлик, тақаллуфсиз бир одам эди, ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли бўлсин, иқтисодга кўп риоя қилар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузалиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва азаларга бўлатурган исрофларни ўзи бутун тарк қилган ва сўзига қулоқ солатургонларни ҳам тарк қилдирган эди"* (*Садриддин Айний. "Бехбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим"*. *"Зарафшон"*, 1922 йил 25 март).

Мақолада қайд этилишича, Айний Бехбудий билан 1908 йили Бухородан Самарқандга сафар қилганида танишган. *"Ушбу саёҳатимизда мулла Абдулқодир Шакурий, мулло Исмадулло Раҳматуллозода ва бир*

қанча Самарқанд маърифатпарварлари оқшом мажлиси учун бизни бир ерга чақиргон эдилар... Гурубдан кейин ваъда қилинган уйга бориб, ҳозир бўлгонлар билан танишгандан сўнгра ушбу маҳобатлик одам Маҳмудхўжа, ёш бола унинг ўгли Масъудхўжа бўлиб чиқди. Табиий, ушбу мажлиснинг гули Маҳмудхўжа эди. Бу кеча Маҳмудхўжа кўпинча фаннинг масалалардан сўз чиқариб, кўқдан, ойдан, юлдуздан, қисқаси, ул вақтгача биз эшитмаган нарсалардан кўпгина сўйлади. Ярим оқшомларда мажлис битди. Маҳмудхўжа ўз ўгли Масъудхўжани отига мингаштириб кетди. Мана бу Маҳмудхўжа ҳазратларини биринчи кўришимиз ва танишимиз бўлди", деб хотирлайди адиб.

1912 йилнинг кузига Бехбудий дўстларини йўқлаб Бухорога келади. Ушанда у Айнийнинг Кўкалдош мадрасасидаги ҳужрасида меҳмон бўлади. Хотира-мақолада бу сафар хусусида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: "Ҳожа Баҳоуддин турбати атрофида солинган қабатма-қабат масжидларни кўриб кўп қизди. "Намоз учун бир ерда бир масжид ва бир супа кифоя қилар эрди. Бошқа масжидларни ўрнига мактаб солиниб, бунда йигилган фақир ва йўқсулларнинг болаларини ўқитсалар эди, шунча сафил кимсалар ўрнига ўз кунини ўзи кўратургон бир тўда фаол одамлар етишар эди", деди. Амир Дониёл мадрасасининг ҳаробаларини кўриб гоят хафа бўлди. Халқнинг бор-йўғини еган билан тўймасдан ўз боболаридан қолгон вақфларин ҳар томон мусодара қилиб, мадрасаларини қабристонга айлантдириб ташлаган амирларга лаянат ўқиди".

1917 йил апрель воқеаларидан кейин Айний Бухородан Самарқандга кўчиб кетади. Бир муддат сиёсатдан чекиниб, илмий-адабий фаолият билан шуғулланади. У айнан Бехбудийнинг сазй-ҳаракати билан ташкил этилган "Зарафшон", "Меҳнаткашлар товуши", "Хуррият", "Шуълаи инқилоб", "Таёқ", "Болалар йўлдоши" каби газета-журналларда мақолалар чоп эттиради. "Меҳнаткашлар товуши" газетасининг таржима ва таҳрир ишларида бир муддат Саидризо Ализода, Муҳаммаджон Юсуфий, Қори Муҳаммадраҳим Тожи, Садриддин Айний афандилар хизмат этдилар. Буларнинг ичида биринчи даражада узун муддат ишлаган киши, шубҳасиз, Айний афанди эди", дея шохидлик беради Ҳожи Муин (*Самарқанд матбуотининг тарихи. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият", 2005. 123-бет*).

Айний Самарқандда муаллим бўлиб юрган кезлар Бехбудий унинг мактабига кўп маротаба келган, толиби илмларга мавъиза қилган. 1919 йил февралда Тошкентга бориб келган Бехбудий сафар таассуротлари билан ўртоқлашмоқ истагида Самарқанд муаллимларини йиғишни буюради, аммо хасталиги боис мажлисга келолмайди. Уша кезлар икки маърифатпарвар кўчада учрашиб қолади. "Мана бу охириги кўришимиз бўлди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас сафарга чиқиб кетганлигини ҳам шул сафарда Қарши шаҳрида шаҳид бўлгонини эшитиб, ҳайрат ва ҳасратда қолдим", деб ёзади тарихнавис адиб.

Бехбудий 1919 йил 25 мартда Қаршида ўлдирилган. Ҳожи Муин "Муфти Маҳмудхўжа ҳазратлари-

нинг қандай шаҳид бўлгонлиги ва анинг томонидан ёзилган васиятнома" мақоласида маълум қилишича, фожиадан унинг шогирдлари ва яқин дўстлари 1921 йил мартда хабар топган. Адабиётшунос олим Наим Каримов эса манбаларни тадқиқ этиб, бундай хулосага келади: "Фитрат, Чўлпон ва Айнийнинг Бехбудий вафотида бағишлаган шеърлари 1920 йили ёзилган. Демак, айтиш мумкинки, Бехбудийнинг содиқ дўстлари ва издошлари устоз ҳалок этилганидан бир йил ўтгач, 1920 йилнинг апрель ойида хабар топганлар" (*Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Тўлдирилган ва тузатилган 3-нашри. Тошкент, "Маънавият", 2006. 257-бет*).

Айний "Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди", "Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида", "Муфти Маҳмудхўжага бағишлаб", "Маҳмудхўжа ва рафиқларининг мусибати", "Буюк мотам куни" каби мақолаларида сирли қотиллик тафсилотларига тўхталади. Хусусан, "Бухоро ахбори" газетасида "Мусофир" тахаллусида эълон қилган мақолада бундай ёзади: "Туркистон ёш фикрларининг отаси бўлгон самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Бехбудий афанди ўзининг рафиқлари Муҳаммадқул ва Мардонқул ўртоқлар билан биргаликда 1919 йил март ойида золим амирнинг қонхўр беқлари тарафидан Қарши шаҳрида ўлдирилиб, бутун Туркистон жадид ва маорифларварларини улуг ва қаттиғ мусибатга учратқон эди. Ушбу мусибат таъсири билан 1920 йил апрель ойида Самарқанд шаҳрида умум халқ тарафидан амирга қарши катта намойиш ҳозирланиб, золимларга жазо берилиши талаб қилинган эди" (*Мусофир (Айний). Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди. "Бухоро ахбори", 1923 йил 3 октябрь*).

1920 йил ноябрида Бехбудий вафотини тафтиш этиш бўйича етти кишидан иборат комиссия тузилади. Комиссия аъзолари зиммасига Қаршига бориб, марҳумнинг қабрини ҳамда қотилларини топиш вазифаси юкланади. "Лекин у вақт Қарши ҳукумат доирасида эга ва соҳибнуфуз бўлиб ўлтургон зот Оғалик эди, – деб ёзади Айний. – Амир вақтида ҳам ҳукумат эшигининг соҳибнуфузи шул Оғалик мазкур шаҳидларнинг ўлдирилишларига сабабчи ўзи бўлгонлиги учун Бехбудийнинг қабри ҳам топилмади, ўлдургучилар ҳам юзага чиқмади. Самарқанддан комиссия бўлиб боргон ўртоқлар Қарши шаҳрининг ҳукумат бошида ўлтиргон одамлардан маъюс бўлиб келдилар. Мана бу кун ҳақиқат юзага чиқди: Бехбудий ва рафиқларининг ўлдирилишига сабаб бўлгон ва Фуқаро ҳукуматининг молига хиёнат қилгон мазкур Оғалик 19 сентябрда ҳукуматимиз тарафидан отилди. Демак, Маҳмудхўжа Бехбудий ва рафиқларининг ўчлари олинди".

Манбаларга кўра, Бехбудий ўлими арафасида издошларига васиятнома ёзиб қолдирган (унда Сиддиқий, Фитрат, Ақобир Маҳдум, Вадуд Маҳмуд, Абдулқодир Шакурий билан бирга Айнийнинг номи ҳам зикр этилади). "Маориф йўлида ишлайтургон муаллимларнинг бошини силангизлар! Маорифга ёр-

дам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангиз! Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингиз! Ҳаммага озошлик йўлини кўрсатингиз!" деб хитоб қилади улуғ маърифатпарвар сўнги мактубида (*Ҳожи Муин. Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва анинг томонидан ёзилган васиятнома. "Инқилоб", 1922 йил, 1-сон*).

Мухтасар айтганда, Аийний қаламига мансуб хотиралар аллома Бехбудий шахсини ўрганиш, унинг қарашларини тадқиқ этишда қимматли манба ўлароқ бугун ҳам илмий қимматини йўқотмаган.

Фаррух ТЕМИРОВ,

*Бухоро давлат университети
тарих кафедраси мустақил изланувчиси*

Yangilanayotgan an'analar

Этнографик мавзу либос дизайнерларига доимо илҳом бериб келган. XX аср бошида Леон Бакст, Поль Пуаре ижоди таъсирида жаҳон модасига кириб келган "ориентал" мавзу бунга яққол мисолдир. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари Ив Сен-Лоран, Жан-Поль Готье ва Кензо Такада ижоди туфайли этно-услуг дунёнинг мода подиумларидан муқим ўрин эгаллади ва ҳали-ҳануз ўз мавқеини йўқотмай келаётир.

Модадаги этно-услуг – миллий ва аънавий либос унсурларини қўллаш, бошқача айтганда, миллий либослар асосида замонавий кийимлар яратишдир.

Бугун дунё мода бозоридаги энг катта муаммо шундаки, ушбу соҳада етакчилик қилиб келган мамлакатлар бирин-кетин ўз мавқеини йўқотаётир. Яъни европача классик кийимларнинг турли услубларда талқин этилиши, модадаги давр – циклнинг жадаллашиб, алмашиб туриши Фарб аънавий либосининг ривожланиш имкониятларини кескин камайтирди.

Экспертлар фикрича, моданинг келажақдаги тадрижий ривожини айнан шу – этно-услуг йўналиши билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан ўзбек модельерларининг этно-мавзуга мурожаат қилиб, замонавий модага миллий либос элементларини таъбиқ этаётгани эътиборга лойиқ. XX аср поёнида бошланган миллий уйғониш жараёни миллий костюмларга бўлган талабни ҳам кучайтириб юборди. Аънавий либослар ҳар йили ўтказиладиган халқ байрамлари, тантанали маросимларда доимий атрибутга айланди (*Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари. XIX-XX асрлар. Тошкент, 2003 йил*).

Юртимизда миллий костюм тайёрловчи махсус корхона, ателье, дизайн-студиялар сони кундан-кунга ортиб бораётгани ўзбек миллий либослари, шунингдек, аънавий либослар асосида яратилган кийимларга талаб кучайганидан далолатдир. Табиийки, бундай корхоналарнинг кўпайиши рақобатбардош ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини-да таъминлайди. Модельерларимизнинг миллий костюм яратиш йўлидаги дастлабки уринишларида музей экспонатларидан айнан нусха кўчириш кузатилганини қайд этиш жоиз.

Ўзбек миллий либосларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат: 1) кийимларнинг статик тўғри ёки эгаги кенгайган силуети, енг шаклининг тўғри тўртбурчаклиги; 2) безак ва деталларда симметрик композицияларнинг устунлиги; 3) дастлаб қўл дастгоҳида,

кейин фабрикаларда тўқилган атлас, адрас, беқасам, олача, бўз, духоба, кимхоб каби матоларнинг қўлланилиши; 4) кашта, жияк, бир неча қатор тикилган рангли баҳялар, контраст рангли мағизлар, мўйна, майда мунчоқлар билан безаш; 5) контраст ранглари қўллаш ҳисобига динамик композициялар ҳосил қилиш; 6) либос композициясида бош кийимнинг муҳимлиги. Ушбу жиҳатлар модельер-рассом учун асосий тамойил бўлиши лозим. Миллий либоснинг нафақат рационаллик, балки гўзаллик нуқтаи назаридан тақдим этадиган шакл ва бичими, силует ва конструктив чизиқлари каби хусусиятларига эътибор бериш керак. Бундан ташқари, либоснинг безатилиши, ранги, нақш техникаси, материал пластикаси ҳам муҳимдир. Миллий аънавий либоснинг аини шу хусусиятлари "миллий мотив" тушунчасининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Замонавий либос яратишда миллий руҳ, миллий оҳанглар бўрттирилмасдан қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Миллий йўналишда яратилган замонавий либослар таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

1. Атлас, адрас, шойи, беқасам, духоба каби миллий матолардан яратилган моделлар ниҳоятда оммалашди. Шунингдек, ушбу матоларнинг аънавий намуналари билан бирга атласнусха, абрбанд нақшларнинг бошқа тур матоларга босма қилинган вариантларини қўллаш ҳам урфга кирди.

2. Модельерлар этнографик костюмни эмас, чопон, мурсак ёки кўкракбурма кўйлақларнинг мукамал бичими, уларнинг шакл ҳосил қилувчи чизиқлари ва тикилиш технологияси (тўғри бичим, қақиқлар) қўлланган замонавий либосларни тақлиф этмоқда.

3. Декор вариантлар, яъни миллий нақш, кашта, аънавий безаклар (жияк, қуроқ, баҳялар) либосларнинг янада кўркам бўлишига хизмат қилмоқда.

4. Замонавий либосларда аънавий либосга хос шакл ва элементларни қўллаш. Масалан, ёшлар кийимида – миллий чопон ва замонавий жинси шим уйғунлиги; маросимларга мўлжалланган либосларда – замонавий бичим ва аънавий матолар уйғунлиги; тантанавор либосларда – замонавий костюм билан рўмол, тақинчоқ каби миллий аксессуарлар уйғунлиги.

Миллий либослар функционаллиги, конструкция ва шакли, шу билан бирга, ҳушбичимлиги боис оммалашиб бораётир.

Ўзбек миллий либослари тажрибаси замонавий кийимлар яратишда асқатади. Бундай либосларни тахлил этиб, уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Шакл ва элемент ўзаро уйғун қўлланган маиший либослар. Бу гуруҳ либосларни бир неча гуруҳчага ажратиш мумкин: а) кундалик турмушда кийишга мўлжалланган либослар; б) башанг либослар – атлас, адрас, беқасам, шойи каби серҳашам матолар ортиқча безаклардан воз кечиш имконини беради; в) келинларнинг сарпо либослари.

2. Саҳнабоп, театрлаштирилган ҳамда имижни шакллантиришга хизмат қилувчи моделлар. Ўзбек эстрадаси, театри ва бошқа саҳнабоп санъат йўна-

лишларининг ривожини боис ушбу тур либосларга бўлган талаб ортди. Натижада мазкур либосларни лойиҳалаш жадал ривожланмоқда.

3. Подиум ва турли танловлар учун таклиф этилган либослар.

4. Оммавий ишлаб чиқариладиган либослар.

Демак, замонавий ўзбек модасида замонавийлик ва аънавийлик уйғунлашиб бораётганини кузатиш мумкин.

Феруза ОТАХОНОВА,

*Камолитдин Беҳзод номидаги МРДИ
катта илмий ходим-изланувчиси*

Miniatyura san'atida liboslar

Ўрта асрлар миниатюра санъати ва ёзма адабиёти ўша давр аънавий либослари ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардир. Академик Г.Пугаченкова миниатюра асарларида тасвирланган либосларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш асосида либосга қараб миниатюралар қайси давр ва қайси мактабга мансублигини аниқлашга муваффақ бўлган. Шарқ миниатюра санъати тарихи тўрт асосий даврга бўлиб ўрганилади: 1) темурийлар даври – Хуросон ва Моваруннаҳр (Хирот, Самарқанд, Табриз, Шероз мактаблари); 2) сафавийлар даври – Эрон (Шероз, Табриз, Машҳад, Исфаҳон мактаблари); 3) шайбонийлар даври – Ўрта Осиё (Бухоро, Самарқанд мактаблари); 4) бобурийлар даври – Ҳиндистон (Агра, Деҳли мактаблари).

Хирот, Бухоро, Самарқанд, Шероз ва Табриз мактаблари аънавларини ижодий ўзлаштирган бобурийлар даври санъаткорлари Ҳиндистонга хос бўлган қахрамонларни яратган. “Бобурнома” миниатюраларида тасвирланган қахрамонларнинг юз тузилишидан тортиб, либос, ҳатто салласи ҳиндчадир. Улар темурий ва сафавийлар миниатюралари қахрамонларидан буткул фарқ қилади.

Сафавийлар замонида Табриз китобат ва миниатюра мактаби шаклланди, гуллаб яшнади. Озарбойжон китобат аҳли ва мусаввирларининг бу янги ижодий услуги жозибдорлиги, декоратив нақшлар ва образлар силсиласи, бой ва ёрқин ранглар жиолиси, чиқиқларнинг нозиклиги, гўзал ва бетакрор тарҳлари, шаклларнинг ўзига хос шартлилиги билан ажралиб туради. Бу услубнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, уларда бадиий-эстетик талабларга риоя қилинган ҳолда барча давр қахрамонларига ўз замонаси руҳи сингдирилган. Бу давр расмларининг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларидан яна бири, уларда аънавий қизилбошлар бош кийими – узун қизил қулҳли оқ салла тасвирланганидир.

Исломда инсон тасвирини чизиш тақиқланганига қарамай, миниатюра санъатида нафақат инсон, балки унинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, турмуш тарзи, ҳаттоки илоҳий персонажлар тасвирланган. Миниатюра сарой санъати ҳисобланса-да, тасвирларда нафақат юқори табақа вакиллари, оддий халқ, хизматкорларнинг ҳам либослари тўлақонли ифода топган.

Ўрта асрларда либос кишининг этник ва ижтимоий аҳволини кўрсатувчи асосий белги бўлгани боис, миниатюрочи мусаввирлар либослардаги ҳар бир детални аниқ тасвирлаш орқали персонажнинг жамиятдаги мавқеини ҳам кўрсатишга интилган. Зеро, юқори табақа вакиллари учун либоснинг башанглиги катта аҳамиятга эга бўлган. Персонажнинг ёши устма-уст кийилган либослар, бош кийим ва соч турмаги ёрдамида кўрсатиб берилган. Кийим ҳамда асосий мато ранги ва безаги, кашта орнаментлари ёрқин намоён бўлган. Либос бичими, чоклари, кийимнинг мутаносиблиги, бош кийим шакли ва бошқалар аниқ тасвирланган.

Ўрта Осиёда либослар табиий иқлим, диний дунёқараш ва бошқа халқлар билан ўзаро муносабатлар таъсирида асрлар мобайнида тадрижий шаклланган. Эркаклар ва аёллар либоси матоси, бош кийим ва безаклари билангина фарқланган. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос маҳаллий хусусиятга эга бўлса-да, уларда қулай бичимдаги кенг қўйлақлар, узун шалварлар ва устки тўнлар русум бўлган. Баъзи олимларимиз кийим номларини белгилашда тарихий қўлёзмалар ва Навоий асарларида келтирилган атамалардан фойдаланган (*Мукминова Р. Костюм народов Средней Азии по письменным источникам XVI в. Костюм народов Средней Азии. Москва, 1979. Стр. 70-77*). Ўрта Осиёда кенг тарқалган устки кийим “жома”, “чакмон”, “тўн”, олд томони бир-бирига ўтиб, устма-уст тушадиган тўн эса “фаражия” ва яна бири “қабо” деб номланган. Қишда кийиладиган тўнлар қўй терисидан

тикилган, юқори табақа вакиллари киядиганлари эса астарли қимматбаҳо мўйнадан бўлиб, устидан шойи билан безатилган. Чакмон – чўпонларнинг қиши уст кийими бўлиб, мовутдан тикилган, гоҳида кашта билан безатилган. Ички кийимлар, яъни эркаклар кўйлаги – “курта”, аёллар кўйлаги – “пирохан”, иштонлар – “лозим”, “эзар” дейилган (*Рахимова З. К истории костюма народов Узбекистана. Костюм Бухары и Самарканды XVI-XVII веков (по данным средневековой миниатюрной живописи). Ташкент, изд-во журнала "San'at", 2005. Стр. 5).*

Мовароуннахр миниатюраларида аёллар оқ матодан тикилган узун энгли, тўғри тўртбурчак бичимли кўйлак – куртада тасвирланган, унинг устидан энглари узун, буйин ўйими кўкрак чизигича учбурчак шаклда – пирохан кўйлак, олди очиқ ёки ўнгдан чапга уста-уст ёпилувчи қабо кийилган. Қабонинг энглари тирсақча, баъзилари бармоқларни ёпиб турувчи узунликда бўлган. Аёллару эркаклар иссиқ ва совуқ кунларда ҳимоя вазифасини ўтовчи тўн – жома кийган. Байрамларда зодагонлар шойи ва парчадан тикилган, энглари либоснинг этагича узун фаражия кийган.

Юқори табақага мансуб аёллар ва эркаклар либослари сонининг кўплиги билан ажралиб турган. Масалан, миниатюраларда зодагон аёллар кўйлак, қаболарни уч-тўрт, сарой хизматкорлари ва шаҳарликлар икки-уч, оддий халқ бир-икки қаватдан кийган, қариялар эса битта кўйлак устидан тўн ташлаган ҳолатда тасвирланган.

Миниатюралардаги аёллар либоси эркакларникидан бош кийими, тақинчоқларнинг кўплиги ва либоснинг танага бирмунча ёпишган ҳолатда тасвирлангани билан ажралиб туради. Аёлларга хос бўлган яна бир устки кийим – “мунисак” (“мурсак”) бўлиб, у Ўрта Осиёда XIX аср ўрталаригача кийилган.

Бош кийимлар эркакларда турлича бўлган: кундалик ҳаётда кийиладигани – фўта, байрамларда кийиладигани – дастор; ҳар хил мато ва кигиздан тикилган, турли шаклдаги мўйнали қалпоқлар – тақа, кулоҳ, дўппи. Миниатюраларда аёллар турли-туман бош кийимда тасвирланган, уларда нафақат инсоннинг ижти-

мой келиб чиқиши, балки ёши ҳам аниқ ифодаланган. Хон оиласига мансуб аёллар шарқ анъаналарига биноан тож кийган. Бошқа табақа аёллари орасида кашталанган оқ рўмол ва дўппи кенг тарқалган. Рўмол дўппи устидан ёки сочқоп деб номланган дўпписимон қалпоқ устидан боғланган.

Эркаклар аксар кўнжи баланд этик, гоҳида паст пошнали ёки пошнаси, юмшоқ маҳси билан кийиладиган учли ковуш, аёллар ковуш, шунингдек, теридан ишланган пойафзал кийган.

Шариат талабларига кўра, аёллар либоси кенг, қулай, қоматга ёпишиб турмайдиغان бўлиши шарт эди.

Бугун халқона йўналишлар кўлгина модельерларимиз ишларининг ажралмас қисмига айланган. Модельерлар замонавий либосларни яратишда миллий матолардан фойдаланган ҳолда уларнинг янги қирраларини кашф этиш, янгица дизайн усулларни топиш устида иш олиб бормоқда. С.Амир, С.Муродхўжаева, А.Маншаев, Д.Қосимова, Н.Шерхўжаева, Н.Арапова, Т.Чурсина, З.Султонова, Д.Томилини ва бошқа модельерлар коллекциялари сўзимиз тасдиғидир. Халқ декоратив каштачилиги, ранг-баранг миллий қолорит ва бой орнамент мотивларидан унумли фойдаланиб, қадимий нақшлар символикасида руҳланган ҳолда миллий дизайн мактаби яратилмоқда.

Хусусан, дизайнер Саодат Муродхўжаева Ўрта аср Шарқ миниатюра санъатининг нодир асарларини замонавий либосда моҳирона кўллаб, ёшларнинг кундалик либосларини яратмоқда. “Шоҳнома” коллекцияси эркакларга мўлжалланган бўлиб, у асл италян чармидан тикилиб, кўлда кашталанган миниатюра асарлари билан тўлдирилган. Композицион ечим динамик ҳолатда бўлиб, қахрамонлар образи ҳам ҳаётий чиққан.

Ислоом давридаги анъанавий либоснинг турлича талқинини замонавий дизайнерлар ижодида кўплаб учратиш мумкин. Улар бугунги замон руҳияти билан суғорилган ҳолда янги кўринишда намоён бўлмоқда.

Эътибор МИРЗАНАЗАРОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ
катта илмий ходим-изланувчиси

“Tilsiz yov” bilan basma-bas

Амир Темур салтанатида махсус ўт ўчирувчи ўнликлар ташкил этилган. Бу гуруҳлар керакли асбоб-анжом билан таъминланган, уларга маош ҳам тайинланган. Аммо Соҳибқирон вафотидан кейинги даврда ўнликлар фаолияти буткул тўхтаган (*Саидов С., Шарипов Ҳ. ва бошқалар. Бухоро ёнғин хавфсизлиги: ўтмиш ва бугун. Бухоро шаҳри нашриёти. 2007. 12-13-бетлар*).

Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек заминиде қадимда бунёд этилган меъморий обидалар ёнғинга чидамлиги билан ҳам барчани ҳайратга солиб келатди. Уларни бунёд этишда сифатли пишиқ гишт, ганч эритмаси таянч хомашё сифатида ишлатилган. Шунингдек, қурилишда дарё ва кўл тубидан олинадиган, деярли ёнмайдиغان кукунли қоришмалардан фойдаланилган. Самарқанд, Бухоро, Хива каби

кўхна шаҳарларимизда қад ростлаб турган меъморий обидаларнинг ёнгин хавфсизлиги тўлиқ таъминланган бўлиб, бу иншоотлар олдида ҳовузлар барпо қилинган. Тарихий манбаларда келтирилишича, биргина Бухоронинг ўзида саксон-юзта ҳовуз бўлган. Шаҳардаги энг йирик ҳовуз – Лабиҳовуз 1620 йили бунёд этилган. Ариқ ва ҳовузлардаги сувнинг ифлосланишига йўл қўйилмаган, уларда от сугориш, чорва молини чўмилтириш тақиқланган. Бухородаги ҳар бир маҳаллада тунги навбатчилик ташкил этилган, ёнгин чиққудек бўлса, маҳалла аҳли сафарбар этилган.

Туркистонни Русия империяси босиб олгач, ўлкада товар-пул муносабатлари шаклланиши билан замонавий техник воситалар кириб келишига маълум даражада имкон яратилди. Бунинг натижасида ёнгинлар ҳам кўпайди. Аммо Туркистон генерал-губернаторлиги бунинг олдини олиш борасида тайинли чора-тадбир кўрмади. Натижада тинч аҳоли ёнгиндан кўп талафот кўрди.

1868 йил 11 ва 16 октябрь кунлари Тошкентнинг Қашқар ва Кўкча маҳалласида, 1893 йил май ойда Зангиота маҳалласида, Бешёғоч даҳасида, 1879 йил август ойида Самарқанддаги 7-қоровуллик саройи ва 64-растада чиққан ёнгинни бартараф этишнинг иложи бўлмаган. 1902 йили Тошкентнинг ўзида ёнгиндан 300 минг рублдан зиёд моддий зарар кўрилган (*ўша манба, 19-20-бетлар*).

Шундан кейин Русия империяси чора-тадбирлар қўришига мажбур бўлган. 1897 йили Тошкентда ҳаваскор ўт ўчирувчиларнинг “Эркин жамият”и ташкил этилган. Дастлабки чоралар ёнгинга қарши кураш ишларининг яхшиланишига бирмунча ёрдам берган бўлса-да, бу соҳадаги муаммоларни тўлиқ ҳал эта олмаган. Шу сабабли бу жамият тарқатиб юборилган.

Ўша йиллари генерал-губернаторлик ўт ўчириш хизмати ташкил этилишига рухсат беради. Тошкент шаҳар думаси ўт ўчириш қисмларини лойиҳалаштириш учун махсус комиссия тузади. 1902 йили Тошкентда, кейинчалик бошқа шаҳарларда маҳаллий полиция аппарати таркибида ўт ўчириш гуруҳлари тузила бошлайди.

Вақт ўтиши билан ёнгин хавфсизлиги тизими ривожлана бошлаган. Шаҳар ва қишлоқларни ёнгин офатидан муҳофаза қилишда ўт ўчириш каланчалари катта аҳамиятга эга бўлган. Ўт ўчириш каланчаси баланд қурилган бино – минора бўлиб, унинг энг юқорисида кузатув хонаси жойлашган. Ўт ўчириш каланчалари XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилиб, шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқларни ёнгин офатидан муҳофаза қилишда фойдаланилган. Ўт ўчирувчилар кечаю кундуз навбатчилик қилиб, шаҳар ёки посёлкаларда чиққан ёнгинни аниқлаб, минорага осилган катта кўнгирак ёрдамида бу ҳақда хабар берган. Бундан ташқари, оғохлантирувчи байроқчаларни силкитиб, тунда эса фонуслар ёқиб белги берилган.

Туркистонда совет ҳукумати ўрнатилгач, 1918 йил декабрь ойидаги Декретга асосан Ёнгин сугурта бўлими ва ҳайъати тузилган.

1924 йили Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегаралаш ўтказилгач, мамлакатимизда саноатлаштиришга жиддий эътибор берилди. Саноат корхоналарида қоғоз, нефть, кўмир, спирт, пахта ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотлар тез алангаланувчи ва портлаш хусусиятига эга бўлгани учун ёнгиндан сақлаш хизматига талаб янада ортди. Натижада ёнгин хавфсизлиги бошқаруви тизимида баъзи ислохотлар амалга оширилди.

Архив манбаларида келтирилишича, 1925-27 йиллари Ўзбекистоннинг вилоят ва шаҳарларида ёнгиндан сақлаш хизмати қуйидаги тартибда фаолият олиб борган: ёнгин хавфсизлиги бош инспекцияси, автоном вилоятларда ёнгиндан сақлаш бошқармаси, округ ва уездларда ёнгин хавфсизлиги инспекторлари ёки ёнгин хавфсизлиги хизмати бошқармаси, туман ва волостларда ёнгин хавфсизлиги сардорлари.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ёнгиндан сақлаш жамоалари бир хилда ташкил қилинмаган. Ўт ўчириш жамоаларига маҳаллий бюджетдан 1925-26 йиллар 114 миллион 659 минг, 1926-27 йиллар 141 миллион 472 минг сўм ажратилган (*ЎзРМДА 837-фонд, 3-рўйхат, 48-жилд, 25-варақ*) бўлса-да, бу маблағ эҳтиёжларни қондиришга етмаган.

1931 йилдан бошлаб Ўзбекистонга ўт ўчириш машиналари кириб келган. 1935-38 йилларда республикада сув ўтказиш қувурлари қурилиши бошланган. Ўт ўчириш машиналари билан сув олиш жуда қийин бўлган, гидрантлар йўқлиги сабабли улар ўрнига полугайкалар ўрнатилган. Бу аҳвол 1960-65 йилларгача давом этган. Вақт ўтиши билан шаҳар ва қишлоқларда касбийлаштирилган ҳамда ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмлари қурилган (бу 1973-90 йилларни ўз ичига олади). Шу тариқа ёнгин хавфсизлиги хизмати янгиланиш босқичига чиққан.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ўтган давр мобайнида иқтисодиёт ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби ёнгин хавфсизлиги тизимида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 11 августдаги 404-сонли қарори асосида Ёнгин хавфсизлиги муҳандислари Тошкент факультети ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ёнгин хавфсизлиги мутахассисларини тайёрлаш ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари малакасини ошириш бўйича Тошкент ёнгиндан сақлаш техник билим юрти негизида Ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби ташкил этилди. Ушбу олий таълим муассасаси раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари томонидан бугунги кунда кўплаб ижобий ишлар қилинмоқда.

Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти мамлакатда ёнгин хавфсизлиги тизимини янада ривожлантиришдан иборат.

Неъмат ҲОЗБОЕВ,

ЎзР ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактаби ўқитувчиси, майор



SUMMARY

Abdurahim Erkayev. Delusional Honesty. pp. 16-23.

Soft power is a function of communication technologies for manipulation and controlling minds of people. This function emerged following the development of highly sophisticated global information systems. Of course, every state, political and religious group, governmental and non-governmental organization attempts to wield this power to promote their narrow interests. But this may undermine social stability and lead to chaos. The article examines current socio-cultural situation in Uzbekistan and tries to identify factors causing the crisis of national traditions. For instance, westernization, mass culture, religious radicalism, an attempt to export of democracy by larger states are most destructive tendencies against national interests. According to the author, prevention of negative information through mass media, to control them is a guarantee of stability and peace.

Rahmon Quchqor. World is a Battlefield. pp. 24-29.




As globalization is boiling various cultures and traditions in the same pot, centuries-old way of life and values in traditional societies are doomed to extinction. Meanwhile, the urgent priority of education to preserve and hand down values and traditions from generation to generation is increasing. The author of the article discusses the ways of keeping Uzbek culture healthy and how to protect it from damaging impact of larger cultures. For him, by nurturing independent and intellectual individuals, we can survive in globalized world. Media literacy, critical thinking, love for one's culture and history should be vital for our citizens. He not only points the ways of cultural survival, but criticizes present education system and mass media.

Qozoqboy Yuldoshev. Encyclopedia of Navai's Treasure. pp. 30-37.

The publication of the Encyclopedic Dictionary of Alisher Navai in two volumes this year was a momentous event in cultural and literary life in Uzbek society. This dictionary differs from all previous dictionaries with its larger content that prepared using the last achievements of Navai studies. In previous dictionaries, words were mostly defined with their general and neutral meaning, but in new dictionary authors gave a special attention to the way how Navai used them. Furthermore, dictionary gives detailed information on teachings and concepts of sufi mystics, characters of Navai's works, and classical poetic genres. In his review, Qozoqboy Yuldoshev analyses the new dictionary, tells its positive and some negative sides.

Qosimjon Sodiqov. Immortal Pages. pp. 76-83.

Divenu Lugatit Turk is one of the most ancient and most important dictionaries of Turkish literature and language. This book is highly appreciated among researchers of old Turkish language. It is translated to Uzbek, Turkish, Uygur, English, Russian, and Persian languages. Its last and new translation is made into Turkish by B. Atalay and printed in 2014. It is a dictionary of old Turkish language written in 11th century whose author Mahmood Kashghari gave not only definition of Turkish words; he explained them with examples from folk tales, proverbs, and poems as well. Linguist Qosimjon Sodiqov introduces it and other important books on Turkish literature and language to the readers of our magazine.



98 10 797

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2016



ISSN 2010-6491



9 772010 649005